

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.ХУРРАМОВА, С.ТОШАЛИЕВА, Ж.ТУРОПОВ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

(Ўқув қўлланма)

Қарши
«Насаф» нашриёти
2007

Ушбу ўқув қўлланма жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар ва уларнинг амал қилиш механизми атрофлича ёритилган. Ушбу қўлланма ўз ичига халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли таркибий қисмлари, жумладан халқаро савдо, халқаро валюта-молия муносабатлари, халқаро капитал ҳаракати, халқаро меҳнат миграцияси муносабатларига алоҳида тўхталган ва китобхонга тушунарли ҳолда баён этилган.

Ўқув қўлланма иқтисодий таълим йўналишларида таълим олувчи талабаларга, қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

И.ИСОНҚУЛОВ

Термиз давлат университети
«Молия» кафедраси доценти,
и.ф.н.

А.АВЛИЁҚУЛОВ

ТерДУ «Иқтисодиёт» кафедраси
мудири, и.ф.н.

Термиз давлат университети Илмий Кенгаши нашрга тавсия қилган.

Т 4702620201-31
----- 31-2007
376(06)2007

З.Хуррамова, С.Тошалиева
Ж.Туропов

ISBN 5-7323-0518-2



Кириш

«Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» фанини республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг Олий ўқув юртлари иқтисодчи мутахассисларни тайёрлайдиган барча факультетларида фундаментал иқтисодий фанлардан бири ҳисобланган.

Маълумки, жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 280 дан ортиқ давлатлар мавжуд бўлиб, бу давлатлар ўз хўжалик иқтисодиётини ва халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришлари билан уч гуруҳга (ривожланган, ривожланаётган, паст ривожланган давлатларга) бўлинади. Улар ўзларининг бир неча асрлар давомидаги иқтисодий ривожланишида турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий босқичларни босиб ўтганлар. Кишилик жамиятида синфий жамиятнинг вужудга келиши (бу ҳолат турли давлатларда турли даврларда рўй берган) билан боғлиқ ҳолда бозор муносабатлари ҳам турлича шаклланиб борди. Бозор муносабатлари дастлаб XVII- XIX асрларда Гарбий Европанинг бир қатор давлатларида (Голландия, Англия, Франция, Германия) тез ривожланиб борган бўлса, бу мамлакатлар томонидан мустамлака қилинган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари (Ҳиндистон, Туркия, Араб давлатлари, Мексика ва бошқалар) иқтисодиёти эса ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ниҳоятда тушкунликка тушиб қолган эди. Шундай қилиб, бозор муносабатлари бу даврда жаҳоннинг деярли барча давлатларида ҳукмрон бўлгани билан унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий оқибатлари турлича бўлган эди.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли олий ўқув юртлари иқтисодиёт факультетларида «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» фанини ўқитиш муҳим аҳамиятга моликдир. Жаҳон мамлакатлари билан халқаро иқтисодий муносабатларни тўғри олиб бориш учун ҳам бошқа бир қатор давлатларнинг (айниқса, ривожланган етакчи давлатлар билан бир қаторда ривожланаётган давлатларни ҳам) иқтисодий ривожланиш йўлларини (моделларини) кенг, ҳар томонлама ўрганиш ва хулосалар чиқариш зарур ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов, - «Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитларини ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган. Айни пайтда жаҳон мамлакатлари амалиёти тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар каторига ўтган мамлакатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади», - деб кўрсатган эди.

*1-боб. Жаҳон иқтисодиёти тўғрисида
тушунча ва халқаро иқтисодий
муносабатларнинг аҳамияти.*

**1. Жаҳон иқтисодиёти тўғрисида тушунча ва унинг
ривожланиш босқичлари.**

Жаҳон хўжалиги деганда миллий иқтисодиётдаги хўжаликларнинг ўзаро иқтисодий муносабатини тушунамиз. Жаҳон хўжалигининг шаклланиш жараёни амалда кишилик жамиятининг бутун тарихини ўз ичига олади. Чунки у ишлаб чиқариш кучларининг неча минг йиллар давомидаги эволюцияси натижасидир. Жаҳон хўжалигининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини ўзига ҳос хусусиятлар билан ифодаланувчи айрим босқичларга тақсимлаш мумкин. Биринчи ва энг узоқ даврни ўз ичига олувчи босқич буюк географик кашфиётлар давригача давом этган. Буюк географик кашфиётлар натижасида халқаро савдо Европа ва Осиёдан кейин ер шарининг бошқа минтақаларини ҳам қамраб олди. Минтақалар ўртасида маҳсулот айирбошлаш жаҳон бозорини вужудга келтирди. Ушбу бозор транспорт ривожланиши билан янада ҳам кенгайди. Чунки, денгиз транспорти барча материкларни бирлаштириш имконини берди. Жаҳон хўжалиги XX аср арафасида тўлиқ шаклланиб бўлди.

Жаҳон хўжалиги иқтисодий категориядир. Чунки у тўғридаги тушунча ижтимоий меҳнат тақсимоти тушунчаси, хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, халқаро иқтисодий муносабатлар ҳамда халқаро иқтисодий интеграция тушунчалари билан алоқадордир.

XX асрнинг иккинчи ярмида кенг миқёсда темир йўлларнинг барпо этилиши ва денгиз транспортининг жадал суръатлар билан ривожланиши қуруқликлар ва материкларни боғлади ҳамда жаҳон савдоси ва жаҳон хўжалигининг шаклланишини таъминлади.

Узоқ тарихий жараёнлар натижасида XX аср бошларида жаҳон хўжалиги таркиб топди. Ушбу даврда капиталистик ишлаб чиқариш усулининг қарор топиши билан бозор муносабатлари ҳар бир мамлакат тараққиётининг ажралмас бир омилига айланди. XIX аср охири XX аср бошларида кўплаб йирик мамлакатларнинг монополистик босқичига ўтиши жаҳон хўжалик тизимининг асосларини яратди. Жаҳонни иқтисодий жиҳатдан бўлиб бошлаш монополистик капиталнинг нафақат ўз

худудида, балки ўзга давлатлар ерида ҳам энг кўп фойда олиш имкониятларини таъминлади.

XIX аср охири, XX аср бошларида бир тўда йирик монополистик давлатлар жаҳондаги кўплаб эркин мамлакатларни асоратга солиш жараёнини яқунладилар. Йирик колониял имтиёзлар пайдо бўлди, жаҳон хўжалиги ҳам тубдан ўзгариб кетди. Хусусан, мустамлака мамлакатлар колонияларининг роли бошқача тус олди. Агар XVI асрларда кичик давлатлар ерлари йирик давлатлар учун товарларни сотиш майдончаси ролини ўйнаган бўлса, XIX асрда бу йирик ҳукмронлар ушбу мамлакатлар худудида нафақат товар сотиш, балки хом ашёлар, ишчи кучини ташиб кетиш, муҳим ҳарбий плацдарм майдонига айланди. Колониялардан катта ҳажмдаги солиқлар ундирилди ва уларнинг бойликлари бошқа турли йўللار билан ўзлаштирилди. Шу тариқа ривожланган мамлакатлар билан қарам мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар борган сайин кучайиб борди ва дунёни қайтадан бўлиб олиш учун биринчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Аммо бу уруш капиталистлар ўйлаганидек уларга катта фойда келтирмади. Аксинча йирик ишлаб чиқариш структуралари қаттиқ зарбага учради. Қарам мамлакатлардаги норозилик борган сайин кучайиб борди. Натижада қарор топган жаҳон хўжалиги инқирозга учради. Яъни, Россияда инқилоб галаба қилди. Жаҳон хўжалиги икки қарама-қарши йўналиш гирдобига тушиб қолди. Бир томондан бозор иқтисодиётига асосланган капиталистик хўжалик, иккинчи томондан режали иқтисодиётга асосланган социалистик хўжалик ўртасида кескин кураш борди.

XX асрнинг ўрталарида иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг капиталистик мамлакатлар билан колониялар ўртасида ўзининг энг юқори нуқтасига чиқди. Қарам мамлакатлар бирин-кетин эркинликка чиқиб, мустақил ривожланиш йўлига ўтди. Бу жараён асосан 60-йилларда ўз ниҳоясига етди. Мустақилликка эришган мамлакатлар олдида асосан иккита иқтисодий тараққиёт йўли мавжуд эди. Бу бозор иқтисодиёти ва марказлашган режали иқтисодиёт йўли эди. Шу тариқа жаҳон хўжалиги янги-янги мамлакатлар ҳисобига тобора кенгайиб борди. Шунингдек, жаҳон хўжалигида рақобат кескинлашди, чунки жаҳон хўжалиги бир-бирига зид йўналишлардан ривожланишнинг турли босқичларида тўрған мамлакатлардан ташкил топган эди. Бу ҳол 1991 йилгача давом этди. 1991 йилдан социалистик тизим барҳам топди ва бозор иқтисодиёти жаҳон бозорида ҳукмрон йўналиш бўлиб қолди.

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техника тараққиёти жадал ривожланиб барча мамлакатларни қамраб олди. Ҳозирги замон жаҳон ҳўжалиги халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос томонларидан бири иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида турган давлатларнинг баб-баравар иқтисодий муносабатларга қатнашуви бўлса, иккинчи муҳим хусусияти мамлакатлар бўйича ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви тобора чуқурлашиб бормоқда.

Ҳозирги замон жаҳон ҳўжалиги минтақавий ва миллий кичик секторлардан иборат ягона сармояли ишлаб чиқариш ва савдо майдонидир ва у халқаро иқтисодий муносабатлар асосида вужудга келган. Халқаро иқтисодий муносабатлар жаҳон ҳўжалигининг мураккаб ва ҳаракатчан элементиدير.

Халқаро иқтисодий муносабатлар жаҳон ҳўжалигининг қуйидаги бир қатор соҳаларини қамраб олади:

- халқаро савдо-сотиқ;
- ишлаб чиқариш ва илмий техника ишларининг халқаро ихтисослашуви;
- илмий-техника тараққиёти натижаларини ўзаро баҳам кўриш;
- мамлакатлар ўртасида информацион, валюта, молия, кредит алоқалари;
- капитал ҳаракати;
- ишчи кучи ҳаракати;
- халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолияти ва глобал муаммоларни ҳал қилишда ҳўжаликлараро муносабат (атроф-муҳитни муҳофазалаш, озик-овқат муаммоси, космосни ўзлаштириш ва ҳ.к.)

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) бутун дунёдаги мамлакатларнинг иқтисодий ўзаро ҳамкорлик қилишларининг асоси ҳисобланади. ХМТ нинг уч асосий тури мавжуд ва улар қуйидагилар:

- ХМТ нинг умумий типи, Тармоқлараро халқаро алмашинув, жумладан айрим мамлакатлардаги қазиб олинадиган ва қайта ишланадиган тармоқлар;
- ХМТ нинг хусусий типи. Турли тармоқларга тегишли тайёр маҳсулотлар ва хизматлар бўйича айирбошлаш, жумладан, тармоқлараро товар айирбошлаш;
- ХМТ нинг алоҳида тури. Ишлаб чиқаришнинг алоҳида босқичларида ихтисослашиш (узеллар, деталлар, ярим фабрикатлар), ҳамда технологик цикларда илмий-техникавий лойиҳалаш, конструкторлик ва технологик

тадқиқотларда ҳаттоки инвестицион жараёнлар учун ҳам даҳлдордир.

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) айрим мамлакатлар иқтисодиётига қанчалик сингиб кетганлигини тасаввур қилиш учун қуйидаги мисолга мурожаат қиламиз: АҚШ фуқароси Америка фирмаси «Дженерал Моторс» дан «Понтиак» автомобилени сотиб олди дейлик бунда халқаро шартнома тузилади. Машина учун тўланган 10000 доллар мамлакатлар ўртасида қуйидагича тақсимланади:

- 3000 доллар Жанубий Корёяга айрим операциялар учун;
- 1850 доллар Японияга мотор ва электрон асбоблар учун;
- 400 доллар Тайван, Сингапур, Гонконг фирмаларига майда деталлар тайёрлагани учун;
- 700 доллар Германияга машина конструкциясини яратгани учун;
- 50 доллар Исландия ва Барбадос фирмаларига айрим хизматлари учун;
- 4000 доллар Америкага яъни «Дженерал Моторс»га, адвокат, банкирлар ва хизмат қилувчи фирмаларга.

2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари.

XX асрда халқаро иқтисодий муносабатлар ўзининг нотекис ривожланиши билан ажралиб туради. Масалан, 1913-1950 йилларда халқаро савдо ва ишлаб чиқариш жуда секин суръатлар билан ўсди. Чунки жаҳон хўжалиги шу йиллар давомида бўлиб ўтган биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари натижасида ҳамда ривожланган капиталистик мамлакатларда чўзилиб кетган иқтисодий инқирозлар сабабли жуда катта моддий йўқотишларга учради. Аммо 1950-1973 йиллар жаҳон ишлаб чиқаришда ва савдосида "Олтин давр" ҳисобланади. Бу даврда ўртача ўсиш саноат ишлаб чиқаришида 6% ни, жаҳон савдосида 10% ни ташкил этди.

Бундай юксалиш 1974 йилга келиб, халқаро бозорда нефть баҳосининг кескин кўтарилиб кетиши натижасида ўзилиб қолди. Масалан, 1973 йилнинг охирида унинг баҳоси 14 долларгача кўтарилди, Эрон-Ироқ можароси сабабли бир баррель (159 литрга тенг) нефтьнинг баҳоси янада ошди ва АҚШнинг 35 долларини ташкил этди.

Дунёда бошланган "Нефть инқироzi" ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида чуқур тузилмавий ўзгаришлар

бошланишига олиб келди. Бу мамлакатларда 70-80 йиллар мобайнида энергия ресурсларини кам истеъмол қилувчи ҳамда интеллектуал имкониятлардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланишга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришлар барпо этилди.

Шу сабабли 1983-90 йиллар жаҳон иқтисодиётининг энг давомли юксалиш даври бўлган шу сабабли мамлакатлар кўпроқ хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулотларни четга чиқаришга ҳаракат қила бошлади. Масалан, 1990 йилларнинг бошида ривожланган Европа мамлакатлари никель ва бокситга бўлган эҳтиёжининг 75-100%ни импорт ҳисобига қондирди. Япония иқтисодиётининг ривожланиши эса асосан турли хил ёқилғиларни ва бошқа хом ашёларни ташиб келтиришга боғлиқ. Шу билан бир вақтда ушбу мамлакатлардан фан ва техника ютуқларига асосланган маҳсулотлар дунё бозорига жуда катта миқдорда етказиб берувчи мамлакатлар ҳисобланади. Ер юзининг барча мамлакатларида ҳарид қилинаётган автомобиллар, компьютерлар, мураккаб дастгоҳлар ва асбоб ускуналар, маиший уй-рўзғор жиҳозлари асосан Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ёхуд Япония маҳсулотидир.

Ҳозирги замон ҳалқаро иқтисодий муносабатларининг асосий хусусиятлари.

XX асрнинг сўнги йилларида Дунё етакчи замон мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг туб сифат ўзгаришлари ҳамда жаҳон хўжалиги тузилишида ва ўсиш суръатларида бўлган ўзгаришларнинг кучайиб бориши, ҳалқаро муносабатларининг ҳозирги босқичдаги хусусиятларини белгилаб беради.

Биринчидан, ҳалқаро айирбошлашнинг таркибий тузилиши сезиларли даражада ўзгаради: мамлакатлар маҳсулотлар айирбошлашдан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, янги технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдо-сотик олиб боришга ўтдилар. Масалан, жаҳон экспортида хизматлар улуши 60-йилларнинг охиридан 80-йилларнинг охиригача 27-30% кўтарилди, дунёнинг 13 етакчи саноатлашган мамлакатидан капиталнинг экспорти 1990 йилларнинг бошида 1970 йилга нисбатан 8 барабар ошган.

Иккинчидан, капиталнинг четга чиқарилишининг кучайиши ва мамлакатлар ўртасида айирбошлашни кенгайтириш замонавий ҳалқаро иқтисодий алоқаларнинг мамлакатлараро уйғунлашувига олиб келди. Бундай хусусият ўз фаолиятини бир

қанча давлатлар хуудида оширадиган трансмилий корпорациялар (ТМК) ва банклар (ТМБ) сонининг ошиб боришида ўз аксини топди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 20 мингдан ортиқ ТМК лар мавжуд бўлиб, улар жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 3/4 қисмидан кўпроғини назорат қилиб туради. Мисол учун, "Женерал моторс", "Ройл Датч шелл", "Эксон" каби йирик ТМК лар обороти ҳажми Ўзбекистонда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдоридан икки мартадан ҳам ортиқ. Ўз ихтиёрида беҳисоб моддий ва молиявий қудратни жамлаган бундай корпорациялар ва банклар кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатига ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг умумривожланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий босқичида яна бир муҳим хусусият номоен бўлди, яъни айирбошлашда мамлакатлар тутган ўринни қайта тақсимлаш жараёни кечмоқда. Маълумки собиқ социалистик мамлакатларда ўтказилган чуқур сиёсий ва иқтисодий ислохотлар 9 мустақил давлатни бирлаштирган йирик халқаро иқтисодий ташкилотлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тарқалиб кетишига олиб келди. Таъкидлаш лозимки, юқоридаги мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари асосан мана шу ташкилот доирасида амалга оширилар эди. Масалан, собиқ Иттифоқ ташқи савдосининг 67 фоизи социалистик мамлакатларнинг, 22 фоизи ривожланган капиталистик мамлакатларнинг ва 11 фоизи ривожланаётган мамлакатлар улушига тўғри келар эди.

90-йилларнинг бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Шарқий Европа мамлакатлари ва Собиқ Иттифоқда ташқи иқтисодий сиёсатнинг туб бурилиши билан кузатилди.

Шу билан бирга мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида фаол қатнашувларига халақит берувчи мафкуравий ва сиёсий тўсиқларни олиб ташланиши, ҳар бир мамлакат халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан манфаатдор бўлишига кенг имкониятлар очиб берди. Аммо бу имкониятлардан фойдаланиш учун собиқ социалистик мамлакатларга маълум муддат керак.

Ҳозирда эса, жаҳон хўжалиги ва халқаро айирбошлашнинг умумий йўналишлари ва ўсиш суръатларини дунёнинг 26 та ривожланган капиталистик мамлакати белгилаб беради. Бу мамлакатлар ер юзидаги давлатларнинг 15 фоизини ташкил этади, ҳамда уларда жаҳон аҳолисининг 25 фоизи истиқомат қилади. Аммо бу мамлакатлар дунёда ҳосил қилинаётган электр қувватларнинг 75 фоизини, ёқилғининг 79 фоизини, ёғочсозлик

маҳсулотларининг 85 фоизини ва пўлатнинг 72 фоизини истеъмол қилишади. Саноати тараққий этган мамлакатларнинг ўзаро савдоси жаҳон савдосининг 79 фоизини ташкил этади. Барча иқтисодиёти ривожланган ва халқаро айирбошлашда юқори ўринда тўрған мамлакатларни ҳудудий жойлашувига қараб шартли равишда уч блокка ажратиш мумкин.

1. Шимолий Америка блоки
2. Ғарбий Европа блоки
3. Япония блоки

3. Жаҳон хўжалиги иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи.

ФТИ нинг кенгайиши ва чуқурлашиши натижасида дунёдаги кўпчилик асосан иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг янги постиндустриал тури шакллана бошлади. Постиндустриал мамлакатлар қаторига Ғарбий, Жанубий ва Шимолий Европа мамлакатлари АҚШ, Канада, Австралия, Япония, Аргентина, Ливия ва бошқа мамлакатлар киради. Ижтимоий иқтисодий ривожланиш борасида катта ютуқларга эришган Мексика, Бразилия, Чили, Корея Республикаси ёки нефтни экспорт қилиш натижасида молиявий аҳволини яхшилаб олган Жазоир, Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Қатар ёхуд воситачилик фаолиятини олиб боришга ва туризмга ихтисослашган Багам ва Канар ороллари, Монако, Андорра, Сан Марино мамлакатлари шулар жумласидандир.

1.1.-жадвал

Дунё мамлакатлари ялпи миллий даромадлари тўғрисида маълумот (2004 йил)

Давлат	ЯМД (трил. доллар)	Шу жумладан аҳола жон бошига, долл.
АҚШ	10.9	37610
ЕИ	8.6	22760
Шу жумладан:	2.1	25250
ГФР	1.5	24770
Франция	1.2	21560
Италия	1.7	28350
Буюк Британия	4.4	34510
Япония	1.4	1100
Хитой	0.4	2610
Россия		
Дунё бўйича	34,5	5500

(2004 йил статистик маълумотлари асосида)

Жаҳон ҳўжалиги XX асрда, айниқса унинг иккинчи ярмида жуда юқори суръатлар билан ривожланди. XXI асрнинг дастлабки даврида дунё миқёсида яратилган ялпи миллий даромад ҳажми 15 марта кўпайди ва 34 трлн. АҚШ долларидан ошиб кетди.

Жаҳон иқтисодиётининг бугунги кўринишига келгунга қадар унинг манзараси қуйидаги босқичларни босиб ўтган:

- жаҳон ҳўжалиги вужудга келди;
- жаҳон иқтисодиёти байналминаллашди;
- социалистик тузум барҳам топди (иккита қарама-қарши тузум барҳам топди);
- жаҳон эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий муносабатларга ўтди;
- жаҳонда глобаллашув жараёни содир бўлди.

Дунё бўйича саноат тармоқлари ҳолати.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғидир. У ҳар қандай ҳўжалик тармоқларининг ривожланишини таъминлаб бериш хусусиятига эга. Жаҳоннинг барча саноат тармоқларида 400 миллиондан зиёд ишчи ва ходимлар ишлайди. Мавжуд саноат тармоқлари ривожланиш даври ва аҳамиятига кўра 3 гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳга саноатнинг эски тармоқлари - тошкўмир, темир рудасини қазиб чиқариш, металлургия, вагонсозлик, кемасозлик, тўқимачилик киради.

2-гуруҳга янги тармоқлар деб аталувчи автомобилсозлик, рангли металлургия, пластмассалар, кимёвий толалар, самолётсозлик, станоксозлик каби тармоқлар киради.

3-гуруҳга энг янги тармоқлар киради. Булар микроэлектроника, электрон ҳисоблаш техникаси, атом ва аэрокосмонавтика, оптика, органик синтез кимёси, микробиология ва бошқалардир.

Ҳозирги даврда учинчи гуруҳ саноат тармоқлари энг тез ва барқарор ривожланиш суръатларига эга бўлиб асосан пост-индустриал мамлакатларда ривожланмоқда. Ёқилғи энергетика саноати хусусиятларидан бири маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш географияси ўртасидаги фарқнинг катталигидир.

Аҳолиси 291 миллион киши бўлган АҚШ жаҳоннинг барча турдаги бирламчи энергия ресурсларининг тўртдан бир қисмини истеъмол қилган ҳолда, аҳолиси 3 млрд. кишидан зиёд ривожланаётган мамлакатлар биргалиқда шунча энергия

воситаларидан фойдаланмоқда, холос. Агар жаҳонда ҳар бир кишига ўртача йилига 2 тонна шартли ёқилғи тўғри келса, бу кўрсаткич АҚШда 10 тоннага, ривожланаётган мамлакатларда эса 0,7 тоннага тўғри келади.

1.2.- жадвал

2002-йилда газ қазиб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлар

Давлатлар	Газ қазиб чиқариш, млрд. м ³
АҚШ	590
Россия	680
Канада	170
Б.Британия	98
Индонезия	87
Нидерландия	72
Ўзбекистон	57
Жаҳонда	2480

XX аср давомида жаҳоннинг ёқилғи энергетика балансида (ЁЭБ) ҳам катта силжишлар юз берди. Асрнинг биринчи ярмида асосий энергетика босқичи сифатида кўмирдан фойдаланилган бўлса, асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ЁЭБ да нефт-газ даври бошланди. Нефт саноати ёқилғи энергетика тармоқларининг етакчисидир. У нафақат кўп қиррали энергетика ресурси, шунинг билан бирга органик синтез кимёсининг асосий хом ашёси ҳамдир.

1.3.- жадвал

2002 йилда нефт қазиб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлар

Давлатлар	Нефт қазиб чиқариш млн. т
Саудия арабистони	425
АҚШ	385
Россия	350
Эрон	190
Венесуэла	150
Мексика	180
Хитой	165
Ўзбекистон	7
Жаҳон бўйича	3790

Нефт қазиб чиқарувчи давлатлар сони тез кўпайди. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг саксондан ортиқ мамлакатларида нефт қазиб чиқарилмоқда. Муҳим томони шундаки, жаҳон нефт заҳирасининг 86 фоизи ва қазиб чиқарилаётган нефтнинг салкам 52 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Жаҳонда нефтни қазиб чиқариш ва экспорт қилишда ОРЕКга Жазоир, Ливия, Ироқ, Қувайт, Қатар, Саудия Арабистони, БАА, Индонезия, Нигерия, Габон, Венецуэла, Эквадор давлатлари аъзо. Жаҳонда нефтга энг бой ҳудуд Форс қўлтиғи соҳилларида жойлашган мамлакатлар ҳисобланади. Уларда жаҳон нефт заҳираларининг 2\3 қисми жойлашган.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Жаҳонда биронта мамлакат йўқки қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган хўжаликлар ташкил топмаган бўлсин. Ҳозирги вақтда бундай хўжалик тармоқларида жаҳон бўйича 1 млрд. дан ортиқ киши ёки жами иқтисодий фаол аҳолининг 70 фоиздан кўпроғи иш билан банд. Қишлоқ хўжалигининг йирик тармоғи деҳқончилик бўлиб, деҳқончиликнинг ҳам энг йирик тармоғи бу донли экинлардир. Донли экинлар тури анча кўп бўлиб, жаҳон экин майдонларининг ўртача ярмида яъни 0,7 млрд. гектарда экилади.

Донли экин майдони таркиби

Буғдой	30 фоиз
Шоли	28 фоиз
Макажўхори	25 фоиз
Арпа	9 фоиз
Оқ жўхори	3 фоиз
Жавдар	2 фоиз
Бошқа донли экинлар	3 фоиз

Буғдой жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида экилади ва жами донли экинлар майдонининг 1\3 қисмини банд қилиб келмоқда. Жаҳоннинг асосий буғдойзорлари ер шарининг шимолий ярим шарининг ўрта кенгликлари бўйлаб тарқалган. Бу кенгликларда жойлашган АҚШ, Канада, Россия, Украина, Қозоғистон, Хитой жаҳоннинг энг йирик буғдой етиштирувчи мамлакатлари ҳисобланади. Дунёнинг иккинчи буғдой минтақаси Жанубий ярим шарнинг ўрта кенгликларидир. Ундаги буғдойли майдонлар Лотин Америкаси, Африка ва Австралиянинг жанубий ҳудудлари бўйлаб жойлашган. Ушбу

минтақада жойлашган Австралия ва Аргентина давлатлари ҳам жаҳонда бугдой етиштирувчи йирик давлатлардан биридир. Аҳоли жон бошига энг кўп сифатли бугдой етиштириш ва уни экспорт қилишда Канада етакчилик қилади.

Машҳур Шимолий Америка прериясида жойлашган Виннипег шаҳри бугдой пойтахти ҳисобланади.

4. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети.

Халқаро иқтисодий муносабатлар илк давлатлар билан бир пайтда объектив реаллик сифатида пайдо бўлган кенг қўламдаги ранг-баранг алоқалар ва муносабатларнинг муҳим таркибий қисмини ифодалайди. Узоқ тарихга назар ташлар эканмиз, қадимги цивилизациялар эрамиздан аввалги 4-3 минг йилликлардаёқ иқтисодий соҳада ўзаро алоқалар олиб боришганига доир бир талай мисолларга дуч келамиз, чунки улар хоҳ қадимий Миср ёки Шумер маданияти бўлсин, хоҳ Инд водийси маданияти ёки Шанин давридаги Хитой бўлсин, келиб чиқишининг автономлиги ва жўғрофий жиҳатдан ажралганлигига қарамасдан бир-бирлари билан хўжалик муносабатлари ўрнатишга ва уларни кейин ҳам давом эттиришга интилишган. Жуда кўп манбалар гувоҳлик берадики, аҳён-аҳёнда тартибсиз табиатдаги натурал товар айирбошлаш кўринишидаги муносабатлар ўрнига аста-секин антик даврга (э.а. 1000 йиллар-эрамизнинг 1000 йиллари ўрталари) хос бўлган пул-товар муносабатларининг ривожланиши асосидаги доимий хўжалик алоқалари вужудга келади. Ўрта асрларнинг бошланиши ХИМ нинг илгариланма ҳаракатида иқтисодиётнинг ялпи натураллашуви мулкнинг корпоратив табақаланган тузилмаси ва ижтимоий муносабатларнинг сакрализациясига асосланган орқага чекинишни келтириб чиқарди. Бироқ шаҳарларнинг ўсиши ва савдо-судхўрлик капиталининг ривожланиши буюк жўғрофий кашфиётлар очилган даврда мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайишига ва Европадаги етакчи давлатлар: Испания, Португалия, Голландия, Франция ва Британиянинг колониал империялари ташкил топишига пойдевор яратди.

Айнан ана шу омил шунингдек, ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа воситаларида улкан олға силжишни ифодалаган XVIII-асрнинг охири XIX асрнинг бошларидаги саноат инқилоби замонавий кўринишдаги ХИМнинг шаклланиши учун зарур бўлган муҳим сифатида глобал иқтисодий маротузилма юзага


келиш жараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, инсониятни XIX-XX аср бўсағасида тараққиётнинг индустриал даврига ўтиши анъанавий кўринишдаги ҳудудий хўжалик тизимлари эволюциясидан олдинги даврга яқун ясади, жаҳон миқёсида Европа (инглиз-америка) бозор иқтисодиёти моделининг галабасини ифодалади.

Бошқача қилиб айтганда, бир томондан Европа, Шимолий Америка ва маълум даражада Япония миллий хўжаликларини, иккинчи томондан кенг кўламдаги мустамлака периферияларини ўз ичига олган жаҳон иқтисодий мажмуасининг юзага келиши ХИМ тизимининг шундай кўринишининг яралишига олиб келдики, бу кўриниш шу ҳолатда маълум ўзгаришлар билан ҳозирги даврда ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Албатта, ўтган 10 йиллик давр ХИМ табиати ва тузилмасига маълум ўзгартиришлар киритди. Мустамлакачилик империяларининг тугатилиши ва ривожланаётган мамлакатлар (180 дан ортиқ) деб аталмиш гуруҳларнинг вужудга келиши натижасида иқтисодий алоқалар уч иқтисодий марказ, яъни АҚШ, Европа, Япония билан Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ёш давлатлар ўртасидаги алоқалар кўринишини олди. СССР нинг тарқалиб кетиши ва собиқ социалистик мамлакатларнинг туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўлига ўтиши режали буйруқбозлик хўжалигининг самарасиз эканлиги ва ривожланишининг бозор моделига кенг кўламда ўтиш муқаррар эканлигини намоён қилди. Ва ниҳоят ихтисослашув ва кооперациянинг чуқурлашуви билан бирга кўзатилувчи ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви бир қатор интеграцион гуруҳлар, шунингдек, универсал ва ихтисослашган халқаро иқтисодий ташкилотлар пайдо бўлишини рағбатлантирди.

Бу барча ҳодисалар ХИМни иқтисодий фанларнинг бир соҳаси сифатида назария ва амалиёт доирасида ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади. Бу фаннинг ўрганиш объекти иқтисодий айирбошлаш соҳасидаги давлатлараро муносабатлар бўлса, предмети - миллий, ҳудудий ва глобал миқёсдаги иқтисодий алоқалар йиғиндисидир.

ХИМ фаининг предмети деганда ута мураккаб булган халқаро иқтисодий муносабатлар ва уларни амалга ошириш механизмлари тушунилади

ХИМ фаининг объекти деганда жаҳон хўжалигининг иқтисоди эмас, балки унинг уртасида содир буладиган иқтисодий муносабатлар мажмуеси тушунилади



Назорат савллари:

1. Халқаро иқтисодий муносабатлар деганда нимани тушинасиз?
2. Жаҳон иқтисодиётининг моҳияти нимада?
3. Жаҳон хўжалиги ўз ривожланишида қандай асосий босқичларни ўтган?
4. Халқаро айирбошлашнинг вужудга келиши нималарга боғлиқ?
5. Ҳозирги босқичда халқаро иқтисодий муносабатлар қандай хусусиятларга эга?

2-боб. Жаҳон иқтисодиётида инсон ресурслари.

1. Жаҳон аҳолиси сони ва кўпайиши.

Бир неча минг йиллар мобайнида ўлимнинг жуда юқори ва аҳоли ўсиш суръатларининг паст бўлишиги ўзининг асосли сабабларига эгадир. Даставвал, бу моддий ва санитар-гигиеник шарт-шароитларининг қониқарсиз аҳволда эканлиги, қолаверса, вақт-вақти билан такрорланиб турувчи очарчилик, ўлат, вабо ва чечак эпидемиялари натижасида юз минглаб одамларнинг қирилиб кетиши билан боғлангандир.

Ер шарида бундай офатлар 200-400, 1200-1300, 1600-1650-йиллар ичида қайд этилган бўлиб, ўша даврларда аҳоли сони умуман ўсмади, 1300-1400-йиллар давомида қора ўлат эпидемиясининг таъсирида ер юзи аҳолисининг 1/4 қисмидан ажради. Аҳоли кўрсаткичларига охири кўринмаётган урушлар ҳам катта таъсир кўрсатиб келмоқда. Урушлар XVIII асрда 5,2 млн., XIX асрда, 5,5 млн., XX асрда эса деярли 50 млн. кишининг ёстиғини қуритди.

XIX асргача бўлган даврда демографик жараёнларда сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Ундан кейинги даврларда аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичларида демографик ўтиш даврига хос жараёнлар бошланди. У оила бажарадиган вазифаларнинг кескин ўзгариши, турмушнинг нисбатан яхшиланиши, аҳолининг ёш таркибларидаги силжишлар ва бошқа омиллар билан боғланди.

Демографик омиллар демографик ўтиш даври 4 та кетма-кет келувчи босқични ўз ичига олишлигини асослаб берган.

Биринчи босқич учун туғилишнинг юқори даражада сақланиши ва ўлимнинг кескин қисқариши оқибатида вужудга келувчи жуда юқори даражадаги табиий ўсиш хосдир.

Иккинчи босқич кўп болали оиладан кам болали оилага ўтиш, ўлимнинг қисқариши, туғилишнинг эса ундан ҳам кўп миқёсда қисқариши натижасида табиий ўсишнинг камайиши билан ифодаланади.

Учинчи босқичда, авваламбор, аҳоли ичида қариялар сонининг ўсиши ҳамда туғилишининг аста-секин пасайиши натижасида умумий ўлимнинг нисбий даражаси бирмунча кўтарилади. Мазкур босқичда аҳоли сони жуда оз миқдорда ва жадал суратларда ўсади ёки қисқаради (депопуляция жараёни).

Тўртинчи босқичда туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари тенглашади, аҳоли сонининг табиий-умумий ўсиши умуман барҳам топади.

Демографик ўтиш даври даставвал Европада XVII асрда бошланди. Шунда табиий ўсиш коэффициенти 20-30 промеллига тенг бўлди. Буни ҳақиқатдан ҳам демографик инқилоб деб аташ мумкин.

2.1.-жадвал

Демографик жараёнлар соломаси

Йилнома	Давр	Даврнинг давом этиши (йил)	Давр бошида аҳоли сони (Млн.к.)	Аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиши фоиз)
Милоддан 7000 йил илгари	Неолит	5000	10	0,3
Милоддан 2000 йил илгари	Антик	2000	50	0,1
О	(янги эра) янги эранинг бошланиши, ўрта асрнинг дастлабки даври	2000	230	0,1
1000-йил	Ўрта асрлар	1000	305	0,02
1500-йил	Ўрта асрнинг якуний даври	500	440	0,1
1650-йил	Янги замонанинг бошланиши	150	550	0,3
1800-йил	Янги замон	150	952	0,5
1900-йил	Янги замоннинг якуний даври	100	1656	0,8
1950-йил	Энг янги замон	50	2527	1,0
1980-йил	Янги ўтган давр	30	4430	1,9
2001-йил	Ҳозирги давр	24	6134	1,5
2004-йил			6272	1,4

Чунки 10-20 йил оддин атиги 5-10 промиллега тенг бўлган табиий ўсиш коэффициенти қисқа вақт ичида 2-3 марта ошди. Ушбу жараён Европада 100-150 йил давом этди. Ундан кейинги даврда Европа мамлакатлари демографик ўтишнинг учинчи босқичида бўлдилар. Бинобарин, Германия, Австрия, Бельгия, Италия, Дания, Венгрия, Нидерландияда аҳолининг оддий-табиий такрор барпо этилиши айрим йилларда таъминланмаяпти, яъни ўлганлар сони туғилган болалар сонидан кўп бўлмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги демографик ўтиш жараёнининг биринчи босқичини ўтмоқдалар.

АҚШ, Европа, Канада, Австралия мамлакатлари иккинчи босқични бошдан кечирмоқдалар. Хитой ва бошқа мамлакатлар ушбу иккинчи босқичга ўтиш арафасида турибди. Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё мамлакатларида биринчи босқичдан

иккинчи босқичга ўтиш учун замин таёрланди. Бу жараён яқин 10-15 йил мобайнида бошланса ажаб эмас.

Дунё аҳолиси сонига сўнги ярим аср (54 йил) ичида бўлиб ўтган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот 2.2-жадвалда келтирилган.

2.2. - жадвал

Жаҳон аҳолиси, унинг сони ва айрим ҳудудлар бўйича тақсимланиши (млн. киши)

	1950	1960	1970	1980	1990	1995	2001	2004	2025
Бутун дунё	2516	3019	3694	4433	5246	5702	6134	6272	8312
Шу жумладан									
Осиё (Россияси)	1399	1702	2147	2623	3123	3451	3721	3792	4939
Шундан									
Ғарбий Осиё	50	66	86	112	145	168	192	194	329
Ўрта ва Жанубий Осиё	496	619	787	972	1215	1355	1507	1522	2138
Жанубий шарқий Осиё	182	226	288	356	439	485	530	542	704
Шарқий Осиё	671	791	986	1183	1324	1442	1492	1534	1768
Россия	113	119	130	138	148	147	148	143	153
Европа (Россияси)	436	487	527	556	578	581	582	584	590
Шундан									
Шимолӣ Европа	78	82	87	89	91	94	95	96	99
Ғарбий Европа	133	154	166	173	180	181	183	184	184
Шарқий Европа	166	133	146	155	162	159	159	167	
Жанубий Европа	109	118	128	139	145	144	145	145	139
Африка	224	280	361	481	645	720	813	858	1510
Шундан									
Шимолӣ Африка	52	65	83	109	140	162	178	189	279
Ғарбий Африка	65	81	106	144	198	199	230	246	467
Шарқий Африка	63	80	106	142	196	226	157	272	491
Марказий Африка	27	33	40	52	69	83	98	100	191
Жанубий Африка	17	21	26	33	42	50	50	51	83
Америка	331	415	510	612	726	774	844	863	1081
Шимолӣ Америка	166	199	227	252	275	293	317	329	375
Марказий Америка	37	50	68	92	119	126	138	140	196
Жанубий Америка	111	146	190	239	297	319	351	355	460
Кариб денгизи ҳавзаси ҳудудлари	17	20	25	29	35	36	38	39	50
Австралия ва Океания	3	16	19	23	26	28	31	32	39

*БМТ баҳолари.

Дунё аҳолиси ана шу давр ичида 2,5 марта ўсди. Бундан ҳам юқори кўрсаткич Осиёга (2,7) ва Африкага (3,8) хос бўлди. Мазкур кўрсаткич Европада 1,4 мартага тенг бўлди. Сўнги йилларда ер юзи аҳолисининг мутлақ сони йилига ўртача 85-90 млн. кишига ошмоқда. Африкада, Марказий ва Жанубий Осиёда, Марказий Америкада аҳоли сонининг юқори суръатлар

билан ўсиши кузатилмоқда. Шу вақтнинг ўзида Европанинг айрим регионларида аҳоли сони жуда паст суръатлар билан ўсмокда ёки деярли ўзгармаяпти.

Аҳоли динамикасидаги фарқлар мамлакатларда мавжуд аҳоли сони ва улар эгаллаган уринларда ўз аксини топмокда. Дунёда аҳолисининг сони бўйича етакчи 25 мамлакат аниқланиб, улар эгаллаган ўринларда 1985-2004 йилларда бўлиб ўтган ўзгаришларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди.

- ана шу йилларда ва 2025-йилларгача бўлган даврда биринчи тўртлик мамлакатнинг номи, ўрни ўзгармайди (Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия);

- мамлакатлар аҳолисининг сонидagi фарқ камаймокда (биринчи мамлакатларда 25 мамлакатга нисбатан аҳоли сони 28 мартоба кўп бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2004-йилда 26 мартага тенг бўлди);

- Ушбу мамлакатларнинг асосий қисми Осиёга (1985-йилда 11 та, 2004 йилда 12 та) тўғри келади. Европада 1985-йилда 6 та, 2004-йилда 5 та шундай мамлакат бўлган. Бу кўрсаткич Америка бўйича тегишли тарзда 3 ва 3 га, Америкада ҳам 3 ва 3 га тенгдир. Икки Евроосиё мамлакатлари. Россия ва Туркия алоҳида гуруҳга киритилган.

Дунё ва унинг қитаълари, материклари ҳамда айрим регионлари бўйича аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи коэффицентлар 2.3-жадвалда берилган. Дунёда юқори даражадаги туғилиш коэффицентлари Африка материгига, регионлар ичида Африканинг барча ҳудудларига, ҳамда марказий Америка, Жанубий ва Жанубий-Ғарбий Осиё регионларига, паст даражадаги туғилиш коэффицентлари эса Шимолий Америка, Шарқий Осиё ҳамда Австралия ва Океанга хосдир. Ўлим коэффицентининг юқори кўрсаткичлари Африка ва Европада, Марказий ва Жанубий Осиё регионларида кузатилмокда. Табиий ўсиш Африка, Марказий Америка, Жануби-Ғарбий Осиё ҳамда Марказий ва Жанубий Осиёда юқори коэффицентларга эга. Ушбу кўрсаткич Европада нолга, Россияда эса минус 2-3 промиллега тенг. Россияда иммиграция катта миқдорга эга бўлмаганда депопуляция жараёни, янги аҳоли сонининг қисқариши ундан ҳам сезиларли бўларди.

Аҳоли сони ва унинг таркибига гўдаклар ўлими ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Ер шарида 2003 йил жами 8672 минг бола бир ёшга етмасдан ўлганлиги қайд этилди. Шундан, 1364 минги Ҳиндистонга, 737 минги Хитойга тўғри келади. Покистон, Бангладеш, Индонезия, КХДР, Бразилия, Нигерия, Эфиопия, каби мамлакатларда ҳозирги вақтда йилига 2000-5000 бола 1

ёшга етмасдан ўлмоқда. Болалар ўлими коэффциенти Афғонистонда 257, Ангола, Буркина-Фасо, Буриндии, ҚДР, Мали, Мозонбик, Нигер, Нигерия, Руанда, Серре-Леон Чат каби жами 15 мамлакатда 200 дан юқори, 32 мамлакатда 100 дан 200 промиллега тенг.

Болалар ўлими мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққие даражаси билан тескари алоқага эга. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда болалар ўлими коэффциенти 4 (Норвегия) дан 8 промиллегача (АҚШ) ўзгаради. Ижтимоий-сиёсий вазияти беқарор, иқтисодий қоқоқ бўлган мамлакатларда мазкур кўрсаткич, одатда, 100 дан ортик, айрим ҳолларда 200 дан ҳам юқори даражада эгалиги билан ажралиб туради.

2.3.- жадвал

Туғилиш, ўлим ва табиий кўлайиш коэффциентилари
(аҳолининг 100 кишига нисбатан 2003-йилги маълумотлари)

	Туғилиш коэффи- центи	Ўлим коэффи- циенти	Табиий ўсиш коэффи- центи.	Туғилган ўлим коэф. (6 ёшга бўлган 1000 болалар)	Ўртача умр даври	
					Эркак лар	Аёл лар
Бутун дунё	23	9	14	81	65	69
Африка	36	14	22	120	52	54
Америка	21	8	13	26	70	75
Шимолий Америка	21	9	12	7	74	80
Марказий Америка	24	7	17	29	68	74
Жанубий Америка	23	8	15	41	66	72
Кариб ҳавзаси	22	8	14	30	68	72
Осиё	24	9	15	73	65	68
Жанубий-Ғарбий Осиё	31	8	23	61	66	69
Ўрта ва жанубий Осиё	28	11	17	96	61	62
Жанубий-шарқий Осиё	26	8	18	62	63	66
Шарқий Осиё	17	6	11	33	69	73
Россия	9	16	7	21	59	72
Австралия ва Океания	19	8	11	8	73	76
Европа	11	11	0	13	72	78

Ер шари аҳолисининг ўртача умр даври 2003-йилда 67 ёшга тенг бўлди. Бу кўрсаткич иқтисодий ривожланган мамлакатларда (Япония, Швеция, Швецария, жами 27 давлат 78-82 ёшни, қоқоқ мамлакатларда (80 дан ортик) 37-62 ёшни ташкил этди. Ўртача умр даврининг энг юқори кўрсаткичлари Япония (82 ёш) ҳамда Швеция, Швецария ва Исландия (80 ёш), Австралия, Канада, Австрия, Изроил, Норвегия ва Францияга (79 ёш), энг паст кўрсаткичлари Замбия, Малави, Лесото, Зимбабве (37-38 ёш) мамлакатларига хосдир.

Ер юзи аҳоли сонининг ўсиш суръатлари (1950-2004 йиллар)

Йил	Аҳоли сони, млрд. киши	Давр ичида ўсиш млн. киши	Ўртача йиллик ўсиш, млн. киши
1950	2515		
1960	3091	504	50
1970	3698	679	68
1980	4450	752	75
1990	5292	842	84
2001	6134	959	96
2004	6272	138	69

Ўзбекистонда ўртача умр даври эркакларда 65 ёшга, аёлларда эса 70 ёшгача, ўртача 67 ёшга тенг.

Тарихий манбалар Қадимги Рим ва Қадимги Юнистонда ўртача умр даври атиги 25 ёшга тенг бўлганини асослайди. Ўрта асрларда бу кўрсаткич тахминан 30 ёшгача кўтарилди. Мана шу ўртача кўрсаткичлар умр даври юқори бўлган кишилар мавжудлигини инкор қилмайди. Масалан, Юлий Цезар ўлдирилганда 60 ёшдан ўтган эди. Афлотун 81 ёшда вафот этган.

Умр даврини кўрсатувчи умумий йўналишнинг мавжудлигига қарамасдан кўрсаткичлар ўртаси сезиларли фарқлар мавжуд. Бу кўрсаткич Европа билан Африка орасида 1950 йилда 27 ёшни ташкил этди. Дунё миқёсида ўртача умр даври ярим аср мабайнида 18 ёшга ошди. Бу кўрсаткич Осиёда 26 ёшга, Африкада қарийиб 29 ёшга, Европада эса 11 ёшга тенг бўлди. Шунга қарамасдан, айрим қитъалар ва регионларда эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқлар ҳанузгача катталигича қолмоқда.

2. Аҳолининг ёш, жинсий, ирқий, диний ва ҳудудий таркиблари.

Аҳолининг ёш, жинс таркиби унга хос белгилар ичида энг муҳими ҳисобланади. Чунки ёшга қараб аҳолининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти баҳоланади. Бутун дунёда эркакларнинг сони аёлларнинг сонига нисбатан қарийиб 22 млн. га кўпроқдир. Лекин айрим қитъалар, регионларда эркаклар билан аёллар ўртасидаги фарқ сезиларли даражада. Болалар ёшларида барча материк ва регионларда ўғил болаларнинг устунлиги кўзга ташланади. Дунёда 1-14 ёшда ҳар 1000 қизга 1040 ўғил бола тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Европада (1060), Осиёда (1050) ҳамда Австралия ва Океания (1059) да ундан ҳам юқори. Фақат Африка (1008) ва Америка (1029) да нисбатан паст даража билан ифодаланади. Болалар ёшларидаги фарқнинг

келиб чиқишида туғилган ҳар 1000 гўдакнинг 520 таси ўғил болалардан иборат бўлишлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Аҳолининг асосан, меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисмидан ташкил топган 15-65 ёшда дунё бўйича ҳар 1000 аёлга 1020 та эркак тўғри келади.

2.5. -жадвал

Дунё аҳолисининг ёш таркиби (фоиз ҳисобида)

Қитъалар, материклар ва регионлар	1970			1985			2003		
	Ёш гуруҳлари			Ёш гуруҳлари			Ёш гуруҳлари		
Бугун дунё	0-14	15-64	65	0-14	15-64	65	0-14	15-64	65
		36,6	57,9	5,5	33,7	60,6	5,7	31,0	63,0
Европа	24,9	63,7	11,4	20,9	66,7	12,4	18,0	68,0	14,0
Осиё	38,9	57,0	4,1	35,5	60,6	4,4	32,0	63,0	5,0
Африка	44,1	53,0	2,9	45,4	51,5	3,1	44,0	53,0	3,0
Америка	36,4	57,2	6,4	31,6	61,2	7,2	27,0	65,0	8,032,2
Австрия ва Океания	32,2	60,5	7,3	28,6	63,3	8,1	24,0	65,0	11,0

Европада эркаклар сони аёллар сонига тенг. Осиёда ҳам 1000 аёлга 1049 эркак, Австралия ва Океанияда эса 1039 эркак тўғри келади шу вақтнинг ўзида Африка (979 эркак) ва Америка (990 эркак) да, аксинча, аёллар устундир.

Дунё аҳолисининг ёш таркиби ҳам катта ҳудудий фарқларга эга. Бунда туғилиш ва ўлим динамикаси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Туғилиш даражасининг кейинги 10-15 йил ичида юқори бўлиши аҳоли ичида ёш болалар ва ўсмирлар умрининг ўсишига олиб келди. Агар туғилиш кейинги йилларда пасая бошган бўлса, болалар ва ўсмирларнинг жами аҳоли сонидagi улуши паст бўлади. Шу вақтнинг ўзида ўрта ва катта ёшдаги аҳоли сони ва улуши кўпаяди ҳамда аҳолининг «кексайиш» жараёни ривожланиши мумкин.

Дунё аҳолисининг таркибида болалар улуши камайиб, меҳнатга лаёқатли ва кекса ёшлардаги аҳоли салмоғи кўпаймоқда.

Маълумки, дунё мамлакатларнинг кўпчилигида меҳнатга лаёқатли ёшлардаги аҳоли қаторига эркакларнинг 16-59 ёшдаги ва аёлларнинг 16-54 ёшдаги қисми киради. Юқорида келтирилган жадвалда 15-64 ёшдаги аҳоли улуши меҳнатга лаёқатли аҳоли улушидан маълум миқдорда кўп. Лекин маълум

ҳисоб-китоблар ёрдамида улар ўртасида фарқни қисқариш ва натижада меҳнат ресурслари салмоғини тахминан аниқлаш мумкин. Ана шундай ёндашув ёрдамида материк ва океанлар ҳамда айрим мамлакатларда мавжуд меҳнат ресурсларининг улушини аниқлаш мумкин. Меҳнат ресурсларининг улуши Европада энг юқори кўрсаткичлар билан ифодаланади (62-64 фоиз), Америка ҳамда Австралия ва Океанияда ушбу кўрсаткич 56-58 фоизни ташкил этади. Осиёда ҳам бу кўрсаткич анча юқори (53-54 фоиз). Фақат Африкада мазкур кўрсаткич (47 фоиз) нисбатан паст ҳисобланади. Дунё аҳолисининг 53 фоизи меҳнат ресурсларидан иборат. Жаҳон аҳолиси ўзига хос ирқий, этник ва диний таркибларга эга.

Инсон ирқи бу авлодлардан авлодга ўтувчи ўхшаш ташқи (тери, гавда) белгиларга эга бўлган, тарихан шакланган кишилар гуруҳидир. Шундай белгилар қаторига тери, соч ва кўз ранги, бурун ва лаб шакли, бўй ва гавданинг тақсимланишига хос хусусиятлар ва бошқалар киради. Ирқий хусусиятлар қадимда, авваламбор, одамларнинг ана шу даврдаги «ойкуменада» жойланиши ва ҳар хил табиий шароитларга мослашиши жараёнида вужудга келган. Ҳозирги вақтда дунё аҳолисини 3 та асосий (йирик): Европеоид (оқ), монголоид (сарик) ва негроид (қора) ирқларига ажратиш қабул қилинган. Шулардан биринчиси-Европа, Жануби-Ғарбий ва Жанубий Осиё, Шимолий Африка, Шимолий Америка ҳамда Жанубий Американинг катта қисмида, Австарияда кенг тарқалган, иккинчиси-Шарқий, Жануби-Шарқий Ўрта Осиёда, Канада Шимолида, Марказий ва Жанубий Америкада, учинчиси-Тропик Африкада, Жанубий Осиё, Америка ва Океанияда тарқалган. Айрим ҳолларда тўртинчи-австралоид ирқини ҳам ажратишади.

Дунё аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг ҳар хил босқичларида турувчи халқлар-этнослардан иборатдир. Этноснинг энг юқори даражаси миллат-ҳудуди, иқтисодиёти ва маданияти, тилининг барқарор тарзда умумийлиги бўйича ажралиб турувчи инсонлар йиғиндисидан иборат. Уларда миллатга хос умумий жиҳатлар, миллий ўзлигини англаш ҳиссиёти мавжуд бўлади.

Осиё мамлакатларининг аксарияти кўп миллатли. 150 дан ортиқ халқ Ҳиндистон ва Индонезияда, деярли 100 та халқ Филиппинда, 50 дан ортиғи Вьетнам ва Хитойда, 30 дан ортиқ халқ Эрон, Афғонистон, Мьянма, Таиландда истиқомат қилади. Аҳолининг этник ранг-баранглиги, баъзи бир халқлар тарқалган ҳудудларнинг давлат чегаралари билан бўлиниши туфайли яна ҳам кучаяди. Масалан, курдлар Туркия, Эрон, Ироқ ва қисман

Сурия, белужлар-Эрон, Афғонистон ва Покистон, панжобликлар-Покистон ва Ҳиндистон, бенгаллар-Бангладеш ва Ҳиндистон, пуштунлар-Афғонистон ва Покистон давлатлари чегарадош хуудларда компакт ҳолда яшайди.

Дунё мамлакатлари аҳолисини миллий таркибий ва этник муносабатлар хусусиятига кўра қатор гуруҳларга тақсимлаш мумкин. Биринчи гуруҳга бир миллатли, яъни асосий миллати жами аҳолисининг 95 фоиздан ортиқ қисми мамлакатлар: Европа-Исландия, Ирландия, Норвегия, Дания, Польша, Германия ва б.; Осиёда-Япония, КХДР, Корея Республикаси, Бангладеш, Муғилистон, Арманистон, Яман, Оман, Қатар; Африкада-Миср, Ливия, Сомали, Мадагаскар; Жанубий Африкада эса деярли барча мамлакатлар киради. Иккинчи гуруҳини ушбу кўрсаткич 70-95 фоизга тенг бўлган мамлакатлар - Буюк Британия, Франция, Испания, Финландия, Руминия, Жазоир, Марокко, Зимбабве, Мавритания, Ботсвана, Сурия, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия ва бошқалар ташкил этади. Шундай давлатлар қаторига Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон ҳам киради. Учинчи гуруҳ мамлакатларда (Эрон, Афғонистон, Грузия, Қирғизистон, Қозоғистон, Покистон, Малайзия, Лаос, Марказий, Шарқий ва Жанубий Африка мамлакатлари ва бошқалар) асосий миллат улуши жами аҳолининг ярмидан кам ёки ортиқ, бироқ 70 фоиздан паст кўрсаткич билан ифодаланади. Туртинчи гуруҳда аҳолиси бир нечта йирик миллатлардан иборат, лекин улардан бирортасининг улуши сезиларли устун бўлмаган мамлакатлар тўпланган. (Ҳиндистон, Индонезия, Филиппин, Россия, Швейцария, Фарбий Африка мамлакатлари).

Маълумки, дин жамият ҳаётида, турмушимизда жуда катта роль ўйнайди. Бунда давлатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси аҳолининг билим даражаси катта аҳамият касб этади. Аҳолининг диний таркибини билиш ва уни тўғри баҳолаш дунёда бўлиб ўтаётган воқеа ва ҳодисаларнинг кўпчилигини тўғри тушуниш ва танлашга имкон беради. Европада христиан динининг барча шакллари кенг тарқалган. Католиклик, асосан қитъа Жанубида қисман Фарби ва Марказида Протестанлик Шимоли ва Марказида, ҳукумрондир. Собиқ Иттифок давлатларида православ ва ислом динлари кенг тарқалган Осиёда, барча дунёвий динлар ва йирик миллий динлар кенг тарқалган Осиёда айниқса, ислом дини катта роль ўйнайди. Исломнинг суннийлик йўналиши Индонезия (дунёдаги энг йирик мусулмон давлати), Малайзия, Бангладеш, Покистон, Афғонистон, Марказий Осиё давлатларида, Жанубий-Фарбий

Осиёдаги барча араб мамлакатларида, Туркияда, шиалик йўналиши Эрон, Озарбайжон қисман Ироқ ва Яманда асосий ўрин эгаллайди. Ислом динига эътиқод қилувчиларнинг катта-катта гуруҳлари Ҳиндистон, Филиппин, Комбоджа, Таиланд, Мянма, Кипр, Шри-Ланка давлатларида ҳам мавжуд.

Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида буддизм ва ламаизм кенг тарқалган, Ҳиндистон ва Непал аҳолисининг кўпчилиги индуизмга эътиқод қилади. Конфутсийчилик ва даотсизм динлари Хитойнинг асосий динлари ҳисобланади. Синтизм Японияда мавжуд. Християн дини Осиёда айтарли кўп тарқалмаган. Филиппин, Армения, Грузия ва Кипрда христиан дини асосий дин. Ливанда 35 фоиз аҳоли Ҳиндистонда 5-6 млн. киши унга эътиқод қилади. Сурия, Хитой, Япония, Корея республикаси, Индонезия, Малайзия ва бошқа давлатларда ҳам христиан динига эътиқод қилувчилар анчагина.

Африканинг Шимоли, Фарбий ва Шарқда жойлашган кўпгина мамлакатларда исломнинг суннийлик йўналиши ҳукмрон. Эфиопия, ЖАР ва бошқа қатор мамлакатларда христиан дини муҳим роль ўйнайди. Марказий ва Жанубий Африка аҳолисининг асосий қисми маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади.

Шимолий Америкада христианликнинг икки шакли - католик ва протестанлик ҳукмрон. АҚШда протестанлар, Канадада католиклар кўпроқ. Марказий Америкада аҳолининг аксарияти қаголикка эътиқод қилади. Худди шундай, Жанубий Америкада ҳам христиан динининг католик шакли ҳукмронлик қилади. Умуман олганда, Америка қитъасига дунёдаги барча католикларнинг ярмидан кўпи тўғри келади. Америкада ислом динига эътиқод қилувчилар АҚШ ҳамда Кариб денгизи ҳавзасидаги баъзи бир оролар аҳолисининг ичида мавжуд. Австралия ва Океанларда протестлик ва католиклик кенг тарқалган. Кейинги йилларда халқаро муносабатларда ислом динининг мавқеи кенгаймоқда, аҳамияти ошмоқда.

Ер юзидаги аҳоли жуда нотекис жойлашган. Аҳолининг ўртача зичлиги (1 кв. км. га тўғри келган аҳоли сони) доимий аҳолиси мавжуд ҳудудлар (130 млн кв. км) доирасида 48 кишини ташкил қилади.

Айрим қитъалар, материкалар ва регионлар бўйича аҳолининг
ўртача зичлиги.

Ўрта материк ва регионлар	1950	1990	1995	2003	2025
Бугун дунё шу жумладан:	19,4	40,3	43,8	48,0	63,8
Европа	74,7	97,0	101,9	103,1	103,5
Осиё	45,1	100,7	113,3	119,2	159,3
Африка	7,6	21,8	24,3	28,1	51,0
Шимолий Америка	11,0	21,4	22,8	24,3	31,0
Жанубий Америка	6,4	17,1	18,3	20,4	26,6
Австралия ва Океания	1,5	3,1	3,3	3,9	4,6

Шу вақтнинг ўзида ушбу кўрсаткич Осиёда 119,2 ва Европада 103,1, Африкада 28,1, Шимолий Америкада 24,3, Жанубий Америкада 20,4 ҳамда Австралия ва Океанияда атиги 3,9 кишига тенг. Умумлаштириб айтганда, ер қуруқлик юзасининг атиги 7 фоизда унда мавжуд аҳолининг 70 фоизи истиқомат қилади. Аҳолиси ниҳоятда зич жойлашган минтақалар қаторига Жанубий, Жанубий Шарқий ва Шарқий Осиё, Европа ҳамда АҚШ нинг Шимолий-Шарқий қисми киради. Дастлабки 3 та регионда аҳоли қадимдан жойлашган бўлиб, у ҳозирги вақтда жуда юқори даражадаги аҳоли зичлигига эга. Бундай ҳолат, авваламбор шу ерда меҳнатни жуда кўп талаб қилувчи шоличиликнинг қадимдан мавжудлиги, қолганларда эса XVII-XIX асрларда юз берган саноат инқилоби ҳамда ундан кейинги даврда амалга ошган индустриалаштириш жараёни билан узвий боғлангандир. Инсон қадимдан Океан ва денгиз соҳилларида жойлашишга интиланган. Ҳозирги вақтда денгиз ва океанлардан қуруқликка томон 200 км га чўзилган. Ер юзаси қисмида инсониятнинг ярмидан кўп қисми, 50 км кенгликка эга бўлган қуруқлик қисмида дунё аҳолисининг деярли 30 фоизи тўплангандир. Дунёда аҳоли жуда зич жойлашган ҳудудлар қаторига қуйидагилар киради. Рур ҳавзаси, Элзас ва Лотарингия ҳамда Париж ва Лондон районлари, Шимолий Италия, Москва райони, Домбасс, Фарғона водийси, Шарқий Хитой-Ганг текислиги, Ява Ороли, Нил Дельтаси, АҚШнинг Шимолий-Шарқий, Буюк кўлар районлари, Жанубий Американинг Атлантика Океани соҳили, Африканинг Гвенея кўрфазига туташ ҳудудлар. Аҳоли сийрак тарқалган ҳудудлар ер қуруқлик юзасининг анча катта қисмини эгаллайди. Шу қаторига биринчи навбатда экстремал табиий шароитларга эга бўлган географик объектлар: чўллар, экваториал ўрмонлар, баланд тоғлар, тундра, музлик ва бошқалар киради.

Ер қуруқлик юзасининг 15 фоизи умуман ўзлаштирилмаган ва доимий аҳолиси йўқ ҳудудлардир. Аҳоли жойлашишида жуда катта ҳудудий фарқлар мавжуд давлатлар қаторига Россия, Канада, Хитой, Миср, Бразилия, Туркистон, Тожикистон, Индонезия киради. Дунё аҳолиси вертикал минтақалар бўйича ҳам нотекис тақсимланган.

Миграция жараёни аҳоли ҳудудий ҳаракатининг асосий тури бўлиб, у инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорлик вужудга келгандан буён шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Аҳоли миграцияси, айниқса, буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб кенг миқёсда амалга ошмоқда. Миграция ташқи ва ички миграцияга тақсимланади. Мамлакатлар аҳолисининг сони ва таркибига бўладиган таъсири нуқтаи назардан ташқи миграцияларнинг аҳамияти беқиёсдир. Ташқи миграциялар уларнинг хусусиятлари, сабаблари, ҳудудий қамрови, давом этиш даври бўйича бир-биридан фарқ қилади. Миграция хусусиятлари тўғрисида сўз юритганда, авваламбор, хоҳишига кўра ва мажбурий миграциялар назарда тутилади. Мажбурий миграцияларга XVI-XIX асрлар давомида неча ўн миллионлаб негр қулларнинг Африкадан Америкага зўрлаб олиб келиниши мисол бўлиши мумкин. Ташқи миграциялар, асосан, иқтисодий сабаб билан боғланган. Бунда янги ерларни ўзлаштириш мақсадида ҳамда ишчи кучини шартнома асосида бошқа мамлакатларга юбориш билан боғлиқ миграциялар катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Биринчи турдаги ташқи миграцияларда катта миқдорда аҳолининг кўчиб кетиши Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция, Скандинавия, Ирландия, Польша, Россия мамлакатларига хос бўлган. Кўчиб келиши АҚШ, Канада, Бразилия, Аргентина, Уругвай, Чили, Австралия, Жанубий Африка Республикасида кузатилган. Иккинчи турдаги ташқи миграцияларда дастлабки даврларда Хитой ва Ҳиндистонлик ишчилар асосий роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Шуларнинг жамоалари Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида барпо этилган. Ҳозирги вақтда Шимолий Африка, Жанубий-Ғарбий Осиё, Жанубий-Европа мамлакатлари катта миқдордаги ишчи кучларининг Ғарбий Европа ва қисман Шимолий Европа мамлакатларида шартнома асосида меҳнат қилиши ҳам иккинчи турдаги ташқи миграцияларга мисол бўлиши мумкин.

3. Урбанизация жараёни ва шаҳарларнинг ривожланиши.

Ташқи ва ички миграциялар билан шаҳарлар сони ва уларда мавжуд аҳоли сонининг кўпайиши, яъни урбанизация

жараёни узвий боғлиқ. Урбанизациянинг географик моҳиятини қуйидаги мисолларда ифодалаш мумкин. Урбанизациялашган ҳудудлар Ер қуруқлик юзасининг 1 фоизидан сал ортиқ қисмини эгаллагани ҳолда, бу ерда жаҳон аҳолисининг 48 фоиз қисми истиқомат қилади. Ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиз ишлаб чиқарилади. Шу вақтнинг ўзида атмосфера ва гидросферга чиқараётган заҳарли чиқинди ва газларнинг 80 фоизи ҳам ушбу ҳудудларга тўғри келади. Урбанизация жараёни шаҳарлар сони ва шаҳарлар аҳолисининг миқдори ҳамда улушининг ўсишини, шаҳарлар билан боғлиқ мураккаб тармоқлар ва тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишини англатади. Демак урбанизация инсон ҳаётида шаҳарлар аҳамиятининг беқиёс ўсишини, жамиятни аҳолининг меҳнат қилиш хусусияти, турмуш тарзи ва маданиятини, ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича шаҳарлашишни ўзида акс этирувчи тарихий жараёндир. Урбанизация ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Замонавий урбанизация умумий жаҳон жараёни сифатида кўпчилик мамлакатларга хос бўлган учта умумий жиҳатлар билан ифодаланади. Шулардан биринчиси кам ривожланган мамлакатларда шаҳар аҳолиси сонининг юқори суратларида ўсишни билдиради. Дунёда 1900-йилдан мавжуд жами аҳолисининг салкам 14 фоизи шаҳарларда яшаган. Бу кўрсаткич 1950-йилда 29 фоиз, 1990-йилда 45 фоиз 2004 йилда 48 фоизни ташкил этди.

Иккинчи жиҳат аҳоли ва хўжаликнинг асосан катта шаҳарларда тўпланганлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолат, авваламбор, ишлаб чиқаришнинг хусусияти, унинг илм-фан, таълим тизими билан бўлган алоқадорлиги натижасида мураккаблашуви билан боғланган. Маълумки, катта шаҳарлар инсонларнинг маънавий ва маданий талабларини тўлароқ қондиради, хилма-хил товарлар ва хизматлар билан яхшироқ таъминлайди, мавжуд ахборот манбаларига йўл очиб беради.

Жаҳонда XX аср бошида аҳолининг сони 100 мингдан ортиқ 150 га шаҳар мавжуд бўлиб, уларга аҳолининг атиги 5 фоизи тўғри келган. Бундай шаҳарларнинг миқдори 90-йилларнинг бошида 2,5 мингга ташкил этди, 2004-йилда эса 3,5 мингдан ортиб кетди. Уларга тегишли тарзда жами аҳолининг 1/3 ва 2/5 қисми тўғри келди. Катта шаҳарлар ичида аҳолининг сони 1 млн. дан ортиқ бўлган йирик ва жуда йирик шаҳарларни алоҳида ажратиш қабул қилинган. XX аср бошида бундай шаҳарлар сони 10 та бўлса, 80-йилларнинг бошида 200 дан, 2004-йилда эса 400 дан ошиб кетди. Мазкур шаҳарлар ичида

«супер шаҳар» лар миқдори 90-йилларда 30 ни, 2004-йилда эса 60 ни ташкил этди. Ҳозирги вақтда ушбу шаҳарларда салкам 0,5 млрд. киши ёки Ер шаҳри аҳолисининг 8 фоизидан ортиқ қисми истиқомат қилмоқда.

Замонавий урбанизацияга хос учинчи жиҳати шаҳарларнинг кескин кенгайиб, ёйилиб кетиши билан боғланган. Шаҳарлар агломерацияларининг ўзаги вазифасини одатда пойтахтлар, бошқа муҳим саноат марказлари ва йирик денгиз портлари бажармоқда. Жуда йирик шаҳарлар агломерациялари Мехико, Токио, Сан-Пауло, Нью-Йорк шаҳарлари атрофида шакланган. Шуларнинг ҳар бирида 13,1 млн. дан 30,2 млн. гача аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги вақтда 2 ва ундан ортиқ агломерациялар ҳудудининг қўшилиб кетиши нағижасида ўрбанизациялашган районлар ва зоналар, энг муҳими мегалополислар вужудга келмоқда. Урбанизация жараёни умумий хусусиятлардан ташқари айрим регионлар ва мамлакатлар миқёсида ўзига хос хусусиятлар билан ифодаланади. Урбанизация даражаси бўйича жаҳондаги барча мамлакатларни уч йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Юқори даражада урбанизациялашдан мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 50 фоиздан юқори).
2. Ўртача даражада урбанизациялашдан мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 20 дан 50 фоизгача)
3. Паст даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 20 фоиздан кам).

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда эса моддий маблағларнинг етарли эмаслиги мазкур муаммолар тўла-тўқис ҳал этишга имкон бермаяпти.

4. Ўзбекистон республикасида демографик жараёнлар.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, 2006 йил 1 январь маълумотларига кўра 26,3 млн. кишини ташкил этади. Бу жиҳатдан мамлакатимиз ўртача мавқега эга. Шу билан бирга республикаимизнинг демографик салоҳияти уни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожлантиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон аҳолиси 1989-2006 йилларда 19780 минг кишидан 26312,7 кишига етди: нисбий кўрсаткичларда бу даврдаги ўсиш 133 фоизга, ўртача йиллик кўпайиш 1,2 фоизга тўғри келади. Мутлоқ рақамларда эса, ана шу даврда республика аҳолиси ўртача 300 минг кишига кучайиб бормоқда. Энг сўнгги 2005 йилдаги кўпайиш 291,4 минг кишини ташкил этади.

Аҳолининг табиий кўпайиши асосан қишлоқ жойларда (81,7%) кузатилди, шаҳарларда эса, жами 53,2 минг кишини ташкил қилди (18,3%).

Умуман амада республика вилоятларининг аҳоли сонини бу даврда ўсиш бўйича 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Аҳоли сони тез ўсаётган: Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари.
2. Ўртача кўрсаткичга эга бўлган ҳудудларга Наманган, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Самарқанд, Андижон вилоятлари киради.
3. Аҳоли сони нисбатан суст ўсаётган минтақалар, Фарғона, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайиши ҳамон юқори даражада, жумладан: Қашқадарёда 8,8%, Сурхондарёда 1,6 фоиз, Андижон 1,4%, Хоразм вилоятида 1,5%, Қорақалпоғис-тон Республикасида 0,1% ва Тошкент шаҳрида 0,2% ўсиш кўзатилди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш иш билан банд аҳоли сонининг ўсишини таъминлайди. 2005 йилда у 285,7 кишига (2,9%) кўпайган. Бундай ўсиш сўнги йилларда иш ўринларининг ўсиши асосий қисмини таъминлаб, хусусий секторни ривожланиши билан изоҳланади. 2005 йилда янги иш ўринларининг 85% кичик бизнес соҳасида яратилди. Кичик тадбиркорлик устувор ривожланиш натижасида ушбу соҳа Республика бўйича жами иш билан банд аҳолининг 65,5 фоизини қамраб олди (2004 йилда 60,3%).

2.7. -жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони динамикаси

Йиллар	Жами аҳоли		Шаҳар		Қишлоқ	
	Сони	Ўсиш, %	Сони	Ўсиш, %	Сони	Ўсиш, %
01.01.2000	24487,7	1,5	9165,5	0,9	15322,2	1,8
01.01.2001	24813,1	1,3	9225,3	0,7	15587,8	1,7
01.01.2002	25115,8	1,2	9286,9	0,7	15828,9	1,5
01.01.2003	25427,9	1,2	9340,7	0,6	16087,2	1,6
01.01.2004	25707,4	1,1	9381,3	0,4	16326,2	1,5
01.01.2005	26021,3	1,2	9441,9	0,6	16579,4	1,6
01.01.2006	26095,0	1,1	9495,1	0,6	16817,6	1,4

*Манба. ЎзР. Давлат статистика қўмитаси

Ўзбекистон аҳолиси 240 га яқин давлатлар ичида 38-ўринда туради. Мамлакатимизда аҳоли зичлиги 1926 йилда бир квадрат километрга 11 кишини ташкил этган бўлса, 2005 йилда ушбу

кўрсаткич 58 кишини ташкил этмоқда. Аҳолининг жинсий таркибида қуйидаги кўрсаткичларни кузатишимиз мумкин: 1917 йилда эркаклар 52,9%ни, аёллар 47,1% ни ташкил этган. 1959 йилда эркаклар-52%, аёллар-48% ва 2005 йилда эркаклар - 49,9%, аёллар -50,1% ни ташкил этган. Аҳолининг миллий таркибида ўзбеклар 2005 йилда 80% ни ташкил этган. Аҳолининг ёш таркибида эса 14 ёшгача бўлганлар сони 50% га яқинлашмоқда. Ушбу кўрсаткич 1926 йилда 34,4% ни ташкил этган. Мамлакат аҳолисининг ярмидан ортиқроғи меҳнатга яроқли.

Назорат саволлари.

1. Аҳоли жамиятда қандай вазифаларни бажаради?
2. Жаҳон аҳолиси сони милодгача бўлган даврда қандай кўпайган?
3. Аҳоли сони XX асргача қандай ва қайси манбалар ҳисобига кўпайган?
4. Демографик ўтиш даврига хос 4 босқични таърифлаб беринг.
5. Аҳоли сони жуда катта ва кичик бўлган дунё регионларини аниқланг.
6. Жаҳон аҳолисининг табиий ҳаракатига хос умумий хусусиятлар тўғрисида сўзлаб беринг.
7. Жаҳон регионлари ва айрим мамлакатларда ўртacha умр даври қандай?
8. Аҳоли таркиби деганда нимани тушунасан?
9. Аҳоли ёш таркибига хос регионал хусусиятлар тўғрисида сўзлаб беринг.
10. Меҳнатга лаёқати аҳоли сони ва улушининг жаҳон мамлакатлари ва регионларда шаклланишига хос хусусиятларни аниқланг.
11. Жаҳон аҳолисининг ирқий, миллий-этник ва диний таркиби қандай? Унга хос географик жиҳатларни аниқланг.
12. Жаҳон аҳолисининг жойлашишига хос энг умумий жиҳатлар тўғрисида сўзлаб беринг.
13. Жаҳон аҳолиси миграцияси тўғрисида нималарни биласиз?
14. Ҳозирги замон урбанизациясига хос биринчи жиҳат мазмуни нимадан иборат? Иккинчи ва учинчи жиҳатларга нималар хос?
15. Урбанизация жараёни ва даражаси билан атроф-муҳит ўртасидаги муносабат қандай? У ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қандай хусусиятларга эга?

3-боб. Халқаро хўжалик алоқаларининг назарий асослари

1. Халқаро айирбошланинг мутлақ афзаллик назарияси

Нима сабабдан давлатлар халқаро иқтисодий муносабатларга кирадилар, деган саволга Адам Смит ўзининг 1776 йилда чиққан "Халқ бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар" деб номланган китобида назарий моделни яратишга катта эътибор беради. Мамлакатлар географик жойлашувининг ҳар хиллиги натижасида у ёки бу товарларни ишлаб чиқариш харажатлари бир хил бўлмаслиги туфайли юзага келадиган халқаро меҳнат тақсимоли бу моделнинг асосини ташкил этади. Буюк иқтисодчи илгари сурган томоийида "соғлом фикр"га таянувчи хўжалик субъектининг мақсадга мувофиқ муомала принциплари ташқи савдо соҳасига кўчирилади: тадбиркор ўз мамлакатидоғига нисбатан хориждан паст нархда товар сотиб олар экан ўз мамлакатида маълум устунликлар натижасида ишлаб чиқариш арзон тушадиган товар тайёрлашни мақсад қилади. Бундай вазиятда давлатнинг халқаро савдодаги роли энг кам даражага камайтиради, товарлар оқимини эса бозордаги рақобат белгилайди. Шундай қилиб, меҳнат тақсимоли ва мамлакатлар ўзлари мутлақ устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ва ушбу товарларни бошқа мамлакатларда кам сарф-харажатларга эга бўлган товарларга айир-бошлаш ўзаро савдо қилувчи мамлакатлар учун самарали (фой-дали) бўлади. Чунки ҳар қандай айирбошланинг аҳамияти унинг самарадорлиги, жумладан халқаро миқёсда ҳам, томонлар оладиган самара билан белгиланади. А.Смит назариясига кўра, қайси мамлакат ўз маҳсулотини бошқа мамлакатларга қараганда камроқ харажатлар билан ишлаб чиқарса, шу мамлакат халқаро айирбошлашда қатнашиб фойда кўра олади деб тушунтиради. У иқтисодий назарияга мутлақ афзаллик тушунчасини киритди.

А.Смитнинг мутлақ афзаллик назариясини қуйидаги мисол билан тушунтирамиз. Шри-Ланка мамлакатидоғи иқлим шароити ва табиий ресурслари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кам харажат билан ишлаб чиқаришга имкон беради. Масалан, Шри Ланкада чой, каучук, кокос ёнғоқларини ишлаб чиқариш унинг иқлим шароитига кўра самарали бўлади. Шунинг билан бирга АҚШ ҳам чой етиштириши мумкин, масалан иссиқхоналарда. Лекин бунинг учун унда иқлим шароитига кўра энг кам харажат асосида етиштириладиган буғдойни етиштиришга кетадиган маблағларни чой етиштиришга йўналтириш лозим. Лекин ушбу икки мамлакат учун ўз

иқлим шароити йўл қўядиган ва энг кам харажат талаб қиладиган маҳсулотни етиштириш энгилроқ.

Шри-Ланка ва АҚШ чойни буғдой билан айирбошлаш орқали ушбу самара кўзга кўринади. Дунёда айирбошлашга киришиладиган мутлақо мустақил барча маҳсулот ресурсларига бўлган эҳтиёжни фақат ўз ишлаб чиқариши билан қоплайдиган мамлакатнинг ўзи йўқ. Бунда халқаро меҳнат тақсимоти ва мамлакатларнинг географик жойлашуви бирор маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича устунликка эга бўлишга имкон яратади. Фараз қилайлик, Шри-Ланка ва АҚШ халқаро айирбошлашда чой ва буғдой маҳсулотлари билан қатнашин. Бунда ҳар иккала мамлакат бир хил миқдордаги ресурсларига эга бўлсин (яъни ер, меҳнат ресурслари ва капитал). Дейлик, ҳар бир мамлакат 100 бирлик ресурсга эга бўлган.

Шри Ланка:

- 1) 100 бирлик ресурс мавжуд
- 2) 10 бирлик ресурс 1 тонна буғдой учун сарфланади
- 3) 4 бирлик ресурс 1 тонна чой учун сарфланади
- 4) ташқи савдо бўлмаганда ушбу ресурсларнинг ярми сарфланади.

АҚШ:

100 бирлик ресурс мавжуд 5 бирлик ресурс 1 тонна буғдой учун сарфланади, 20 бирлик ресурс 1 тонна чой учун сарфланади, ташқи савдо бўлмаганда ушбу ресурслари ярми сарфланади.

3.1-жадвал


Ишлаб чиқариш

Савдо бўлмаган ҳолатда	Чой	Буғдой
Шри - Ланка (А нуқта)	12,5	5
АҚШ (В нуқта)	2,5	10
Жами	15	15

Савдо бўлган ҳолатда	Чой	Буғдой
Шри - Ланка (С нуқта)	25	0
АҚШ (Д нуқта)	0	20
Жами	25	20

1 т маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурс (бирликда)

Маҳсулот тури	Шри-Ланка	АҚШ
Чой	4	20
Буғдой	10	5
1 т буғдой қиймати чой ҳажмида	0,4	4
1 т чой қиймати буғдой ҳажмида	2,5	0,25



2-чизма. Айирбошлаш ва мутлақ афзаллик

Кўқоридагилардан келиб чиқиб, Шри-Ланкада чой ишлаб чиқариш АҚШдагидан кўра самаралироқ, АҚШ да эса буғдой етиштириш Шри-Ланкадагидан самаралироқ деган хулосага келамиз.

Ҳар иккала мамлакат ушбу маҳсулотларни айирбошламагандаги вазиятини кўрсатамиз. Агар Шри-Ланка ва АҚШ ўз ресурсларини ярмини сарфласа, у ҳолда Шри-Ланка 12,5 т чой ва 5 т буғдой ишлаб чиқаради (расмдаги А нуқта) АҚШ эса 2,5 т чой ва 10 т буғдой етиштиради (расмдаги В нуқта). Халқаро айирбошлаш бўлмаганда иккала мамлакат биргаликда 15 тонна чой ($12,5 \times 2,5 \div 15$) ва 15т. Буғдой ($5 + 10 \div 15 = 15$ т) етиштирган бўлар эди.

Агар ҳар бир мамлакат мутлақ афзалликка эга бўлган маҳсулотни етиштиришга ихтисослашса, унда Шри-Ланка 25 т. чой, АҚШ 20 т буғдой (С ва D нуқталар) етиштиради. Демак ишлаб чиқаришга ихтисослашув орқали маҳсулот етиштириш умумий миқдорда 15 тонна чойдан 25 тоннагача ва 15 тонна буғдойдан 20 тоннагача ўсиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, халқаро айирбошлашга қатнашганда икки мамлакат буғдой ва чой маҳсулотларига кўпроқ эгалик қилиш мумкин.

2. Халқаро айирбошлашнинг нисбий афзаллик назарияси.

Баъзи мамлакатлар мутлақ афзалликка эга бўлмаган ҳолларда айирбошлашдан манфаат борми деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу саволга Давид Рикардо нисбий афзаллик қонуни билан жавоб берди.

Ушбу қонун айирбошлашда қандай амал қилишини юқоридаги ўхшаш мисол ёрдамида тушунтириш мумкин.

Фараз қилайлик, АҚШ буғдой етиштиришда ҳам, чой етиштиришда ҳам афзалликка эга, юқорироқ самара билан етиштиради, яъни АҚШ чой етиштиришда ҳам буғдой етиштиришда ҳам мутлақ афзалликка эга.

Фараз қилайлик, Шри-Ланка учун 1 тонна чой етиштиришда ҳам, 1 тонна буғдой етиштиришда ҳам 10 бирлик ресурс сарфланади. АҚШ учун эса 1 тонна чой етиштириш учун 5 бирлик ресурс, 1 тонна буғдой етиштириш учун 4 бирлик ресурс керак бўлади (2-расм). Аввалги мисолдагидек ҳар иккала мамлакатда 100 бирлик ресурс мавжуд. Шунингдек, ташқи савдо бўлмаганда мамлакатлар ресурсларининг ярмини сарфлашади.

Нисбий афзаллик назарияси:

Шри-Ланка:

100 бирлик ресурс мавжуд

1т. буғдой етиштиришда 10 бирлик ресурс сарфланади

1т. чой етиштиришда 10 бирлик ресурс сарфланади

ташқи савдо бўлмаганда ушбу ресурсларнинг ярми сарфланади.

АҚШ:

100 бирлик ресурс мавжуд

1т. буғдой етиштиришда 4 бирлик ресурс сарфланади

1т. чой етиштиришда 5 бирлик ресурс сарфланади

ташқи савдо бўлмаганда ушбу ресурсларнинг ярми сарфланади.

3.2. -жадвал

Ишлаб чиқариш

Савдо бўлган ҳолатда	Чой	Буғдой
Шри -Ланка (А нуқта)	5	5
АҚШ(В нуқта)	10	12,5
Жами	15	17,5

Агар мамлакатлар ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда мавжуд ресурсларнинг ярмини сарфласа, Шри-Ланка 5т. чой ва 5 т. буғдой етиштира олади (расмдаги А нуқта), АҚШ эса 10 т. чой ва 12,5 т. буғдой етиштира олади (расмдаги В нуқта). Ташқи савдо бўлмаса, ушбу мамлакатларнинг ҳар бири чойни


етиштиришни кўпайтиришга буғдой етиштиришни қисқартириш орқали ва аксинча буғдой етиштиришни кўпайтиришга чой етиштиришни қисқартириш орқалигина эришиши мумкин.

Ушбу мисолда АҚШ ҳар иккала маҳсулотни етиштиришда мутлақ афзалликка эга бўлсада, нисбий афзаллик фақат буғдой етиштиришда мавжуд. Бу эса унинг афзаллиги, самарадорлиги буғдой етиштиришда, чой етиштиришдагидан юқорилигида намоён бўлади. Шри-Ланкада сарфланадиган ресурслар билан АҚШда Шри-Ланкадагидан 2,5 баробар кўп буғдой ва 2 баробар кўп чой етиштирилади.

Шри-Ланка ҳар иккала маҳсулотни етиштиришда ҳам мутлақ афзалликка эга бўлмасада, у чой етиштиришда нисбий афзалликка эга. Демак ташқи савдо бўлмаганда биргаликдаги ишлаб чиқариш 15 т. Чой (5 т. Шри-Ланка ва 10 т. АҚШ) ҳамда 17,5 т. буғдой (5 т. Шри-Ланка ва 12,5 т. АҚШ) га тенг бўлади. Ташқи савдо вазиятида эса иккала маҳсулотни етиштириш ҳам кўпайиши мумкин. Агар чойни етиштиришни кўпайтирсак (буғдой етиштиришни ўзгаришсиз қолдирган ҳолда) АҚШда 17,5 т. буғдойни 70 бирлик ресурс билан етиштирамиз дейлик (17,5 т. х 4 бирлик ресурс). Қолган 30 бирлик ресурсни АҚШ 6 т. чой ишлаб чиқаришга сарфлайди (30 бирлик ресурс: 5 тонна). Бу расмдаги (D нуқта) да акс эттирилган. Агар Шри-Ланка ҳамма маблағини 10 т. чой етиштиришга сарфласа, биргаликдаги ишлаб чиқариш 17,5 т. буғдой ва 16 т. чойга тенг бўлади.

Савдо мавжуд (чой ишлаб чиқариш кўпайтирилган вазият)	Чой	Буғдой
Шри-Ланка	10	0
АҚШ	6	17,5
Жами	16	17,5

Агар буғдой етиштиришни кўпайтирсакчи, бунда чой етиштиришни ўзгаришсиз қолдирамиз. Бу ҳолда Шри-Ланка бор маблағини чой ишлаб чиқаришга сарфлайди ва 10 т. чой ишлаб чиқаради. (расмдаги С нуқта). АҚШ эса 5 т. чойни 25 бирлик маблағ билан етиштиради. қолган 75 бирлик маблағни АҚШ (75:4=18,75т) 18,75 т. буғдой етиштиришга сарфлайди. (расмдаги Е нуқта) Демак, чой етиштиришни ўзгаришсиз қолдирган ҳолда буғдой ишлаб чиқариш 17,5 т. дан 18,75 т. га етади.



3-чизма. Айирбошлаш ва нисбий афзаллик

Демакки, ташқи савдо мавжуд ҳолда чой ва буғдой ишлаб чиқариш савдо бўлмаган ҳолга нисбатан анча юқори бўлади. Ҳар иккала ҳолда ҳам, яъни чойни етиштиришни кўпайтирганимизда ҳам, ёки буғдой етиштиришни кўпайтирилганда ҳам ҳар иккала мамлакат бундай айирбошлашдан самара кўради.

Бунда Шри-Ланка ўзида етиштирилган чойнинг бир қисмини АҚШ нинг буғдойига айирбошлайди.

Демак айирбошлашнинг нисбий афзаллик қонунига кўра давлатлар мутлақ афзалликка эга бўлмаган ҳолларда ҳам агар нисбий афзалликка эга бўлишса, айирбошлашдан самара кўришади.

3. Халқаро айирбошлашнинг Хекшер-Олин назарияси.

Д.Рикардо ва А.Смитларнинг халқаро айирбошлаш назариялари орқали халқаро меҳнат тақсимоти орқали мутлақ ёки нисбий устунликка эга бўлган мамлакатлар халқаро савдодан самара исботлангандан тахминан 125 йил, яъни XX асрнинг 20 йилларидан кейин 2 швед иқтисодчи олим Эли Хекшер ва Бертин Олин ишлаб чиқаришнинг омиларини, ўзаро муносабатини таҳлил қилишди. Улар асосан ишлаб чиқаришнинг икки омилени кўриб чиқадилар. Уларнинг таъкидлашича, мамлакатлар ўз ишлаб чиқаришларида нисбатан катта ҳажмга эга бўлган омиларни талаб этувчи маҳсулотларни устун даражада экспорт қилишга интиладилар. Чунки бу ишлаб

чиқариш омилининг нисбий афзаллиги анча паст даражадаги сарфларни таъминлайди. Сўнги тадқиқотларда халқаро айирбошланишнинг афзаллигини аниқлашда ишлаб чиқаришнинг бешга яқин омили илмий таҳлилларга асосланиб таҳлил қилинган. Улар қаторига молия капитали, инсон капитали, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ва бошқа табиий ресурслар киритилган.

Шундай қилиб, Хекшер Олин назариясига кўра маҳсулотлар айирбош қилинмайди, балки ишлаб чиқариш омиллари ўртасида айирбош амалга оширилади, яъни мамлакат ўзида кам ишлаб чиқариш омилини импорт қилади ва ўзида кўп бўлган ишлаб чиқариш омилини экспорт қилади. Натижада жаҳонда ишлаб чиқариш омиллари қайта тақсимлаш рўй беради.

4. М.Портернинг рақобат назарияси

Хекшер-Олин назариясини америкалик иқтисодчи М.Портер ривожлантирди. У 1991 йилда «Халқаро рақобат» номли китобида рақобат устунлиги назариясини илгари сурди.

Унга кўра ҳозирги шароитда жаҳон маҳсулотлари оқимининг бир қисми табиий афзаллиги билан эмас орттирилган афзаллиги билан боғлиқдир. Ушбу орттирилган афзаллик эса рақобат курашида шаклланади. Фирма томонидан рақобат устунлигига эришув ёки уни йўқотиш икки омилга боғлиқ. Яъни рақобат стратегияси ва рақобат устунлигининг детерминантлари мутаносиблигига боғлиқ.

Рақобат стратегиясини тўғри танлаш Портернинг фикрича, фирмага мамлакат ичидаги бошқа шу каби фирмалар ичида рақобат курашида устунликни таъминлайди. Жаҳон бозоридаги муваффақият эса фирманинг тўғри танланган рақобат стратегиясини мамлакат рақобат устунлигига боғлаш орқали таъминланади. У ўз навбатида қуйидагилар билан аниқланади:

- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;
- тармоқнинг мазкур маҳсулотига ички талаб;
- мамлакатда рақобатбардош тармоқ - таъминотчиларининг мавжудлиги;
- фирманинг рақобат таркиби, стратегиясининг миллий хусусиятлари.


Ушбу детерминантлар миллий «ромб» деб аталувчи устунликни ташкил қилади.

Бунга мисол келтирамиз. Портернинг рақобат назариясига мисол келтирамиз. XIX асргача музлаттичлар бўлмаган даврда гўшти тузланган, дудланган, қайнатилган, хуллас қайта

ишланган ҳолда айирбош қилинган, бу эса гўшт савдоси самарадорлигининг паст даражада бўлишига сабаб бўлган.

XIX аср охирида рефрижераторлар пайдо бўлиши билан Аргентина музлатилган гўштни экспорт қилувчи йирик экспортёр мамлакатга айланди, АҚШ ни жаҳон бозоридан сиқиб чиқарди. Ҳақли савол туғилади, Аргентинанинг ўсиб бораётган гўшт экспортидан ким ютқазди? Қанчалик ажабланарли бўлмасин, аргентиналиклар ютқазди. Биринчидан, жаҳон бозоридаги баҳолар юқориликдан гўшт ишлаб чиқариш ташқи бозорда ўз маҳсулотларини сотишга мўлжаллашди, бундан ички бозорда тақчиллик кучайиб, гўшт баҳоси ўсди ва мамлакат ички бозори истеъмолчилари зарар кўришди. Иккинчидан, ушбу фойда келтирувчи тармоқ бошқа тармоқдаги ишлаб чиқариш омилларини ўзига жалб қилишга ишлаб чиқарувчиларни мажбур қилди. Натижада М.Портер 80 йил кейин ёзган рақобат устунлигига гўшт ишлаб чиқарувчи тармоқ корхоналари эришди. Бунинг натижасида бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар зарар кўрди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, аргентиналик гўшт ишлаб чиқарувчиларнинг фойдаси аргентиналик истеъмолчилар ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчилар зарарларидан кўпроқдир (бу аниқ исботланган факт).

Америка ички бозорига назар ташлайдиган бўлсак, унда Аргентинанинг арзон маҳсулоти Америкада ишлаб чиқарувчиларга катта босим ўтказади. Гўшт баҳоси эса пасаяди. Бундан Америкалик истеъмолчилар ютади, аммо америкалик ишлаб чиқарувчилар зарар кўради. Аммо бунда ҳам америкалик истеъмолчилар фойдаси америкалик гўшт ишлаб чиқарувчилар зараридан анча устун.



4-Чизма. Музлатилган ва совутилган мол гўшти экспорти
(минг тонна)
Асосий тушунчалар

Халқаро айирбошлашнинг мутлақ афзаллик назарияси, хўжалик субъектлари (мамлакатлар) ишлаб чиқариш харажатлари миқдорининг турличалигидан (масалан, бир жўғрофий шароитга эга бўлмаслик) фойдаланиши сабабли олган фойдаси.

Нисбий афзаллик назарияси-хўжалик субъектлари (мамлакатлар) ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидagi нисбий фарқдан фойдаланиши сабабли олган фойдаси.

Хекшер-Олин назарияси-мамлакатнинг экспортга ихтисослашуви миллий иқтисодиётдаги ортиқча ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлигига асосланган.

М.Портер назарияси - жаҳон маҳсулотларини ўзаро айирбошлаш табиий афзаллик билан эмас, орттирилган афзаллик билан амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатлар нима сабабдан халқаро иқтисодий алоқаларгина катта аҳамият берадилар?
2. Мутлақ афзаллик деганда нималарни тушунаси?
3. Нисбий афзаллик деганда нималарни тушунаси?
4. Халқаро айрибошлашнинг ривожланиб бориши жараёнида нисбий афзаллик назариясига қандай қўшимчалар киритилган?
5. Хекшер-Олиннинг айрибошлаш назарияси моҳияти нимада?
6. М.Портернинг рақобат назариясининг моҳияти нимада?

4-боб. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият хусусиятлари

1. Ташқи иқтисодий фаолият шарт-шароитлари

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўларини белгилаш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди.

«Очиқ» турдаги иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар тизимида бўлган ҳар бир давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнига, дунё хўжалик тизимида ўз «жавонига» эга бўлиши муҳимдир. Чунки, фақат ўз кучига ишониш даври ўтмишда қолмоқда. Бундай йўналиш пировард натижада миллий ва ижтимоий ривожланиш тормозига айланади, ресурсларни нораціонал ишлатадиган алоқалар бозор иқтисодиётига ўтиш ҳаракатини қийинлаштиради. Ҳатто, кагта ҳудудга, кўп миллионли аҳолига, хилма-хил ресурсларга эга бўлган мамлакатни бугунги кунда бошқа мамлакатлар билан доимий ва кенг иқтисодий алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. Давлат ўз суверенлигига эга бўлган пайдан бошлаб, ўзи танлаган ташқи иқтисодий сиёсатини мустақил халқаро ҳуқуқий субъект сифатида олиб бормоқда. Бу сиёсатнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг ҳақиқий очиқ иқтисодиётини ва жаҳон иқтисодиёти тизими интеграциясини изчил рўёбга чиқаришдир.

Республиканинг халқаро ҳамкорликда ва жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиши унинг табиий-иқтисодий, транспорт, географик ва маданий-тарихий меросга хос бўлган имкониятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон улкан ресурслар потенциалига эга бўлиб, биринчи навбатда, минерал ҳам ашё ресурсларига, иқтисодий ишлаб чиқариш ва аҳоли потенциалига, геопотенциалга ёндашиш жиҳатидан фақат Евросиё қитъаси эмас, ҳозирги кунда тикланаётган «Буюк ипак йўли» да ҳам муҳим стратегик ўрин тутди.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш ролини ҳам айнан шу позициялардан кўриб чиқиш зарур.

Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича дунёда саккизинчи ва унинг аҳоли жон бошига белгиланган ишлаб чиқариши бўйича бешинчи ўрин эгаллайди; республикада олтини бор 30 та қазилма топилган бўлиб, ҳозирча уларнинг фақат ўнтаси ишга туширилган. Ўзбекистон олтинининг сифати жаҳон олий стандартларига тўлиқ жавоб беради, охириги 20 йил давомида рекламациялар олмаган, охириги йилларда уч мартаба халқаро сифат мукофотларига эришди.

Мурунговдаги (Навоий вилояти) олтини бор қазилмаларни (олинаётган миқдори ва сифати жиҳатидан) жаҳоннинг энг катта олтин конлари Клондак (АҚШ), Витватерранд (ЮАР), Колар (Хиндистон) лар билан бир қаторга қўйиш мумкин. Юқори пробали қимматбаҳо метал бу ерда чорак асрдан бери қазиб олинмоқда. Уни қазиб олиш арзон, очиқ йўл билан олиб борилаяпти. Шундай қилиб, давлат суверинитети шароитида республика ўз олтинига ўзи хўжайин бўлиб, жаҳон олтин бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин. Лекин охириги пайтда жаҳон бозорининг олтин билан ўта тўйинтирилиш тенденциялари рўёбга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо металнинг сифатига бўлган талаб анча мунча юқори бўлди. Масалан, 1991 йилда Жаҳон банкининг кўрсаткичларига кўра, бу фарқ 220-320 тоннага етди. Бундай шароитларда олтинга бўлган нарх-навони барқарор ушлаб туриш мушкул бўлиб қолди Чунки, собиқ иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнига янги мустақил давлатларнинг ташкил топиши Фарб мамлакатлари ва Японияни жуда безовта қилиб қўйди. Бинобарин, улар дунёда энг катта олтин импортёри ва истеъмолчиси эдилар. Шунинг учун жаҳон бозорида Ўзбекистон олтинини сотишда ғоятда омиқорлик зарур.

Ўзбекистонда 370 та кон ишлаб турибди. Улардан ҳар йили 200 млн. тонна турли минерал ҳам ашёлар қазиб олинади, йилига 80 минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон улкан захираларга бой, яна кўплаб кўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа ноёб металлларнинг катта-катта конлари мавжуд.

Республика ривожланган қудратли ёқилғи-энергетика базасига эга. Табиий газ топилмалари тахминан 2 триллион куб, кўмир 2 млрд. тоннадан ортиқ, нефть 350 млн. тоннани ташкил қилади. Охириги 2 йилда очилган янги нефть ва газ конлари нафақат ўз эҳтиёжларимизни қондиришга, балки энергия берувчиларнинг экспорти ҳақида ҳам гап юритишга имкон беради. Ўзбекистон нефть конларидаги қора олтинни қайта тайёрлаш тўғрисида «Эльфакитен» француз компанияси билан битим тузилган.

Ўзбекистон - Марказий Осиё ва МДХ, да асосий пахта етиштирувчи ва бу борада жаҳонда 4 ўринда. Эндиликда жаҳон ва МДХ давлатлари билан асосий ҳамкорлик йўналишларидан республикада пахтани чуқурроқ қайта ишлаб, ташқи бозорга яқунланган қимматбаҳо маҳсулот сифатида чиқариш мўлжалланган.

Республикада ҳар йили 1,7 млн тонна пахта толаси тайёрланади. Буни жаҳонда чиқарилаётган пахта билан солиштириш мумкин. МДХ да умумий 2,75 млн. тонна, Хитойда 4,2 млн. тонна, АҚШда 3,4 млн. тонна пахта ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин, лекин бизнинг пахтамыз сифати чет эл пахтаси сифатидан анча паст. Унинг сифатини яхшилаш учун анча-мунча ишлар олиб бориш ва фурсат даркор. Худди шундай вазият қоракўл терилари ва ипак хом ашёси бўйича ҳам ҳукм сурмоқда. Мева ва сабзавотлар етиштиришда-Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикаси асосий таъминловчи бўлган, Иттифоқда ҳар йили етиштириладиган ялпи мева сабзавотнинг 60%ини етказиб беришни ўз зиммасига олган эди. Бугунги кунда ҳам республикада ҳар йили 5 млн. тоннагача мева ва сабзавот етиштирилади, уларнинг кўпи ноёб таъамга эга. Ўзбекистон бу борада ҳамкорликка тайёр. Республиканинг бу тармоқда бўлган асосий эътибори - маҳсулотларни қайта ишлаш; сақлаш; жўнатиш; қадоқлаш корхоналарини барпо этишга қаратилган.

Ўзбекистон ўзида ва хорижда, туризм саноати ривожлантириш учун ҳам кўпгина имкониятларга эга. Унинг ҳудудида дунё миқёсида танилган тарихий ва архитектура марказлари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жойлашган, бўлардан ташқари 4000 дан ортиқ маҳобатли меъморлик обидалари бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО ҳимоясида.

Ўзбекистоннинг потенциал имкониятлари кафолатли бўлиб, бир томондан, бозор иқтисодиёти ислоҳоти бошқа томондан эса, собиқ Иттифоқ ўрнида шакланган янги иқтисодий макон интеграцияси тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида халқаро меҳнат тақсимотида ва жаҳон хўжалик алоқаларида баббаровар иштирок этиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда халқаро бозорга чиқиш йўли ва ривожланиш учун кўплаб имкониятлар мавжуд (4.1-жадвал). Республика ташқи иқтисодий алоқалари интенсификациясининг келиб чиқиш шарт-шароитлари қуйидагилардир:

-ер бойликлари, минерал хом ашё ва ўсимликлар ресурслари, шунингдек, ажойиб тупроқ иқлим шароитлари,

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган саноат ишлаб чиқариш комплекси базасини яратиш учун чексиз имкониятлар мавжудлиги;

- миллий халқ хўжалиги мажмуи инфратузилмасининг юзага келиши, республикани жаҳон хўжалиги алоқаларига кенг миқёсда жалб эта оладиган йирик илмий потенциал мавжудлиги;

- экспорт потенциалининг юқори даражада эканлиги;

- тегишли кооперация ва ҳамкорликдаги сармоялар ёрдамида рақобат бардош маҳсулотларини юқори даражада тайёрлай оладиган ишлаб чиқаришни кискя вақт ичида яратиш потенциалининг мавжудлиги;

- нисбатан олганда (жаҳон миқёсида баҳолаганда) арзон ишчи кучига эга бўлиш мумкинлиги;

- хорижий капитал сармояси ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик ўрнатиш учун республикада барқарор сиёсий муҳитнинг яратилганлиги.

4.1- жадвал

Савдо баланси (млн. долл.)

Даврлар	Экспорт	Импорт	Савдо баланси
2000 й	3264,7	2947,4	317,3
2001 й	3170,4	3136,9	33,5
2002 й	2988,4	2712,0	276,4
2003 й	3725,0	2964,2	760,8
2004 й	4853,0	3816,0	1037,0
2005 й	5408,8	4091,3	1317,5

Манба: Иқтисодий йўналишлар. Чораклик нашр. Ўзбекистон, Тасис Июль-сентябрь 2005; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Экспортнинг товарлар бўйича таркиби (%)

Даврлар	Пахта толаси	Озиқ-овқат	Кимё маҳсулотлари	Энергетика маҳсулотлари	Рангли ва қора металл	Машина ва ускуналар	Хизматлар	Бошқа товарлар	Жами (%)	Жами (млн.долл.)
2000 й	27,5	5,4	2,9	10,3	6,6	3,4	13,7	30,2	100,0	3264,7
2001 й	22,0	3,9	2,7	10,2	7,0	3,9	14,6	35,7	100,0	3170,4
2002 й	22,4	3,5	3,0	8,1	6,4	3,9	15,9	36,8	100,0	2988,4
2003 й	19,8	2,7	3,1	9,8	6,4	5,9	14,4	37,9	100,0	3725,0
2004 й	18,1	3,8	4,7	12,4	8,6	7,4	11,8	33,2	100,0	4853,0
2005 й	19,1	3,8	5,3	11,5	9,2	8,4	12,2	30,5	100,0	5408,8

Манба: Иқтисодий йўналишлар. Чорақлик нашр. Ўзбекистон, Тасис Июль-сентябрь 2005; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Импортнинг товарлар бўйича таркиби (%)

Даврлар	Озиқ-овқат	Кимё маҳсулотлари	Энергия маҳсулотлари	Рангли ва қора металл	Машина ва асбоб ускуналар	Хизматлар	Бошқа товарлар	Жами (%)	Жами (млн.долл.)
2000 й	12,3	13,6	3,8	8,6	35,4	8,5	17,8	100,0	2947,4
2001 й	10,8	12,7	1,9	10,9	41,2	10,3	12,2	100,0	3136,9
2002 й	12,5	15,1	1,3	8,0	41,4	10,6	11,1	100,0	2712,0
2003 й	9,9	12,8	2,7	7,9	44,4	10,2	12,1	100,0	2964,2
2004 й	6,8	12,5	2,1	10,3	46,0	11,1	11,2	100,0	3816,0
2005 й	7,0	13,6	2,5	10,3	43,3	10,4	12,9	100,0	4091,3

Манба: Иқтисодий йўналишлар. Чорақлик нашр. Ўзбекистон, Тасис Июль-сентябрь 2005; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

2. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатнинг ривожланиши

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро савдо-иқтисодий муносабатлари тарихи ўрта асрлардан бошланади. Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо, катта бозор учун кураш ва меҳнат ресурслари ҳамда вақт Ўзбекистоннинг ҳозирги худудига дахлдор бўлган.

Чунки, унинг географик жиҳатдан савдо-иқтисодий потенциали кўплаб мамлакатларнинг қизиқишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда асосан агротехника хом ашёси (пахта, ипак, қорақўл), машинасозлик ва асбобсозлик тармоқлари учун комплекташ маҳсулотлари, олтин, уран ишлаб чиқариш мўлжалланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпгина заводлар Ўзбекистонга эвакуация қилинган тўғайли республикада кончилик, самолётсозлик, тракторсозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, оғир саноат тармоқлари пайдо бўлди. Бироқ техник, технологик ва тариф стандартлари Ўзбекистондан ташқарида (асосан Россияда) ишлаб чиқариларди, республикада саноатнинг ривожланиши муайян даражада ташқи қарамликка боғлиқ эди.

1991 йил 1-сентябрдан бошлаб Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Иқтисодий ва давлатчилик тараққиётининг биринчи босқичида (1991-1995й) иқтисодни бошқарадиган ўз инфратузилмасини яратиш ва жаҳон ҳамжамиятида савдо алоқаларини интенсив ривожлантиришга боғлиқ эди. Шу боис, бу борада муайян тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ягона иқтисодий сиёсатни ўтказиш ва шакллантириш, тараққиёт стратегиясини белгилаш, ички ва ташқи бозорларда умумдавлат манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, фан-техник, савдо, маданий ва спорт соҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш, туризмни ривожлантириш ва бошқа алоқаларни самарали бошқарадиган Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (МВЭС) барпо этилди. 1992 йил 26 мартда қабул қилинган ҳукумат қарорига кўра, вазирлик давлат органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқариш, назорат қилиш, тартибга солиш, ва мувофиқлаштириш ишларини олиб боради.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасини унинг ташқарисида намоиш этади; барча ташқи иқтисодий масалалар бўйича давлат манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини мамлакат номидан ҳимоя қилади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқий меъёрларга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган

битим, қонун ва меъёрий қайдномаларига амал қилади. Ўз тараққиётидаги I-босқичнинг якуний даврида (1995 йилнинг охири) Ўзбекистон давлат бошқарувида, иқтисодиётда, ташқи савдо алоқаларида ҳамда ишлаб чиқариш доирасида барқарорлиги билан кўзга ташланди. 1995 йилда МДХ, орасида савдода ижобий сальдо олган икки давлатнинг бири бўлди.

Олтин қазиб олиш, энергетика, қурилиш, тўқимачилик саноати ва нефть ишлаб чиқариш соҳоларида дастлабки саноат инвестицияларнинг лойиҳалари тугалланди. Ҳиссадорлик асосида, шу жумладан, хорижий капиталнинг қатнашуви билан аграр ҳамда саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун қонуний ва амалий шароитлар яратилди.

ЕХ, иқтисодий комиссияси кўрсатмаларига кўра, миллий маҳсулотнинг салмоғи 1991 йилдагига нисбатан 1995 йилда Ўзбекистонда 82,21 % ни, Россияда 49% ни, Қозоғистонда 43 % ни, Беларуссияда 41 % ни ташкил этди.

Иқтисодий ривожланишнинг иккинчи босқичи (1995-1998й) негизларидан бири - мамлакатнинг ўз саноатига асосланиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, макро-иқтисодий инвестициявий инфратузилмасини таъминлайдиган бир қатор институтлар барпо этиш.

Бу босқичда ташқи бозорни таъминлаш, бир томондан, ички (импорт ўрнига) ва ташқи бозорлар учун (экспортга) рақобатбардош моллар ишлаб чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларига кўплаб хорижий технологик сармоялар кириши билан чамбарчас боғлиқдир:

- авиация машинасозлиги ва автомобилсозлиги;
- кон қазилмалари ва кимё саноати;
- қишлоқ хўжалиги ҳомашёсини қайта ишлаш ва қадоқлаш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик саноати;
- телекоммуникация ва алоқа;
- транспорт ва унинг хизмати.

Шунинг учун асосий эътибор Ўзбекистоннинг авиацион портларини комплекс равишда қайта кўришга; энергетика, транспорт, алоқа ва машинасозлик соҳаларида йирик саноат комплексларини барпо этишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт-импорт таркиби шуни кўрсатдики, 1998 йил натижаларига кўра, ташқи савдо айланмаси 6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдода

216 млн. АҚШ доллари миқдорида қўшимча сальдо таъминланди. МДХ давлатларининг товар айланмаси 24 % га тушиб кетди.

Бу параллел равишда эркин конвертация қилинадиган валюта воситасидаги савдо ҳажмининг ортишига олиб келди.

1998 йил якунларига кўра, Ўзбекистан Республикасининг асосий ҳамкори Швецария бўлди. Шунингдек, ташқи савдо олиб борилган биринчи беш мамлакат қаторида Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Туркия бўлдики, бу борада анча салоҳиятга эришилди.

Ўзбекистоннинг асосий товар айланмаси Европа иқтисодий Ҳамжамиятининг sanoati ривожланган мамлакатларига 30,6%, Жанубий Кореяга 16,2%, Туркияга 6,2%, Бирлашган Араб Амирликларига 2,2%, Хитойга, 8%, АҚШ га 1,2%, МДХ, мамлакатлари билан товар айланмаси Россияга 49,1%. Қозоғистонга 18%, Тожикистонга 8,9%, Украинага 4,0%, Қирғизистонга 3,9% тўғри келди.

2005 йилда экспорт товарлари ва хизматлари 5,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (4.1.-жадвал). Шу билан бирга, яқин хорижий мамлакатларга экспорт камайди. Узоқ хорижий мамлакатларга етказиб бериладиган маҳсулотнинг кўпайишига экспорт товарларини сотиш бозорининг географик кенгайиши ҳамда табиий кўламнинг ўсиши, шунингдек, ҳомашэ маҳсулотларига, биринчи навбатда, пахта толаси ва мисга жаҳон конъюнктура баҳоларининг яхшиланиши сабаб бўлди.

Ўзбекистоннинг 2000-2005 йиллардаги асосий маҳсулотлари экспорти таркибига оид маълумотлар 4.2-жадвалда берилган.

Эркин конвертацияланадиган валютанинг экспорт ҳажми яқин хорижий мамлакатлар билан 27,2 марта, дунёдаги бошқа мамлакатлар билан эса 2 баравар ўсди. 1998 йилда экспорт тузилиши баҳоланган нархга кўра, хом ашё товарлари, аввало, пахта толаси қисман даражада салмоқли 57,8 % ўрин тутди. Энергия ўтказгичлар улушига 14 %, қора ва рангли металлларга 5,4 % тўғри келади. 1998 йилда умумий импорт ҳажми 2,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан келтириладиган импорт товарлар оқими 8,8 % га қисқарди ва 1,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Натижада мазкур мамлакатларнинг умумий импортдаги улуши камайиб, 44,7 % га тушди. Яқин хорижий мамлакатлардан келтириладиган импорт эса анча кўпайиб, 1994 йилдагига нисбатан 2,1 марта ўсди.

Узоқ, хорижий мамлакатлардан импорт товарларини келтириш 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Натижада бу мамлакатларнинг салмоғи баҳоланган нархга кўра, импорт ҳажмининг 2005 йилда 45,7 % идан 55,3 % га кўпайди. Ўзбекистон

учун импортдаги салмоқли ўринни Жанубий Корея (12,5%), Германия (5,9%), Венгрия (9,2%), Швейцария (7,5%), Туркия (5,7%), Япония (4,4%) эгаллади. Уларнинг импортдаги ўрни 80% га тўғри келди.

2000-2005 йилда импорт таркиби 4.3-жадвалда берилган. Яқин ва узоқ хориж мамлакатлардан импорт қилинадиган товарлар орасида машиналар ва асбоб-ускуналар салмоғи ортиб бормоқда. Улар яли импорт товарларининг 10,4% ини ташкил этади.

Ватанимизда ёқилғи-энергетика мажмуи жадал суръатлар билан ривожланганлиги туфайли республикамизга чет мамлакатлардан келтириладиган нефть ва нефть маҳсулотлари умумий салмоғи анча қисқарди.

Импорт таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонга бозорда тезда сотилиб кетадиган истеъмол товарларини кўплаб келтириш давом этмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятда транспорт алоқалари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг йирик халқаро темир йўл, денгиз ва автомобиль портларидан йироқ жойлашганлиги импорт ва экспорт товарларини етказишда транспорт хизмати баҳосига жиддий таъсир ўтказмоқда. Юкларнинг 90%и темир йўл транспорти орқали ташилмоқда. Ўзбекистон ичкарасида темир йўл алоқалари тизими етарли даражада ривожланмаган ва зич жойлашган (50 км. дан 100 кв. км. гача), улар орқали Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистонга чиқиш мумкин. 180 та станциядан 11 таси йирик габаритли контейнерларни қайта ишлаш учун зарурий воситалар билан жиҳозланган. Ҳар куни Ўзбекистонда 8000 вагон қайта ишланади.

Юк ташишда товарларнинг анчагина қисми автомобиль транспорти орқали етказилади. Тезкор йўллар 42 минг км ни, маҳаллий йўллар 90 минг км. ни ташкил этади.

«Ўзбекистан ҳаво йўллари» ҳамда ёнма-ён бўлган халқаро авиация компанияси хизматидаги транзитмагистралли ғоятда катта аҳамиятга эгадир. МДҲ мамлакатлари ва узоқ, хорижий юртлардан 15 тасига самолётлар туғридан-туғри парвоз қилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Фаргона шаҳарлари халқаро аэропортлар мақомига эга.

3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий ва ҳуқуқий базаси

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонунлар ва меъёрий ҳуқуқий актларга ҳар томонлама асосланган тизим вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларидаги ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқлар ҳамда меъёрлар даражасида асослаб берилди. Чунончи, Республика Президентининг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш» тўғрисидаги фармонига кўра, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар хорижий валюта топшириш ва уни Марказий Банкка мажбурий сотиш бўйича беш йил муддат давомида солиқ тўлашдан озод қилиш.

Шу фармонга кўра, экспорт маҳсулотининг ҳажми 30%дан ошган корхоналар белгиланган меъёрлардан икки баравар кам миқдордаги ставкалар бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, республикада хорижий сармояларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган. «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги фармонга биноан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, беш йил, муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган.

Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонга кўра, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулоти таркибида экспортга ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлса, улар муайян имтиёзларга эга.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омилари тизими куйидагилардир:

- ишлаб чиқарилган товарларнинг (ишлар, хизматлар)
- экспортга камида 30 % ни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъиназар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баравар камроқ, тўлаш ҳуқуқини бериш;

- республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;
- Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож солиғисиз олиб кириш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

«Хорижий сармоялар тўғрисида» ги қонунга мувофиқ; чет элик шериклар учун уларнинг мол-мулкни давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан озод этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларни чет элга ўтказишга, олинган фойдани республика ҳудудида қайта сармоя тарзида ишлатиш, республика банкларида ҳисоб рақамига ва унда чекланмаган миқдорда ҳар қандай валюта маблағига эга бўлиш кафолатланади. Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун меъёрлари (нормалари) 10 йил мобайнида қўлланиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига кафолат мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий нормалар (меъёрлар) хорижий шерикларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай имкониятлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам мана шундай битимлар тузиш давом эттирилмоқда.

Канада, Хитой Халқ, Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 3,3 млрд. АҚШ долларига яқин миқдорда ҳуқуматлараро 32 та йирик кредит битими тузилди ва ҳозир бу битимлар амалда қўлланилмоқда. Ўзбекистан 30 дан ортиқ, савдо ва иқтисодий битимлар тузган, улардан 20 таси узоқ, хориж мамлакатлари билан тузилган. Биргина 2005 йилда республикада чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони 215 та, шу жумладан ишлаб турган юридик корхоналар сони 2627 га етди

(4.4. -жадвал). Умуман, мустақилликка эришилгандан сўнг республикага 5 млрд. АҚШ доллари кириб келди.

4.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарининг асосий кўрсаткичлари

№.		Ўлчов бирлиги	2004 й.	2005 й.	2005 й. 2004 й.га нисбатан усиши
1	Фаолият юритаётган корхоналар	Дона	2412	2627	108,9
2	Ташқи савдо айланмаси	Млн. долл.	1950,9	2416	123,8
а	Экспорт	Млн. долл.	785,2	823,1	104,8
б	Импорт	Млн. долл.	1165,7	1592,9	125,4
3	ХИК ларнинг ташқи савдо айланмасидаги улуши	%	22,5	25,4	х
а	ХИК ларнинг республика экспортидаги улуши	%	16,2	15,2	х
б	ХИК ларнинг республика импортидаги улуши	%	30,5	38,9	х
в	Экспортнинг импортга нисбати	Коеф.	0,7	0,5	х

4.5.-жадвал

Ўзбекистон Республикасига киритилган инвестициялар динамикаси

Йиллар	Асосий капиталга инвестиция, млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатан ўсиш, % да
2000	744,5	1
2001	1320,9	3,7
2002	1442,4	3,8
2003	1867,4	4,5
2004	2473,2	5,2
2005	3012,9	7,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

4. Ўзбекистан Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги республиканинг ТИФ Миллий банки ва Ўзбекистоннинг бошқа ташқи иқтисодиёт институтлари билан биргаликда ташқи савдо сиёсатини ишлаб чиқади ва миллий инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштиришни амалий ҳал этади. Юқорида қайд қилинганидек, иқтисодий тараққиётнинг иккинчи босқичида асосий диққат эътибор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилди. Шу сабабли ҳам юқори сифатли товарларни яратишга йўналтирилган ва рақобатли баҳодаги сармоялар кейинги меъёрий ҳуқуқий актларда кўзда тутилган афзалликлар ҳамда имтиёزلардан фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг ҳар хил соҳалари бўйича ва мамлакатнинг турли ҳудудлари учун афзал бўлган инвестиция лойиҳалари тизими ишлаб чиқилган. Хусусан, Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (МБ) ихтиёрида мукамал аналитик базага эга бўлган 177 лойиҳа мавжуд. Улардан айримлари ҳозирданок, жорий қилинмоқда. Масалан, ягона замонавий навигация тизимини яратиш иккинчи босқичида амалга оширилмоқда; трактор, самолёт, автомобиллар ишлаб чиқариш учун машинасозлик базасини яратишга ҳам алақачон киришилган.

Ўзаро фойда келтирадиган савдо ва прагматик тамойилларга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон шериклар билан ҳамкорликни янада кенгайтириб бормоқда ва улар таклиф қилган замонавий юқори сифатли технология ўзлаштирилиб, ўз саноатимизда қўшма корхоналарнинг якуний маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Бундай ёндашиш ўзаро фойдали ҳамкорлик ва савдонинг адекват тамойили бўлади. Жаҳон бозори билан бундай ҳамкорликни жадал ривожлантириш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва изчиллик сиёсати билан кафолатланади: ислоҳот йўлларида уларнинг амалга ошиши қатор ижобий натижалар бермоқда.

Биринчидан, жами ташқи савдо айланмаси 2001 йилда бир мунча ошиб, 6001,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан, яқин хориж (МДХ) мамлакатлари билан савдо - 2609,0 млн. АҚШ долларига ва узоқ хориж мамлакатлари билан савдо 3392,7 млн. АҚШ долларига етди. Жами ташқи савдо айланмасида хорижий мамлакатлар билан савдо-сотик салмоғи анчагина кўпайди. Республиканинг эркин конвертация қилинган валютада экспорт операциялари ҳажми ортди: 1998 йилги 51,2%

дан 2001 йил 91,9% га ошди. Бартер операциялари 1996 йилги 48,8% дан 2001 йилда 8,1% га камайди.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг ТИАВ ни қайта тузиш ҳақидаги қароридан кейин кўпгина хўжалик субъектларининг ташқи бозорга чиқиши ортди. Бу эса республикада иқтисод элементларининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига мослашишига олиб келди ва бозор иқтисодиётининг шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни республика мустақиллиги шароитида олиб бориш кўпгина янги бошқарув ва ташкилий хўжалик тузилмаларини яратишга имкон беради: ҳуқуқий ва норматив базалар ишлаб чиқарилмоқда, улар республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришда муҳим роль ўйнайди, ташқи иқтисодий комплекс инфратузулманинг кенг тармоғи шаклланмоқда ҳамда ташқи савдо, элчихона, халқаро иқтисодиётга касбий маҳоратга эга бўлган ходимлар тайёрланмоқда.

Бироқ ташқи алоқаларда салмоқли ютуқларга эришган бўлсақда, бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида учраётган муҳим ва долзарб муаммолар ҳали ечимини топгани йўқ. Бунга бир неча сабаблар бор:

- биринчидан, ташқи тузилмалардаги экспорт ишлаб чиқаришида тубдан ўзгаришлар рўй бермагунча, ҳом ашё маҳсулотлари, аввало, пахта салмоқли ўринда тураверади, шунингдек, бой туристик имкониятлардан ҳам етарли даражада фойдаланилаётгани йўқ;

- иккинчидан, қолақ, (жаҳон стандартларига нисбатан олганда) технологиядан ва паст даражада ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш давом этмоқда, айниқса, республиканинг ҳом ашё маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган соҳалари бўйича ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмаган. Рақобатбардош маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилаётганлиги экспорт базаси тараққиётини чеклаб қўйишда асосий тўсиқ бўлмоқда;

- учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришга оид қарорлар маъмурий-ташкилий тадбирлар миқёсида ўз ижросини топмаяпти ҳамда иқтисодий ва амалий чораларни ҳал этишда қатъиятлик етишмаяпти;

- тўртинчидан, вазирликлар, идоралар, концернлар, ҳиссадорлик жамиятлари, барча хусусий корхоналар ҳамда матлубот ташкилотлари республика қонунчилиги асосида ўз зиммаларига юкланган ташқи иқтисодий фаолиятдаги вазифаларини мукамал бажармаяптилар, бунга қисман

иқтисодий раъбатлантириш чораларидан самарали фойдалана олмаслик ҳам сабаб бўлмоқда.

Жаҳон бозори қонунлари ва талабларини яхши билмаслик, тегишли чоратадбирларни ўз вақтида амалга оширмаслик, муносиб ходимлар тайёрлаш ишида масъулиятсизлик ҳолатлари намоён бўлмоқда.

Назорат саволлар

1. Ташқи иқтисодиёт баланси нима?
2. Нима сабабдан «узоқ, хориж» айланмаси «яқин хориж» айланмасига нисбатан тез ривожланади?
3. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги нималар билан шуғулланади?
4. Ихтироли лойиҳалар деганда нималар тушунилади?
5. Тармоқларни ислоҳ қилишдаги ютуқларга қандай эришилади?
6. Республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг қайси йўналиши мўлжалланмоқда?
7. Ўзбек модели асосидаги иқтисодий тараққиётни қандай тушуниш мумкин?
8. Ҳалқаро меҳнат тақсимоти деганда нималарни тушунасиз?
9. Ўзбекистон Республикаси қандай ҳом ашё ресурсларига эга?
10. Ёқилғи ва дон мустақиллигига эришиш Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эга?
11. Ўзбекистон олтин қазиб олиш, пахта маҳсулотлари етиштириш бўйича дунёда қайси ўринда туради?
12. Ташқи иқтисодий потенциал қандай кўрсаткичлар билан баҳоланади?

5-боб. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуллари.

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг зарурлиги ва унинг асосий усуллари.

Ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий фаолият бошқа ҳар қандай иқтисодиёт фаолият каби маълум тартиблашга муҳтождир. Турли мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг кучайиши ва дунё бозорида рақобатнинг кескинлашуви, жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар ролининг ошиши, валюта курсларининг барқарор эмаслиги, тўлов балансларининг тақчиллиги, ривожланаётган мамлакатлар қарзларининг янада ўсиши ва ҳозирги замон иқтисодий муносабатлари ривожланишининг бошқа хусусиятлари уларни нафақат алоҳида давлатлар даражасида, балки иқтисодий ташкилотлар даражасида ҳам тартибга солиш зарурлигини белгилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш давлат ташкилотлари томонидан чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш жараёнини ўзида акс эттиради. Бу чора-тадбирлар мамлакатнинг халқаро иқтисослашувдаги иштирокидан келадиган фойдани олиш, жаҳон хўжалигига даврий пасайишларнинг таъсирини йўқотиш ёки камайтириш, шунингдек, валюта курсларининг тебраниши ва жаҳон иқтисодиётидаги бошқа салбий ходисаларнинг ички иқтисодиётга таъсирини пасайтиришга ёки йўқотишга, дунё бозорида миллий ишлаб чиқариш мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бошқача айтганда, давлат томонидан тартиблаш ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий вазифасини, яъни миллий иқтисодиётнинг самарали ривожланиши учун қулай ташқи шароит яратишни кўзда тутувчи чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартиблашга туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатларда катта аҳамият берилади. Айниқса, Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва хўжалик юритишнинг янги моделини шакллантиришда бош ислоҳотчи сифатида давлатга муҳим роль ажратилган.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлатлараро тартибга солиш халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган ва иштироқчи мамлакатлар манфаатларини таъминлашга, халқаро айирбошлашни рағбатлантириш ва унинг

самарадорлигини оширишга, умуман жаҳон хўжалигининг барқарор бўлишига ва ривожланишига қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш демакдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни алоҳида давлат даражасида, ҳам давлатлараро даражада ҳам тартибга солиш турли мамлакатлардаги шериклар ўртасида амалга ошириладиган иқтисодий операцияларга, битимларга турли хил усуллар, воситалар, йўл-йўриқлар ёрдамида таъсир этиш жараёнини акс эттиради. Халқаро иқтисодий алоқалар ривожлангани сари таъсир этиш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, ўзаро муносабатларининг мураккаблашуви, янги устиворликларни, ташқи савдо ва валюта-кредит битимларини тузишда, хорижий сармоялаш ва бошқа операцияларда шерикларнинг мақсад ва манфаатларини тўлароқ ҳисобга олувчи янгича ёндашувлар юзага келмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишнинг барча усулларини уларнинг мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда билвосита ва бевосита усулларга бўлиш мумкин.

Билвосита усулларга - халқаро айирбошлашда қатнашувчиларнинг иқтисодий манфаатларига, яъни даромадлар, фойда миқдори ва уларни тақсимланишига, битим шартларига, уларни ўтказиш муддатларига ва бошқа шу кабиларга билвосита таъсир этувчи иқтисодий характердаги усуллар киради. Масалан, ташқи иқтисодий фаолиятда божхона тарифлари ва божлари, турли солиқлар, валютада тушган пулдан ажратмалар нормативи, халқаро операцияларни кредитлаш ва суғурта қилинишининг фоиз ставкалари ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда у ёки бу ҳаракатни танлашга маълум имкониятлар туғдиради. Шу туфайли бу усулларни эгилувчан усуллар деб аталади.

Бевосита усуллар мажбурий рухсат бериш, таъқиқлаш хусусиятига эга бўлиб, халқаро айирбошлашда иштирок этувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини қатъий тартибга солиб туради ҳамда лицензиялаш, квоталаш, маҳсулотлар баённомаси, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқловчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва бошқа усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш амалиётида бевосита усуллар ҳам, билвосита усуллар ҳам кенг қўлланилади. Уларнинг нисбати у ёки бу мамлакатдаги хўжалик юритишнинг аниқ моделига, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ифодасига, унинг маълум даврдаги мақсад ва вазибаларига

боғлиқ. Маълумки, собиқ социалистик мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолият бутун иқтисодиёт каби давлат томонидан қаттиқ бошқарилган, яъни тартибга солишнинг асосан бевосита усуллари қўлланилган. Шу сабабли ҳозирги пайтда собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил топган мустақил ёш давлатлар учун, шулар қаторида Ўзбекистон учун ҳам ташқи иқтисодий фаолиятда маъмурий-буйруқбозлик усулларида иқтисодий усулларга ўтиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда бошқаришнинг иқтисодий усулига ўтиш давлатнинг иқтисодиётдаги ролининг ўзгариши, корхоналар, ташкилотлар иқтисодий ҳуқуқларнинг кенгайиши, иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг бозор механизмига ўтишини кўзда тутувчи умумиқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларига боғлиқдир. Чунончи, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичида республика экспорт қиладиган маҳсулотларга давлат буюртмаси қисқариб боради, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган, лицензия бериладиган маҳсулотлар сони камаяди, ички бозорни тўйинишига ва миллий ишлаб чиқаришнинг жаҳон бозорида рақобат қобилияти ошишига қараб, экспорт учун қўлланиладиган квоталарни чегаралаш кўзда тутилади. Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда тартибга солишнинг меъёрий ҳуқуқий усулларининг роли сезиларли даражада ўсиб, жаҳон ҳамжамияти талабларига ва андозаларига мос келувчи, ташқи иқтисодий алоқалар ҳар бир иштирокчисининг мажбуриятини аниқловчи ҳуқуқий асослар яратилмоқда, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулот ва хизматларни мажбурий сертификациялаш амалга оширилмоқда.

2. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари ичида божхона божлари ва тарифлари жуда муҳим ҳисобланади. Улар ёрдамида халқаро муносабатларнинг кўринишларидан бири бўлган ташқи савдо тартибга солинади. Тарифларни ўзгартириш орқали давлат экспорт ва импортни рағбатлантириши ёки қисқартириши, унинг тузиллишини вужудга келтириши, бу орқали эса миллий ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларига таъсир этиши мумкин.

Божхона божи - бу мамлакатга олиб келинаётган ёки мамлакатдан олиб чиқилаётган маҳсулотларга солинадиган мажбурий солиқдир.

Амалиётда қўлланиладиган божхона божлари турлича. Агар уларнинг ҳисоблаш бўйича гуруҳланишини кўрадиган бўлсак, маҳсулот нархига нисбатан фоизда белгиланадиган адоволор божлар жаҳонда кўпроқ тарқалган. Шу сабабдан ҳам божнинг бу тури қўлланиладиган мамлакатларда маҳсулотнинг бож қиймати, яъни адоволор божларини ҳисоблашига асос бўлган маҳсулотнинг нархини аниқлаш усулларига катта эътибор берилади. Унинг ортиқ белгиланиши тариф ставкасини кўпайиши билан тенг кучлидир. Бож қиймати, импорт ва экспорт қилувчи, ташувчи ёки уларнинг ишончли вакиллари томонидан маҳсулотлар баённомасида кўрсатилади ва шунга мувофиқ ҳужжатлар билан тасдиқланади. Аммо баъзи ҳолларда божхона маҳсулотнинг эълон қилинган нархини тан олмасликка ва уни ўзи мустақил аниқлашга ҳуқуқи бор. Амалдаги қўлланилаётган усулга қараб маҳсулот нархи 20-25 фоиз, ҳатто 2 мартагача кўпайтирилиши мумкин. Шунинг учун маҳсулот нархини белгилашнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, уни белгилаш қоидалари тарифлар ва савдо ҳақидаги Бош битимга (ГАТТ) киритилган. Шунингдек, жаҳон амалиётида ташқи савдони тартибга солишда ўзига хос (специфик) ва аралаш божлар ҳам қўлланилади.

Божхона божларининг ифодаланиши ва фаолият соҳаси бўйича бирлаштирилган иккинчи гуруҳи аввало, импорт божлари ва экспорт божларига ажралади.

Импорт божлар давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Ўз навбатида улар энг кам ва энг кўп миқдордаги импорт божларга бўлинади. Энг кам миқдордаги импорт божлар ўзаро қулай шароитлар тартибини яратиб беришни кўзда тутувчи савдо шартномалари ва битимлари бўлган мамлакатлар маҳсулотларига ўрнатилади. Энг кўп миқдордаги импорт божлари эса бунда шартнома ва битимлар тузилмаган мамлакатлар маҳсулотига нисбатан ўрнатилади. Ундан ташқари кўплаб мамлакатларда имтиёзли божлар ҳам қўлланилади ва бу божлар асосан ривожланаётган мамлакатлардан импорт қилинаётган маҳсулотларга нисбатан ўрнатилади.

Экспорт божлар мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида белгиланади. Импорт ва экспорт божлар билвосита таъсир кўрсатиш усуллари гуруҳига тааллуқлидир. Қолганлари эса бевосита таъсир кўрсатиш усулларига киради.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек божхона божлари ставкаси, яъни уларнинг тартибга солинган рўяхати божхона таърифлари деб аталади.

Божхона тарифлари қандайдир белгиларига кўра тақсимланган маҳсулотлар рўяхатини ўз ичига олган маҳсулот сархилловчилари (классификаторлари) асосида ишланган. Бундай белгиларга ишлаб чиқариш, табиий фарқлар (хайвонот ва ўсимлик дунёси) қайта ишлаш даражаси (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр буюмлар) ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Замонавий шароитда жаҳон савдосида товарларни сархилловчи сифатида БМТнинг халқаро савдо классификаторидан, Брюссель Божхона Номенклатураси номланган классификаторидан кенг фойдаланилади. Бу классификаторлар маҳсулотларни тарифлаш ва шартли белгилашнинг уйғунлаштирилган тизими бўлиб, унда олти хонали шартли рақамли белгига эга бўлган маҳсулот ҳақидаги асосий маълумотлар ҳамда унинг маҳсулотлар номенклатурасидаги ўрни кўрсатилган.

Божхона тарифлари бир ёки бир неча бож миқдорлари устунига эга бўлиши мумкин, яъни улар оддий ва мураккаб бўлади. Оддий божхона тарифлари устуни маҳсулотлар келиб чиққан мамлакатлардан қатъий назар маҳсулотларга ягона ставкаларни кўзда тутди. Мураккаб божхона тарифлари устунида эса, маҳсулот бир неча бож ставкаларига эга бўлади ва у ёки бу мамлакатга унда вужудга келган иқтисодий ва сиёсий вазиятга қараб танлов асосида қўлланилади.

Энди мисол тариқасида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятнинг божхона божлари воситасида қандай тартибга солинганини кўриб чиқайлик: хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги фармониغا мувофиқ божхона импорт божлари 1995 йил 1 июлигача бекор қилинди, экспорт қилинадиган маҳсулотларга божхона божларининг вақтинчалик миқдори белгиланди. Бу божлар талаб ички бозорда етарли даражада қондирилган маҳсулотларни олиб чиқишни рағбатлантиради ва вақтинча тақчил бўлган маҳсулотлар экспортини чегаралайди. Масалан, ўсимлик мойи, макарон маҳсулотлари, чарм, шиша идишлар, экспортга божхона божлари уларнинг контрактда кўрсатилган қийматининг 50 фоизи, пила, шойи ҳом ашёси, пахта чиқитлари, каноп толасига уларнинг контрактда кўрсатилган

қийматининг 5 фоизи, санъат асарларига эса 100 фоизни ташкил этади. Масалан, АҚШ, Европа ҳамжамияти мамлакатлари ва Японияда тарифларнинг ўртача миқдори мос равишда қуйидагича (фоиз ҳисобида).

Хом ашё маҳсулотлари	1,8, 1,6	ва 1,4
Тайёр буюмлар	7,0, 7,0	ва 6,4
Ярим тайёр маҳсулотлар	6,1, 6,2	ва 6,3

Бунда маҳсулотни қайта ишлаш даражаси ўсишига қараб тарифлар миқдори импорт қилинаётган маҳсулотлар бўйича ўсади. Ривожланаётган мамлакатларда миллий саноатни ҳимоялаш ва ўзларининг ташқи қарзлари ўсиши оқибатларини олдини олиш мақсадида бож олиш даражаси юқори ва уларнинг кўпчилигида 30-40 фоизни ташкил этади.

Божхона тарифлари асосан миллий даражада қўлланилади ва бунда қатор вазифаларни бажаради.

- 1) фискал, яъни давлат бюджети даромадларини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади;
- 2) протекционистик, яъни миллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатидан ҳимоя қилади;
- 3) бошқарув, яъни иқтисодиёт тузилишини қайта қуришни бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар ёрдамида мамлакат иқтисодиётидаги илғор силжишлар рағбатлантирилади.

Миллий иқтисодиётнинг тикланиши шароитида кўпгина давлатлар ўз ишлаб чиқарувчиларини чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини қўллайдилар. Акс ҳолда маҳаллий корхоналар «синиши», жамиятда ишсизлик хавфи туғилади. Шу билан бирга протекционизм сиёсатини қўллаш салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Улар масалан, иқтисодиётнинг ҳимоя қилинаётган соҳаларида ресурсларни самарасиз сарфланишига олиб келади.

Иқтисодиёт тузилишини қайта қуришни бошқариш воситаси сифатида тарифлар ва божларни қўллаш миллий иқтисодиёт учун кўпроқ самара бериши мумкин. Хусусан, республика халқ хўжалигининг у ёки бу соҳаларининг аҳамиятини, уларнинг ривожланиш имкониятларини баҳолаб, қисқа муддатларда кам сарф-харажатлар қилиб, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган ва мамлакат валюта ресурсларини тўлдиришни таъминлайдиган тармоқларда қўлланишини рағбатлантириш мумкин.

Агар мамлакатлар Божхона Иттифоқига бирлашсалар, унда божхона тарифи барча иштирокчи мамлакатлар учун уларнинг савдо муносабатларида ягона бўлиб қолади (масалан, Европа Иқтисодий ҳамжамияти). Божхона тарифлари миқдори алоҳида

мамлакатлар иқтисодиётида ва жаҳон хўжалигида юз бераётган жараёнлар таъсирида ўзгаради. Умуман жаҳонда божларнинг пасайиши тенденцияси кузатилмоқда ва у икки томонлама ҳамда кўп томонлама музокаралар асосида мамлакатлар томонидан рағбатлантирилади ва назорат қилинади. Асосан ГАТТ доирасида ўтказилган бундай музокаралар натижасида бож тариф ён беришларини айирбошлаш ҳақида битимлар тузилган эди.

Шундай қилиб божхона божлари ва тарифлар миллий даражада бўлгани каби миллатлараро даражада ҳам ташқи савдони тартибга солишнинг муҳим воситалари ҳисобланади.

Божхона тарифлари ва божларидан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита, эгилувчан усуллари сифатида турли солиқ турлари кенг қўлланилади. Бунда фақат ташқи солиқ тизимидаги эмас, балки ички солиқ тизимидаги солиқ турларидан ҳам фойдаланилади.

Фақат ташқи иқтисодий битимларни тартибга солишда қўлланиладиган солиқларга импорт ва экспортга солиқлар киради. Улар олиб келинаётган ёки олиб чиқиляётган маҳсулотларга, уларнинг оқимларини тартибга солиш, яъни рағбатлантириш ёки тўхтатиш мақсадида белгиланади.

Кўпгина мамлакатларда импорт тушумларига солиқлар кенг қўлланилса, экспорт маҳсулотини сотишдан тушумларга солиқлар эса имтиёзларга эга. Бу экспортни рағбатлантиришга, ички ва ташқи бозорлардаги нархлар фарқи кўп бўлганда ўз маҳсулотлари каби импорт маҳсулотларга ҳам мамлакат ичида сотиш учун бир хил шароитлар яратиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий фаолият, шунингдек, ички солиқлар тизими ёрдамида ҳам тартибга солинади. Давлат сотишдан олинган фойдага, пул капиталидан даромадларга, капиталнинг қўшимча ўсишига, қимматбаҳо қозғаларга, ортиқча фойдага ва бошқаларга солиқларни белгилаб, ўзининг ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти учун қулай ёки қулай бўлмаган шароитларни яратиши мумкин.

Масалан, мутахассисларнинг фикрича, Қозоғистоннинг Россияга нисбатан эгилувчан ва имтиёзли солиқ тизими нефтни қазиб олишга бир хил сарфланган капиталдан чет эл инвесторларига турли хил фойда олишга имкон беради (Қозоғистонда фойда миқдори 32 фоиз, Россияда 10 фоиз). Табиийки, бундай сиёсат Қозоғистонни хорижий сармоядорлар учун «қизиқарли» қилиб қўяди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи эгилувчан иқтисодий воситалар қаторига экспортни рағбатлантириш

мақсадида Ўзбекистонда кенг қўлланилаётган валюта тушумларидан ажратмалар нормативларини ва сотилиши мажбурий бўлган валюта тушумларининг ҳиссасини киритиш мумкин. Чунончи, 1994 йил 1 январидан бошлаб республикада экспортдан валюта тушумларига эга бўлган барча хўжалик субъектлари ўз валюта тушумларидан республика валюта фондига 10 фоиз миқдориди, маҳаллий валюта фондига 5 фоиз миқдориди ажратмалар қилиш ва республика Марказий банкига 15 фоиз миқдориди сотишга мажбур эдилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24 март 2000 йилдаги қарорига мувофиқ валюта тушумининг 50 фоизи Марказий банкка мажбурий сотилиши, қолган 50 фоизи Норезидент жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг махсус валюта ҳисоб рақамларига ўтказилиши кўзда тутилган. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш мақсадида хорижий капиталнинг ҳиссаси низомий фондда 50 фоиздан *ортиқ* бўлган қўшма корхоналар бу ажратмалардан озод қилинади.

Юқориди санаб ўтилган усуллар асосан халқаро айирбошлашнинг асосий кўриниши бўлган ташқи савдони тартибга солиш воситаларидир. Капитал ва ишчи кучи ҳаракатини тартибга солиш воситалари халқаро валюта тизими, кредит муносабатлари, халқаро меҳнат бозори мавзуларини ёритганида кўриб ўтилади.

3. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бевосита маъмурий усуллари.

Жаҳон амалиётида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита усуллари қараганда бевосита усуллари кенгрок, фойдаланилади. Бевосита усуллар ўзининг мазмунига кўра иқтисодий, маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий кўринишга эга бўлиши мумкин. Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги бевосита усуллар ичида кенг тарқалгани ҳисобланади.

Лицензиялаш - бу ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан руҳсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти, молия операциялари ўтказиш, хорижда ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар киради. Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатида қайд этилган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига берилади, бошқа юридик шахсларга берил

тақиқланган. Лицензиялаш маълум вақт давомида умумдавлат мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар, хизматлар билан битимлар бўйича экспортни (импортни) чегаралаш ва носоғлом рақобатни оғохлантириш чораси сифатида қўлланилади.

Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қаттиқ тартибга солишга, баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралашга ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишини тўхтатишга ҳамда савдо балансини тенглаштиришга имкон беради.

Лицензиялар - Бош лицензиялар ва бир марталик лицензияларга бўлинади. Бош лицензиялар Марказий ҳукумат томонидан берилади ва ўзида маълум мамлакатларга стратегик бўлмаган, лицензия ҳужжатларини ҳақиқатда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган маҳсулотлар экспортига расман рухсат беришни акс эттиради. Бир марталик лицензиялар лицензия бериш ҳуқуқига эга бўлган давлат идоралари томонидан экспорт ёки импорт бўйича ҳар бир алоҳида битимга рухсат кўринишида берилади.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар экспорти ва импортига лицензиялар бериш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги бошқарув ташкилотлари эга:

Вазирлар Маҳкамаси, Молия, Адлия, Меҳнат, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек Марказий банк.

Белгиланган чегаралар доирасида амалга ошириладиган битимларга лицензиялар ҳар бир алоҳида битим учун мол етказиб бериш ҳажми ёки қийматиغا Ташқи иқтисодий алоқар вазирлиги томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги фармонида белгиланган квоталар доирасида лицензиялар бериладиган маҳсулотлар рўйхати, экспорт қилиш тақиқланган маҳсулотлар рўйхати ҳам белгиланган. Булар асосан муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиб давлат ресурсларидан ун, гўшт, ҳайвон ёғи, чой, қанд ва бошқалар. Олинган лицензиялар нусхаси Ўзбекистон давлат чегарасидан маҳсулотларни ўтказиш учун асос ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларда импортни лицензиялаш уни чегаралаш мақсадида киритилади. Масалан, Ҳиндистонда истеъмол молларининг импорти деярли тақиқланган, улардан баъзилари хорижда фақат махсус давлат ташкилотлари томонидан сотиб олинади.

Молия операцияларини ўтказишга лицензиялар асосан республика Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан ўз

ва хорижий банкларга, молия муассасаларига берилади. Улар миллий молия-кредит муассасаларига мамлакат ичида ва унинг ташқарисида чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириш, хорижий молия-кредит муассасаларига эса ички бозорда юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Умуман, молия операцияларини лицензиялаш давлатга мамлакат ичида валюта оқими ҳаракатини тартибга солиш имконини беради.

Миллий давлат ва шунга ўхшаш тузилмаларга бериладиган ишга жойлаштириш лицензиялари, уларга хорижий шериклар билан келишган ҳолда хорижга ўз ишчи кучини етказиб бериш ҳуқуқини беради.

Лицензиялаш билан бир қаторда жаҳон амалиётида маҳсулотлар, шунингдек ишчи кучи экспорт ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда ваколатли давлат ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ёки импортга миқдори ёки қиймат чегараларни (квоталарини) белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балансларини, ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун, музокараларда узаро келишувга эришиш учун қўлланилади. Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмол молларни ва стратегик хом ашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлланилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлатлараро тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш асосан халқаро барқарорлаштириш битимларига мувофиқ қўлланилади. Бу битимлар, қандайдир бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда ёки экспорт қилишда ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг ҳиссасини белгилайди. Масалан, нефть экспорт қилувчи мамлакатлар халқаро ташкилоти ҳиссасига жаҳон нефть захираларининг 77 фоиздан ортиғи тўғри келади. Нефтнинг жаҳон бозоридagi нархини барқарорлаштириш мақсадида бу ташкилот ўз аъзоларига экспорт квоталари миқдорини белгилайди. 1991 йилда Саудия Арабистони учун қунига-5,4, Қувайт учун-1,5, Ироқ учун-3,1, Эрон учун-3,1, Бирлашган Араб Амирликлари учун- 1,5, Венесуэла учун эса-1,9 млн. баррель миқдорида нефть экспорт қилиш белгиланган эди.

Квоталаш фақат маҳсулот оқимларини эмас, балки ишчи кучи оқимларини ҳам тартибга солишда қўлланилади. Кўпгина

ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортига квоталар ўрнатади.

Лицензиялаш ва квоталашдан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятнинг турли кўринишларини тартибга солиш мақсадида иқтисодий характердаги бошқа бевосита усуллар ҳам қўлланилади. Уларга божхона божларининг баъзи турлари, экспортни ихтиёрий чегаралаш, пасайтирилган экспорт баҳоси ва энг кам импорт баҳоси, экспорт субсидиялари, корхона низом фондида капитал ҳиссасини аниқлаш, белгиланган валюта курси ва бошқалар киреди.

Ташқи савдони тартибга солишнинг бевосита тарифли бўлмаган усуллари гуруҳига божхона божларининг махсус, демпингга қарши, компенсацион ва бошқа турлари киреди.

Баъзи ҳолларда мамлакатлар томонидан махсус божхона божлари қўлланилади. Масалан, маҳсулотлар олиб келиш ҳажми ва шартли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зарар келтирса ёки мамлакат манфаатларига зид бўлганда қўлланилади. Махсус божхона божларининг миқдори ҳар бир аниқ ҳолат учун алоҳида ўрнатилади.

Демпингга қарши қаратилган божлар жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб, ўзида кўшимча импорт божларини акс эттиради. Улар одатда жаҳон нархларидан ёки импорт қилаётган мамлакат ички нархларидан паст нархлар бўйича экспорт қилинаётган маҳсулотларга ўрнатилади. Бу божларни белгилаш ҳақидаги қарорни Халқаро суд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар муурожаатидан сўнг чиқаради ҳамда унинг миқдорини ва тўлаш тартибини белгилайди. Масалан, демпингга қарши божлар ўз валюта ресурсларини тўлдириш мақсадида жаҳон бозорига ҳам ашё ресурсларини экспорт қилишни кўпайтирган собиқ иттифоқдош республикаларга нисбатан фаол қўлланилмоқда. Бу ҳам ашё маҳсулотлари ушбу турлари нархларининг кескин пасайишига олиб келди (масалан, 1992-1993 йилларда алюминийнинг нархи 2 марта пасайди).

Компенсацион божлар олиб келинаётган маҳсулотлар каби олиб чиқилаётган маҳсулотларга ҳам белгиланади. Улар ишлаб чиқариш ёки экспорт қилишда субсидиялар (давлатнинг молиявий ёрдами) ажратилган ва бу олиб келиш ёки олиб чиқиш миллий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга зарар етказиши мумкин бўлганда қўлланилади. Бундай ҳолда давлат мамлакатга етказилган зарарни ёки давлатнинг молиявий ҳаражатларини қоплаши лозим бўлган божларни ўрнатади. Компенсацион божлар миқдори аниқланган субсидиялар миқдоридан ошмаслиги лозим. Сўнгги ўн йилликларда

экспортни саралаш ва энг кам импорт баҳоларни белгилаш ҳақида битимлар тузиш амалиёти кенг тарқала бошлади. Савдо чеклашларининг бу янги турлари хусусияти, уларни ўрнатишнинг ноанъанавий усулидан иборат. Яъни импорт қилувчи мамлакатни ҳимоя қилувчи савдо тўсиқлари импорт қилувчи мамлакат чегарасида эмас, балки экспорт қилувчи мамлакат чегарасида киритилганда экспортни «ихтиёрий» чегаралаш қўлланилади. Худди шунга ўхшаш энг кам импорт баҳосини ўрнатиш ҳам амалга оширилади. Бундай баҳоларни ўрнатган импорт қилувчи мамлакатлар билан контрактлар тузишда бунга экспорт қилувчи фирмалар томонидан қатъий амал қилинмоғи лозим. Экспорт баҳоси энг кам даражадан пасайтирилган ҳолда импорт қилувчи мамлакат демпингга қарши бож киритади ва уни қўллаш бозордан чиқишга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтгача экспортни «ихтиёрий» чегаралаш ва энг кам импорт баҳосини ўрнатиш ҳақида 100 дан ортиқ битим тузилган. Бу битимлар тўқимачилик, пойафзал саноати, қора металлургия маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, маиший электроника, енгил автомобиллар, метални қайта ишловчи ускуналар ва шу кабилар савдосига дахлдордир.

Бевосита тартибга солишнинг кўпгина тадбирлари бири-бири билан мувофиқлаштирилган ҳолда қўлланилади. Масалан, бундан 10 йил аввал АҚШ ва ЕХ ўртасида тузилган битимга кўра ЕХ нинг экспорт қилувчи мамлакатлари АҚШ га пўлат олиб чиқишни ихтиёрни чегаралаш ва белгиланган квоталарни оширмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Бу ихтиёрий чегаралаш амал қилаётган даврда демпингга қарши бошлар киритилган эди.

Экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тадбири сифатида кўпгина мамлакатларда экспорт субсидиялари қўлланилади, яъни тажриба-конструкторлик ишлари ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни бевосита молиялаштириш ёки бу мақсадларга давлат бюджетидан имтиёзли кредитлар берилиши кўзга тутилади.

Маъмурий ва меъёрий-ҳуқуқий бевосита тартибга солиш усуллари ҳам у ёки бу ташқи иқтисодий алоқаларни ё чегаралашга, ё рағбатлантиришга қаратилган. Бу битимларни тузиш ва амалга ошириш тартиби, техник стандартлар, маҳсулотлардан фойдаланиш хусусиятлари ишчи кучи сифати, валюта операцияларини амалга ошириш муддати, даражаси ва бошқаларга қўйиладиган талаб ва меъёрлар билан боғлиқ турли хил маъмурий тадбирлардир.

Республикада қўлланиладиган маъмурий характердаги давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос чоралари сифатида ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиларини рўйхатга олиш, маҳсулотлар баённомаси ёки божхона баённомасини тақдим этиш ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиларини рўйхатга олиш - бу ташқи иқтисодий фаолият субъектларини ҳисобга олиш ва расмийлаштиришнинг маълум тартибидир.

Рўйхатга олиш ўрнатилган шаклда тўлдирилган рўйхатга олиш варақасини тақдим этиш, рўйхатга олинганлик рақамини бериш, ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиларини расмий равишда чоп этиладиган Давлат рўйхатлари тўпламига киритиш ва рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳномани беришни ўз ичига олади. Рўйхатга олиш ариза олинган кундан бошлаб 30 кундан кечикмасдан амалга оширилиши лозим. Рўйхатга олинганлик ҳақидаги маълумот тезда тармоқ ташкилотлари ва давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият ташкилотларига етказилиши лозим. Ўзбекистонда ушбу муддат 10 кун қилиб белгиланган, чет эл инвесторлари, қўшма корхоналар учун эса 5 кундан кечикмаслиги лозим.

Маҳсулот баённомаси - бу ташқи иқтисодий алоқа қатнашчисининг маҳсулотни давлат чегарасини кесиб ўтаётгани ҳақида ушбу мамлакатда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ берган расмий аризасидир. У икки кўринишда, яъни божхона баённомаси бўйича ва товар-транспорт ҳужжатлари бўйича (етарли малака ва тажрибага эга бўлган ташқи иқтисодий бирлашмалар учун) амалга оширилади. Баъзи фуқаролар мамлакатга киришда ва чиқишда ташилаётган буюмлар, мулк, шу жумладан валюта ҳақида баённомани бир хил андозадаги варақаларга тўлдиришлари лозим.

Ташилаётган юklarга баённома ташқи иқтисодий операция қатнашчиси томонидан ҳар бир маҳсулот учун тўлдирилади ва унда операция тури (экспорт, импорт), маҳсулот номи, экспорт ва импорт қилаётган мамлакат, валютаси, маҳсулотнинг умумий ҳақиқий баҳоси ва бошқалар кўрсатилади. Бу ҳужжат асосида импорт, экспорт учун солиқлар миқдори аниқланади, хорижга пулларни ўтказишнинг тўғрилиги назорат қилинади.

Асосий тушунчалар :

1.Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш давлат ташкилотлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият бўйича чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш жараёнидир.

2.Ташқи иқтисодий фаолиятни давлатлараро даражада тартибга солиш халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган ва иштирокчи мамлакатлар манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишидир.

3.Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуллари ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда қулланиладиган воситалар ва йўл-йўриқлар мажмуасидир.

4.Бевосита усуллар тақиқлаш ёки рухсат бериш хусусиятига эга бўлган усуллар.

5.Билвосита усуллар ташқи иқтисодий фаолиятга иқтисодий таянчлар ёрдамида таъсир этиш усуллари

6.Божхона божи мамлакатга олиб келинаётган ёки мамлакатдан олиб чиқиладиган маҳсулотларга солинадиган мажбурий солиқ.

7.Авволор божи -маҳсулотлар қийматидан фоиз ҳисобидан ундириладиган бож.

8.Ўзига хос (специфик) бож - маҳсулот оғирлиги, ҳажми ёки бирлигидан белгиланган пул миқдоридан ундириладиган бож.

9.Импорт божи -давлат бюджетини тўлдириш ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш мақсадида белгиланадиган бож.

10.Экспорт божи - мамлакат ичида талаб қўп бўлган маҳсулотлар тақчиллиги олдини олиш мақсадида белгиланадиган бож.

11.Божхона тарифи - бож олинадиган ва бож олинмайдиган, олиб келиш ва олиб чиқиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек божхона божлари ставкаларининг тартибга солинган рўйхати.

12.Лицензиялаш - ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга рухсат олиш тартиби.

13.Квоталаш экспорт ва импортга миқдорий ёки қиймат чегаралари белгиланиши.

14.Демпингга қарши божлар - жаҳон нархлари ва импорт қилаётган мамлакат ички нархларидан паст нархлар бўйича экспорт қилинаётган маҳсулотларга ўрнатиладиган бож.

15. Компенсацион божлар - ишлаб чиқариш ёки экспорт қилишда субсидиялар ажратилган маҳсулотларга нисбатан белгиланадиган бож.

16. Ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиларини рўйхатга олиш ташқи иқтисодий фаолият субъектларини ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартиби.

17. Маҳсулот баённомаси - ташқи иқтисодий алоқа қатнашчисининг маҳсулот давлат чегарасини кесиб ўтаётгани ҳақида ушбу мамлакатда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ берган аризаси

Назорат саволлари:

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш нима учун зарур ва унда давлатнинг роли қандай?
2. Ташқи иқтисодий фаолият давлатлараро даражада қандай тартибга солинади?
3. Тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари моҳияти қандай?
4. Тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари моҳияти нимадан иборат?
5. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усулларида фойдаланишдаги муҳим вазифа нима?
6. Ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг асосий усуллари қандай синфланади?
7. Божхона божлари ва тарифлари деганда нимани тушунади?
8. Халқаро амалиётда божхона божларининг қандай турлари қўлланилади?
9. Божхона тарифлари нималар асосида қўрилади?
10. Божхона тарифларининг қандай бож миқдорлари устуни мавжуд?
11. Оддий бож миқдори устуни нима?
12. Божхона тарифлари қандай вазифаларни бажаради?
13. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда солиқ тизимининг аҳамияти қандай?
14. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бевосита усуллари ифодаланишига кўра қандай?
15. Лицензиялаш нима? қандай лицензия турлари мавжуд?

16. Ўзбекистонда қайси бошқарув ташкилотлари ишлар ва хизматлар экспорти ва импортига лицензия бериш ҳуқуқига эга?
17. Квоталашнинг моҳияти нимадан иборат?
18. Ўзбекистонда квоталаш нима мақсадда қўлланилмоқда?
19. Ташқи савдони тартибга солишнинг бевосита тарифли бўлмаган усуллари гуруҳига божхона божларининг қандай турлари киради?
20. Ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиларини рўйхатга олиш қандай амалга оширилади ва нималарни ўз ичига олади?
21. Маҳсулот баённомаси ўзида нималарни акс эттиради ва қандай кўринишларда амал қилади?

6-боб. Халқаро иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги аҳамияти

1. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ХИМ да тутган ўрни ва аҳамияти

Олдинги бобларда баъзи бир халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари (савдо ташкилотлари - ГАТТ/УСТ; инвестицион ташкилотлар - ХТТБ, ЕТТБ; валюта, миграция ва илмий-техника соҳасидаги ташкилотлар) тўғрисида фикр юритилди. Мазкур боб материаллари умумлаштирувчи характерга эга бўлиб, улар юқоридаги унсурларнинг ХИМ ни яхлит бир комплекс сифатида ривожланишида тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беришга ёрдам беради. ХИМ мураккаб механизм сифатида бир томондан бозорга хос ўз-ўзини бошқариш қобилиятига эга бўлса (ХИМ нинг моддий асоси ҳали ҳам жаҳон бозори ҳисобланади), иккинчи томондан, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни осонлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни яратишни талаб этади. Айни пайтда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасида халқаро ташкилотларнинг гуркираб вужудга келиш жараёни (айнан ана шу вақтда, Халқаро меҳнат ташкилоти ўзининг «Инкотермс» каби тижорий хужжатлари билан таниқли бўлган Халқаро савдо палатаси, Халқаро ҳисоб-китоблар банки ташкил этилган) ва айниқса, 40-йилларда иккита глобал тўқнашувни бошидан кечирган давлатлар тарихидаги фавқулотда ҳолатлар ва 1929 йилдан 1932-33 йилларгача давом этган чуқур иқтисодий таназзул билан боғлиқ. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келишининг иккинчи «тўлқини» ва ҳаракатдагилари фаолиятининг фаоллашуви мустамлакачилик тизимининг парчаланиши ҳамда 60-70-йиллардаги иқтисодий чайқалишлар билан алоқадордир.

Ва ниҳоят, 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида учинчи босқичнинг бошланганлиги гувоҳи бўлди. Бунга сабаб сифатида тоталитар тизимларнинг инкирозга учраши ва янги минг йиллик остонасида инсониятнинг глобал муаммолари кескин кучайиши қабиаларни кўрсатиш мумкин. Кўплаб мамлакатларнинг ҳукумат органлари замонавий халқаро иқтисодий алоқалардаги муаммоларни мустақил ҳал эта олмадилар ва кўптомонлама маслаҳатлар, ҳамкорлик ва қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этишда биргаллашиб ҳаракат қилиш усуллари ни ишлаб чиқа бошладилар. Ҳозирги пайтда

иқтисодий гуллаб-яшнаши ва жаҳон халқлари фарофонлигини таъминлаш масалалари билан шуғуланувчи бир неча минглаб халқаро ташкилотлар ҳисобга олинган. Экспертларнинг баҳолашларича, жаҳон иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир ўтказа оладиган халқаро ташкилотлар сони 100 та атрофида.


Халқаро иқтисодий ташкилотлар типологияси ҳақида гапирганда, иккита мезондан фойдаланиш зарур: *жуғрофий қамрови кенглиги ва фаолият хусусиятлари*. Биринчисидан келиб чиқиб, икки томонлама, ҳудудий ва глобал тузилмалар ажратиб кўрсатилади. Иккинчи мезонни қўллаган ҳолда махсуслаштирилган (соҳалар бўйича) ва глобал ташкилотларга эга бўламиз. Буларнинг ичида 24 октябрь 1945 йилда ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тасарруфидаги иқтисодий ҳамкорлик органлари алоҳида ўринга эга. БМТ - иккинчи жаҳон урушидан сўнг Антигитлер коалицияси аъзолари томонидан ташкил этилган энг универсал, обрў-эътиборли ва сон жиҳатдан энг йирик халқаро ташкилот ҳисобланади.

2. БМТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик органлари тизими

БМТ штаб-квартираси Нью-Йорқда жойлашган, унинг таркибида 192 та аъзо мамлакат мавжуд. БМТ низомининг 1-моддасига кўра, ўз фаолиятининг асосий мақсадлари ичида «иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар ҳарактердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш» мақсади ҳам етакчи ўринда туради. БМТ иқтисодий соҳада тўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боради:

- глобал муаммоларни ҳал этиш;
- давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги узилишларни енгиб ўтиш;
- ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш

Амалда санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири БМТ муассасаларнинг фаолиятида ахборот, техника-маслаҳат ва молия соҳасида ҳамкорликни ўз ичига олади. БМТ бош ва ёрдамчи органлардан, шунингдек, 18 та махсуслаштирилган институт ва бир қатор автоном тузилмалар: кенгашлар; комиссиялар ва дастурлардан иборат. БМТ нинг бош тузилмавий бўлимлари Бош Ассамблея (БА), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда Секретариат ҳисобланади (чизмаларга қаралсин).



5-чизма. БМТ қошидаги ташкилотлар, дастур ва жамғармалар

**БМТ билан махсус келишувлар асосида фаолият
кўрсатаётган ихтисослашган мустақил ташкилотлар 15
та муассасалардан иборатдир**

<p>Халқаро меҳнат ташкилоти</p>	<p>Меҳнат шартномаларини яхшилаш ва бандлик даражасини оширишга йуналтирилган сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқади, бутун жаҳон мамлакатлари фойдаланадиган халқаро меҳнат стандартларини жорий этади</p>
<p>ФАҶ (Бирлашган Миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти)</p>	<p>Барча сарф-харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини мустақкамлаш, шунингдек қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш учун йуналтиради</p>
<p>ЮНЕСКО (Бирлашган миллатлар ташкилотининг халқ таълими, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти)</p>	<p>Халқ таълими, маданиятни ривожлантириш, жаҳондаги табиий ва маданий меросни муҳофаза қилиш, халқаро илмий ҳамкорликни, матбуот ва коммуникация эркинлигини барқарор этишга ёрдам беради</p>
<p>Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти</p>	<p>Соғлиқни сақлаш ва Ер қирраси барча аҳолиси саломатлигини максимал даражада яхшилаш нуайимоларини ҳал этишга мўъалланган дастурларни амалга оширишнинг мувофиқлаштиради. Эмлаш, санитария таълими ва асосий дори-дармон воситалари билан таъминлаш каби йўналишларда иш олиб боради</p>
<p>Бутунжаҳон банки гуруҳи</p>	<p>Қашшоқликни камайтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга ердлаштириш мақсадида тараққий этаётган мамлакатларга қарз ва ердам кўрсатади</p>
<p>Халқаро валюта фонди</p>	<p>Пул-кредит соҳасида халқаро ҳамкорликни тараққий эттириш, молиявий барқарорликни ривожлантириш ва консалтациялар ўтказиш тавсиялар бериш учун форум вазифасини ўтайди ва молиявий масалаларда ердам кўрсатишга кўмаклашади</p>
<p>ИКАО (Фўқаро авиацияси халқаро ташкилоти)</p>	<p>Ҳаво йўлларида хавфсизлик, ишончсизлик ва самардорликни таъминлаш учун зарур бўлган халқаро нормаларни ўрнатади ва фўқаро авиацияси билан боғлиқ халқаро ҳамкорликнинг барча соҳаларида мувофиқлаштирувчи ролини бийлайди</p>
<p>Бутунжаҳон почта уюшмаси</p>	<p>Почта хизмати халқаро нормаларини ўрнатади, почта соҳасида техник хизмат кўрсатади ва ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади</p>

Халқаро электр алоқа уюشمаси	Электр алоқасининг барча турларининг такомиллаштириши мақсадида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кумаклашади. радио-телевидения тўқинларидан фойдаланишни мувофиқлаштиради. хавфсизликни барқарор этиш ва тадқиқотлар олиб бориш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишга ердан беради
Бутунжаҳон метеорологияси ташкилоти	Ер атмосфераси ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш билан боғлаб илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлайди. метеорологик маълумотларни жаҳон бўйича алмаштиришга ердан беради
ИМО (Халқаро денгиз ташкилоти)	Халқаро денгиз қатнови тартибини такомиллаштиришга кумаклашади. денгиз қатнови хавфсизлиги даражасини оширишга ердан беради ва денгизларнинг кемалар томонидан ифлослантирилишининг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар қабул қилади
Интеллектуал мулк бутунжаҳон ташкилоти	Интеллектуал мулкни халқаро миқёсда муҳофазо этилишини қўллаб-қувватлайди. муаллифлик ҳуқуқи, товар белгилари, саноат намуналари ва патентлар каби масалаларда ҳамкорликни ривожлантиришга ердан беради
Қизилқоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси	Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва тараққий этиётган мамлакатлардаги аҳолининг почор яшаётган гуруҳларини озиқ-овқат билан яхшироқ таъминлаш учун молиявий ресурсларини жалб этиш билан ишвудланади
ЮНИДО (Бирлашган Миллатларнинг Саноат тараққийоти бўйича ташкилоти)	Ривожланган мамлакатларда техника ердан. маслаҳат хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш йўли билан саноат тараққийотиға кумаклашади
МАГАТЭ (Атом энергияси бўйича халқаро ташкилот)	Бирлашган Миллатлар Ташкилотлари раҳбарлигида фаолият кўрсатадиган мазкур ҳукуматларно автоном ташкилот атом энергиясидан хавфсизлик ва тинчлик йўларида фойдаланиш масалалари билан шугўлланади

6-чизма. БМТнинг ихтисослашган мустақил ташкилотлари

Бош Ассамблея йилда бир марта сессиялар ўтказади (сентябрь-декабрь), бу сессияларнинг ҳар бирида раис, унинг ўринбосарлари ва асосий қўмиталарнинг бошлиқлари сайланади. Жаҳон иқтисодийотидаги асосий масалалар ҳам умумий мажлисларда, ҳам махсус Иккинчи қўмита доирасида муҳокама қилинади.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш 1946 йилда ташкил этилган. 54 мамлакат унинг аъзолари саналади ва аъзоларнинг учдан бир қисми (бешта доимий аъзолар – Буюк Британия, Хитой,

Россия, АҚШ ва Франциядан ташқари) ҳар йили уч йил муддатга қайта сайланади. Юқоридаги бешта давлат уруш ва тинчлик масалалари билан шуғулланувчи Хавфсизлик Кенгашида бўлгани каби доимий равишда ЭКОСОС таркибига киради. Кенгаш одатда бир йилда икки марта сессия ўтказиши: ижтимоий-ҳуқуқий ва гуманитар мавзуда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича. ХИМ муаммолари бўйича қарорлар ва тавсиялар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш маъсулияти ҳам ЭКОСОС зиммасидадир. Бугунги кунга келиб ЭКОСОС олтита доимий қўмита, еттита функционал ва бешта ҳудудий комиссияларни таъсис этган. Бўлардан ташқари 18 та махсуслаштирилган муассаса, Жаҳон озиқ-овқат дастури ва ЮНКТАД/УСТ Халқаро савдо маркази ҳам ЭКОСОС патронажи остида фаолият олиб боради. БМТнинг иқтисодий органлари тизимида учинчи бўлин сифатида Секретариат фаолият олиб боради. Секретариат бир неча бўлимлардан (жумладан, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департамент) таркиб топган бўлиб, маъмурий-ижрочи тузилма сифатида иш олиб боради.

Жаҳон хўжалиги муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ, равишда энг сезиларли мавқега эга бўлган БМТнинг ташкилотлари шарҳида БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича Анжумани (ЮНКТАД) ва БМТ нинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО) тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

1964 йилнинг охирида БМТ нинг Бош Ассамблеяси халқаро савдо бўйича ҳамкорликка кўмаклашиш учун ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Анжуманнинг олий органлари тўрт йилда бир ўтказиладиган сессия ва йилда икки марта тўпланадиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш назорати остида доимий қўмиталар, вақтинчалик ишчи гуруҳлари ва Секретариат фаолият олиб боради. ЮНКТАД га ҳозирги пайтда 192 та давлат аъзо бўлиб, унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. ЮНКТАД раҳбарлиги остида ўтказилган ҳукуматлараро маслаҳатлар натижасида бир қатор муҳим савдо битимлари имзоланди, хом ашё товарлари савдоси соҳасидаги ҳолатларни ўрганиш учун эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Анжуман Европа ва Америка бозорларида ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун махсус имтиёзлар бериш режимини қувватлаш йўналишида фаол ҳаракат олиб бормоқда.

1967 йилда ташкил этилган ЮНИДО 166 та давлатни бирлаштирган ва штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган. Бу ташкилотнинг бош вазифаси Осиё, Африка, Жанубий

Америка ва Океаниядаги камбағал ва ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар гуруҳини иқтисодий қолоқликдан олиб чиқиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида БМТ доирасида саноат ривожланишини мувофиқлаштиришдан иборат. ЮНИДО нинг олий органи икки йилда бир марта чақириладиган Бош Анжуман саналади. Бошқарув тузилмалари эса саноат тараққиёти бўйича Кенгаш ва бюджет масалалари бўйича Қўмита ҳисобланади ЮНИДО фаолияти ҳукуматлар ва хусусий тармоқ билан ўзвий ҳамкорлик асосида кўрилган. Ташкилот инвестициялар, техник ва саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича форумлар ўтказди, хорижий инвестицияларнинг кўпайиб боришига, ривожланаётган мамлакатларга технологиялар етказиб беришга кўмаклашади. Бу масалаларни амалга оширишда ЮНИДО нинг Саноат ва технологик ахборотлар банки (СТАБ) самарали фаолият олиб бормоқда.

Молиялаштиришдаги муаммолар, ортиқча қоғозбозлик ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг кучсизлигига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидаги иқтисодий ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. БМТ нинг махсуслаштирилган муассасалари ролининг кучайиб боришининг сабаби сифатида халқаро меҳнат тақсимоли тузилмасининг мураккаблашуви, ахборот-технология айирбошлашнинг янгидан янги каналларининг вужудга келиши, инсоният олдида турган жиддий глобал муаммолар шароитида жаҳон хўжалик ҳаётининг жадаллашуви кабиларни келтириш мумкин.

3. Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти

БМТ доирасига кирмайдиган иқтисодий ташкилотларга штаб-квартираси Парижда жойлашган ва 1961 йилда вужудга келган иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мисол бўла олади. ИХТТ иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ молиявий ёрдамидан самарали фойдаланиш ва Кўҳна китъадаги тикланиш жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг вориси ҳисобланади. «Бойлар клуби», жаҳон иқтисодиётининг «ақл маркази» деб аталувчи ИХТТ ҳозирги пайтда жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган 29 та мамлакатини ўз таркибига бирлаштирган. Чунончи, бу ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳиссасига жаҳон товар ва хизматлар ишлаб чиқаришининг 2/3 қисми тўғри келади.

ЮТТнинг олий органи Кенгаш бўлиб, унинг таркибига ҳар бир аъзо мамлакатдан биттадан вакил киради. Кенгаш аъзолари ойда бир марта Бош котиб раислигида учрашишади. Бош котибни беш йил муддатга Кенгаш сайлайди. Бундан ташқари Кенгаш вазирлар (ташқи ишлар вазирлари, молия вазирлари, иқтисодиёт вазирлари кабилар) миқёсида йиллик мажлисларини ўтказади.

Доимий асосда иш юритувчи Ижроия қўмитанинг вазифалари ИХТТ фаолиятини назорат қилиш ва Кенгаш мажлисларини тайёрлашдан иборат. 200 дан ортиқ қўмиталар, ишчи гуруҳлари ва эксперт комиссиялари ижтимоий-иқтисодий характерда бўлган кенг доирадаги масалалар билан шуғулланади.

ИХТТ тузилмаси ҳақида сўз кетганда *Европа ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик марказини* эслатиб ўтиш жоиздир. Бу марказ 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, ИХТТ ва Шаркий Европа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб туради. ИХТТ фаолиятидаги энг муҳим жиҳат – бу ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида иқтисодий ва ижтимоий сиёсат муаммолари бўйича фикр алмашишни йўлга қўйишдир. Капиталлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, порахўрликка қарши кураш кабилар тўғрисидаги қонунлар бу сайи-ҳаракатларнинг самарасидир. Ҳозирги кунда ИХТТнинг амалий вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- болалар ва аёллар меҳнати, маҳсулот баҳосини атайлаб пасайтириш кабилар ҳисобига бўладиган фирром рақобатни чегаралаш йўлларини излаш;
- меҳнатни ҳимоялаш бўйича барча мамлакатлар учун ягона бўлган меъёрлар тўғрисида конвенция қабул қилиш;

- глобал миқёсда бевосита чет эл инвестициялари бериш режимини тартибга солиш (Инвестициялар тўғрисида кўп томонлама келишув лойиҳаси компанияларга, ўзларининг нуқтаи назарича, ҳукуматнинг ноҳолис инвестицион сиёсати билан тортишиш имкониятини беради);
- саноат корхоналари фаолиятининг экологик жиҳатдан халқаро назоратини амалга ошириш.

4. Баъзи ҳудудий иқтисодий ташкилотлар

Жаҳонда интеграция жараёнлари - ЕҲ, НАФТА, МЕРКОСУР, МДХ, кабилар билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ўнлаб ҳудудий миқёсдаги халқаро иқтисодий ташкилотлар мавжуд. Уларнинг фаолият механизмларини ўрганиш мақсадида Ғарбий ярим шар ва Африка қитъасида муҳим аҳамият касб этувчи Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) ва Африка Бирдамлик Ташкилоти (АБТ) тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

АДТ 1948 йилда Богота шаҳрида (Колумбия) ўтказилган Америка давлатларининг 9-чи халқаро Анжуманида ташкил этилган бўлиб, таркибига 35 давлатни бирлаштирган, штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган. Ташкилот фақат иқтисодийгина эмас, балки сиёсий характерга ҳам эга. «Совуқ уруш» даври ўтгач, иқтисодий масалалар бу ташкилот фаолиятида олдинги ўринга чиқди. АДТ нинг олий органи *Бош ассамблея* ҳисобланади, йилда бир марта чақириладиган сессияларда энг жиддий масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади. *Доимий кенгаш* ташкилотнинг барча жорий фаолиятига раҳбарлик қилади ва назоратни амалга оширади, шунингдек, доимий кўмиталар ва ишчи гуруҳларига таянган ҳолда Бош Ассамблеянинг сессияларини тайёрлайди. Аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган *Америка давлатлариаро иқтисодий ва ижтимоий кенгаши* ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1994 йилда Америка қитъасидаги 34 мамлакат (Кубадан ташқари) давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувида «Тараққиёт ва ривожланиш мақсадида ҳамкорлик тамойиллари: демократия, эркин савдо ва Америкада барқарор ривожланиш тўғрисида декларация» қабул қилинди. Анжуман қатнашчилари келажакда - 2005 йилдан сўнг Панамерика эркин савдо ҳудудини ташкил этишга қарор қилишди.

Африка Бирдамлик Ташкилоти 1963 йилда Аддис-Абеба шаҳрида (Эфиопия) ўтказилган Африка давлатлари раҳбарларининг анжуманида ташкил қилинган. 53 аъзо мамлакатни

бирлаштирган бу ташкилотнинг штаб-квартираси ҳам шу шаҳарда жойлашган бўлиб, унга Африканинг деярли барча давлатлари аъзо бўлган (Мароккодан ташқари). АБТ фаолияти АДТ даги каби комплекс характерга эга, иқтисодий масалалар хамиша бошқарув тузилмалари диққат марказида туради. АБТ нинг олий органи *Давлат ва ҳукумат раҳбарлари Ассамблеяси ҳисобланиб*, у йилда бир маротаба сессиялар ўтказди. Ташкилотнинг бошқа муассасалари ичида Африка давлатларининг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш юзасидан бевосита масъул бўлган *Иқтисодий ва ижтимоий комиссия* сезиларли мавқега эга.

АБТ ҳудудий сиёсатиға тавсиф берганда, 1991 йилда аъзо мамлакатлар томонидан қабул қилинган Африка иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисидаги битимни эслағиб ўтиш керак. Бу жараён умумий давомийлиги 34 йилга мўлжалланган олти босқичдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий иқтисодий ташкилотлар глобал миқёсдаги тузилмалар билан биргаликда мамлакатларга миллий чегараланганликни енгиб ўтиш, хўжалик алоқаларини жадаллаштириш ва ХХ асрнинг якунида инсоният дуч келган жуда кўп муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракатларни бирлаштириш имконини беради. Бу муаммолар ичида алоҳида ўрин тутадиганлари глобал муаммолар бўлиб, улар тўғрисида кейинги бобда тўхталиб ўтамыз.

Асосий тушунчалар

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) - БМТ нинг асосий бошқарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМ соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) - БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Саноат тараққиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО) - БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Халқаро ҳамкорлик тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) - энг ривожланган индустриал мамлакатлар бирлашмаси.

Назораг саволлари:

1. Сўнги 50-70 йил давомида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келиши фаолашуви жараёнининг сабаблари қайсилар?
2. БМТ тизимидаги иқтисодий муассасаларнинг тузилмалари ва вазифалари ҳақида сўзланг?
3. ОЭСР фаолияти нималарни ўз ичига олади?
4. Ҳудудий иқтисодий ташкилотларга мисоллар келтиринг?

7-боб. Халқаро савдо

1. Халқаро савдо ривожланишининг зарурияги ва ташқи савдо операциялари.

Жаҳон савдоси ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида капитални четга чиқариш имкониятлари юзага келди ва унга боғлиқ равишда халқаро молия-валюта, кредит муносабатлари ривожланди.

Ташқи савдонинг вужудга келиши икки муҳим объектив сабаблар билан изоҳланади. Биринчидан, бу табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида текис тақсимланмаганлигидир. Масалан, Яқин Шарқ мамлакатлари ҳиссасига жаҳон нефть захираларининг 66 фоизи тўғри келса, мис, табиий газ, боксит ва бошқа кўплаб фойдали қазилмалар захираларининг 70-80 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бир вақтда кўплаб саноати ривожланган мамлакатларда бу табиий бойликлар етишмаслиги туфайли уларга эҳтиёж катта,

Мамлакатлар бўйича табиий бойликларнинг нотекис тақсимланганлиги, бир қатор ривожланган мамлакатларда фойдали қазилмалар захираларининг камлиги, шунингдек ёқилғи, хом ашё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тез ўсиб бориши - бу ресурсларни кенг айирбошлашни хаётий заруратга айлантиради. Мазкур маҳсулотлар сўнги йилларда жаҳон экспортининг 1/4 қисмидан кўпрогини, ярим тайёр маҳсулотлар савдосини ҳам ҳисобга олганда 1/2 қисмига яқинини ташкил этди.

Халқаро савдо ривожланишининг зарурлигини аниқловчи иккинчи муҳим сабаб бу турли мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир хил ривожланмаганлигидир. Мутахассисларнинг баҳолашларича, саноатда меҳнат унумдорлигининг даражаси 2000 йилда бир ишловчи ҳисобига АҚШ да 57, Германияда 45,4, Японияда 40,5, Туркияда 18,0, Хиндистонда 7 минг доллар,

Реэкспорт операцияси - аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотиш.

Реимпорт операцияси - аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.

Улар ичида экспорт ва импорт операциялари асосий ҳисобланиб, жаҳон савдоси ҳажмини ва унинг ривожланишини белгилаб беради.

1993 йилда халқаро савдо ҳажми 3,8 триллион доллар бўлиб, жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг тахминан 15 фоизини ташкил этди. Бунда АҚШ, ривожланган Фарб давлатлари ва Япония йирик экспорт ва импорт қилувчилар бўлиб ҳисобланди. Ҳозирда жаҳон савдосини фақат юқори ўсиш суръатларигина эмас, балки тармоқ ва ҳудудий тузилишидаги ўзгаришлар ҳам ифодалайди.

Биринчидан, жаҳон савдоси ҳажмида хом ашё, ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳиссаси камаймоқда ва техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотлар, шунингдек хизматларнинг улуши ошмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон экспортида озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳиссаси 11 фоизга яқинни ташкил этса, қайта ишловчи саноат маҳсулотларининг ҳиссаси 72 фоиздан кўпроқ. Юқори технологияли маҳсулотлар ривожланган мамлакатлар экспортининг 36 фоиздан ортиқроғини ташкил этади.

Иккинчидан, маҳсулотлар ва хизматлар жаҳон бозорига кучлар нисбаги ўзгармоқда. Бу умумий экспортда АҚШ ҳиссасининг пасайиши ҳамда Япония, Германия, шунингдек, «янги саноати тараққий этаётган мамлакатлар», аввало Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ролининг кучайишида ўз аксини топмоқда. Агарда, урушдан кейинги дастлабки йилларда жами экспортнинг деярли 1/3 қисми АҚШ га тўғри келган бўлса, 90 йилларнинг бошларига келиб 1/8 қисмини ташкил этди, ҳолос. Шу даврда фақат уч мамлакат: Жанубий Корея, Сингапур ва Гонконгнинг умумий экспортдаги ҳиссаси 6 фоиздан кўпроқни ташкил этди.

Жаҳон савдоси ривожланишининг бу хусусиятлари юқори даражада ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши динамикасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Ташқи савдо товар обороти, айниқса, Жануби-Шарқий Осиёнинг «янги саноати тараққий этаётган мамлакатларида», Хитой, Туркия ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда юқори суръатларда ўсмоқда. Бироқ шунга карамай, жаҳон савдосида етакчи ўринни ҳали ҳам АҚШ, Фарбий Европа давлатлари, Япония эгалаб келмоқда.

Жаҳон савдоси умумий қиймати 1997 йил охирида 6,6 трлн. АҚШ доллари тенг бўлди. Унинг 5,3 трлн. доллари (80,3%) товарлар, 1,9 трлн. доллари (19,7%) хизматларга тўғри келди. 2002 йилда жаҳон савдосининг умумий қиймати 13 трлн.

долларга етди. Йилига жаҳон савдо айланмасида 6-7% га тенг миқдорда ўсиш кузатилмоқда,

Жаҳон савдо алоқаларида ГАТТ (General Agreement on Trade and Tariffs-GATT) келишувининг аҳамияти катта. ГАТТ битими 1948 йил 1 сентябрда 23 та давлат томонидан имзоланган. Ушбу Савдо тарифлар бўйича Бош келишув дастлаб уч қисмдан иборат эди.

1964-1968 йилларда ривожланаётган мамлакатлар тазйиқи остида ГАТТ нинг тўртинчи қисми ишлаб чиқилди. ГАТТ моддалари бир қатор постулатлар учун ҳуқуқий асос бўлган:

- ўзида энг қулай шароит яратиб бериш тартибини акс эттирувчи ўзаро ён бериш тамойили;
- барча иштирокчи давлатлар билан бир хил муносабатда бўлиш тамойили (бу иқтисодий кучсиз мамлакатларни камситмасликни назарда тутати);
- савдода божхона тарифлари ва тарифсиз чеклаш усулини аста-секин камайтириб бориш тамойили (ташқи савдони эркинлаштиришни назарда тутати);
- ташқи иқтисодий фаолият соҳасида қарорлар қабул қилишдан олдин кўп томонлама маслаҳатлар ўтказиш лозимлиги;
- хусусий - ҳуқуқий асосда савдо муносабатлари олиб бориш тамойили, ушбу тамойил савдода давлат монополияси сиёсатини амалга ошираётган СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг киришига йўл қўймаганликни англатади.

ГАТТ нинг пировард мақсади - халқаро эркин савдо муносабатларини ўрнатишдир. ГАТТ нинг Уругвай раундида 125 та мамлакат қатнашди ва кўп томонлама музокаралар 97 ой давом этиб 1994 йилда Мароккода (Марокаш) барча иштирокчилар қарорига кўра Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) халқаро савдонинг ягона ҳуқуқий ва институтчионал асоси деб тан олинди.

УСТ нинг асосий тамойиллари:

- дискриминациясиз савдо (савдо учун қулайликлар яратиш мажбурияти);
- савдода тарифсиз чеклашларни аста-секин бартараф этиб бориш;
- бозорга кириш йўларини узлуксиз кенгайтириб бориш;
- адолатли, соф рақобатга кўмаклашиш;
- ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларни рағбатлантириш.

Ҳозирда УСТ га 148 та давлат аъзо бўлиб 5 та мамлакат УСТ нинг барча шартларини бажарган, аммо ҳали битим имзолангани йўқ, 30 та давлат (Ўзбекистон ҳам) бу ташкилот билан ўз муносабатларини турли босқичида турибди. 1994 йил июн ойида Ўзбекистон республикаси ГАТТ нинг кузатувчиси мақомини олди. УСТ штаб квартираси Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, секретариат бош директори Р.Ружеро.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданок ташқи савдо алоқаларини сезиларли даражада фаоллаштирди. Бу алоқалар республика савдо балансида ижобий қолдиққа (сальдо) эришиш, импорт ва экспорт тузилишини яхшилашга йўналтирилган эди.

2005 йилда республиканинг ялпи ташқи савдо обороти 9,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. (4.1.-4.2. жадваллар)

Республикамызда ташқи савдони ривожлантиришнинг муҳим муаммоларидан бири экспорт ва импорт тузилишини тубдан ўзгартириш ҳисобланади.

Жадвалдан кўришиб турибдики, экспорт тузилишида машина ва асбоб-ускуналар ҳиссаси сезиларли даражада юқори бўлишига қарамай, ҳали ҳам хом ашё материалларининг ҳиссаси кўпроқ. Булар ичида пахта толаси ва бошқа товарлар олдинги ўринни эгаллайди. Саноатнинг қайта ишловчи тармоқларини келажақда ривожлантириш республикага четга маҳсулотларни олиб чиқишда, енгил ва оғир саноатдаги тайёр буюмлар ҳиссасини тезда кўтаришга ва экспорт тузилишини яхшилашга имкон беради.

Импортга назар ташласак, машина ва асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш учун хом ашёнинг ҳиссаси юқоридир.

Импорт ҳажмида машина ва асбоб-ускуналарнинг юқори ҳиссаси иқтисодий қайта қуриш ва янги корхоналарни барпо қилиш даврида бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ўсиши билан изоҳланади. Келажақда импортда озиқ-овқатлар ҳиссасини камайтириш кўзда тутилмоқда. Бу республикада амалга оширилаётган озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш сиёсати билан боғлиқдир. Иқтисодий имкониятлар Ўзбекистонга яқин келажақда озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш учун хом ашёни кенг кўламли экспорт қилишга имкон беради. Республика ўзининг савдо соҳасидаги шериклари доирасини кенгайтирмоқда, улар қаторига МДҲ мамлакатлари билан бир қаторда, Бельгия, Голландия, Франция, Туркия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Индонезия, Польша, Малайзия ва бошқалар киради.

Республикада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириб бориш, миллий иқтисодиёт кўтарилиши ва унинг тузилишининг такомиллашувига ёрдам беради, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини оширишни таъминлайди.

2. Ташқи савдо контрактлари.

Ташқи савдо операциялари турли мамлакатлардаги шерикларнинг маълум изчиликда амалга ошириладиган ҳаракатларини ифодалайди. Бу ҳаракатлар бозорни ўрганиш, унинг рекламаси, сотиш тармоқларини яратиш, тижорат таклифларини ўрганиш, музокаралар ўтказиш, контрактлар тузиш ва уни бажаришни ўз ичига олади. Контракт битим қатнашчилари, яъни шериклар ўртасидаги тижорат муносабатлари расмийлаштириладиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Савдо соҳасидаги битимнинг бошқа бир қатнашчиси шерик-контрагент деб аталади.

Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда шериклар сифатида мулкчиликнинг ҳар қандай шакли ва иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги корхона ва ташкилотлар қатнашиши мумкин. Булар саноат ва қишлоқ хўжалик, савдо ва капитал курилиш, транспорт ва телекоммуникация, банк ва молия тизими, шунингдек, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлардир. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида сотувчи ва харидорнинг топшириғи бўйича уларни бир-бири билан учраштирувчи, битимлар тузишга ёрдам берувчи, бироқ, уларда бевосита қатнашмайдиган воситачиларга катта роль ажратилади. Бундан ташқари, бир қатор ихтисослашган импорт-экспорт билан шуғулланувчи корхоналар, ташкилотлар олди-сотдиларни ўз ҳисобидан ёки битимларга воситачилик қилиш тартибида амалга оширадilar. Жаҳондаги товар айирбошлашларнинг ярмидан кўпроғи савдо воситачилари ёрдамида амалга оширилади. Республикада фақат ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини олганларгина ташқи савдо битимларининг қатнашчилари бўлиши мумкин.

Ҳар қандай савдо операцияси бозорни ўрганишдан бошланади. Талаб ва уни кенгайтириш йўллари, нарх даражаси ва ўзгариши тенденцияси, рақобатнинг кескинлиги, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва ривожлантириш имкониятлари ва ҳоказолар ўрганилади. Контрактларни тузиш бўйича тайёрлов ишларининг муҳим босқичи чет элик шерикни аниқлаш, унинг фаолияти хусусияти ва ҳажмини, ҳуқуқий ва

молиявий аҳволини ва ишончлилигини ўрганиш ҳисобланади. Бу ишнинг сифати бозорлар, маҳсулот нархлари, мижозлар ҳақидаги маълумотлар, яъни тижорат маълумотларига боғлиқдир. Бу маълумотларни тўплаш ва тарқатиш махсус давлат ташкилотлари, Савдо палаталари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, кутубхоналар, маслаҳат ва ахборот берувчи фирмалар, ваколатхоналар, дипломатик ва савдо вакиллари томонидан амалга оширилади. Тижорат маълумотларининг муҳим манбаи савдо соҳасидаги шериклар ҳақидаги асосий маълумотларни ўз ичига олувчи тўпламлар ҳисобланади.

Ташқи савдо битими қатнашчиларидан бири ўз шеригини аниқлагандан сўнг, унга таклиф киритади. Бу таклиф «оферта» деб юритилиб, қатъий ва эркин бўлиши мумкин.

Қатъий таклиф - бу фақат бир харидорга маҳсулотни сотиш учун қилинган таклиф бўлиб, таклиф қилган томон бу харидордан жавоб олмагунча ёки таклифда кўрсатилган муддат тугамагунча бошқа шерикка мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Агар харидор қилинган таклифга розилигини билдирса, у ҳолда битим тузилган ҳисобланади.

Эркин таклиф - бу сотувчини боғлиқ қилиб қўймайдиган ҳамда жавоб учун муддат белгиланмаган таклифдир. Бунда сотувчи бир неча харидорга бир вақтда таклиф қилиши мумкин. Агар улардан бири сотувчига ўз розилигини билдирса, у ҳолда битим тузилган ҳисобланади, Битимлар харидор ташаббуси билан ҳам тузилиши мумкин. Бу ҳол харидор бир ёки бир неча шерикларга мол етказиб беришга талаб билдирса юз беради. Контрактларни тузиш бўйича тайёрлов ишлари музокаралар билан яқунланади. Бу музокараларга шериклар, асосан уларнинг тижорат муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат - контрактнинг тайёр лойиҳалари билан чиқадилар.

Контрактда аниқланадиган шартларга кўра, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- узоқ муддатли (3-5 ва ундан ортиқ йилга), бу объектлар қуриш, қўшма ишлаб чиқариш, молларни мунтазам етказиб бериш ва шу кабилар;
- бир марталик - бу шериклар ўртасида бевосита алоқаларни тез айирбошлаш мақсадида тузилади;
- муддатли - маҳсулотни қатъий белгиланган вақтда етказиб беришни кўзда тутати. Бу шарт бузилганда харидор контрактдан воз кечиш ҳуқуқига эга;
- махсус - бу лойиҳа ва монтаж ишларига, техник хизмат кўрсатишга, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ва шу кабилар юзасидан тузилади;

- чегаравий - битимнинг асосий шартларига эга бўлиб, улар ишларни бажариш мобайнида аниқланади;

- ниятлар ҳақидаги шартномалар - бунда фақат сотувчининг маълум маҳсулотларни сотиш нияти ва харидорнинг уларни қатъий мажбуриятларсиз сотиб олиш нияти белгиланади.

Жаҳон амалиётида битимларни тайёрлашни енгиллаштириш мақсадида бир неча бўлимлар ёки қисмларни ўз ичига олувчи бир шаклдаги контрактлар қўлланилади:

1. Томонларни аниқлаш, яъни сотувчи ва харидор сифатида қатнашувчи корхона ва ташкилотларнинг номи.

2. Контрактнинг предмети ёки шартнома тўрини ва олди-сотдига мўлжалланган маҳсулотни таърифлаш.

3. Мол етказиб беришнинг базис шартлари, сотувчи ва харидор ўртасидаги маҳсулотларни ташиш, унинг ҳақини тўлаш, хужжатларни расмийлаштириш бўйича мажбуриятларни тақсимлайди, шунингдек маҳсулотга эгалик ҳуқуқини сотувчидан харидорга ўтиш ҳолатини аниқлайди. Шу шартлар бир шаклга келтирилган ҳисобланиб, умумий равишда қабул қилинган атамалар билан белгиланади.

4. Етказиб бериш муддати - унда маҳсулотни муддатдан аввалроқ етказишга рухсат олиш ҳуқуқи ва тартиби келишиб олинади.

5. Маҳсулот миқдори - у асосан физик бирликларда кўрсатилади.

6. Нарх ва контрактнинг умумий баҳоси. Контракт нархлари ички нархлардан, шунингдек прејскурант нархлардан сезиларли фарқ қилиши мумкин ва тижорат сири ҳисобланади.

7. Тўлов шартлари - маҳсулот қандай шартларда сотилишини, ҳисоб-китоб шакли ва тартибини, кафолат турларини, контрактдаги ТЎЛОВ шартларининг бузилишига қарши ҳимоя тадбирларини ва бошқаларни аниқлайди. Маҳсулот тўлов ёқн кредит шартларида сотилиши мумкин.

8. Маҳсулотларни ўраш ва маркировкалаш. Маҳсулотларни ўраш шакли мол етказиб беришнинг базис шартлари билан аниқланади. Маркировкалаш бу ҳар бир юкни ўрашга бериладиган шартли белги бўлиб, юкни ташиш ва олувчига топшириш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олади. У халқаро меъёрлар ва харидорларнинг махсус талабларига мувофиқ бажарилади.

9. Сотувчиларнинг кафолатлари, яъни уларнинг харидорга маълум сифатдаги маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятлари. Бунда кафолат муддати мобайнида қандайдир камчилик

топилганда харидорнинг сотувчига даъво қилиш ҳуқуқи келишиб олинади.

10. Суғурта қилиш юкларни ташишда юз берадиган йуқотишларни қоплашни кўзда тутлади. Контрактнинг бу бўлимида суғурта қилиниши лозим бўлган хавф-хатарлар санаб ўтилади.

11. Енгиб бўлмас кучлар ҳолати ёки «форс-мажор» ҳолати - бу фавқулотда ҳодисалар бўлиб, уларни олдиндан билиш ва олдини олиш мумкин эмас (ер қимирлаш, сув тошқини, ёнғинлар, ҳарбий ҳаракатлар, ҳукумат тадбирлари ва бошқалар). Контрактда томонлар «форс-мажор» ҳолатларни келишиб оладилар ва улар юз берганда шартнома қатнашчилари ўз мажбуриятларидан озод бўлишлари мумкин.

12. Санкциялар ёки контракт шартлари бузилганда қўлланиладиган таъсир этиш тадбирлари. Бу маҳсулотни етказиб бериш муддатини, тўлов мажбуриятларини бузгани, ҳужжатларни тақдим этишда кечиккани учун жарималар бўлиши мумкин. Жарималардан ташқари, контрактда, шунингдек, шартнома бузилиши натижасида сотувчи ёки харидор куриши мумкин бўлган зарарни қоплаш ҳам кўзда тутилади.

13. Низоларнинг арбитраж ва суд томонидан кўриб чиқиши томонлар ўртасида жиддий келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда кўзда тутилади.

14. Контрактнинг бошқа шартлари жумласига контрактларни тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби, даъволарни биддириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддати, юклаш бўйича қойдалар ва маҳсулотни етказиб бериш ҳақидаги хабар ва бошқалар киради.

Халқаро савдода одди-сотди контрактларидан ташқари, шунингдек пудрат контрактлари, ижара контрактлари ва муқобил савдодаги контрактлар тузилади.

Пудрат контрактларининг хусусияти шундаки унинг предмети бўлиб одди-сотдига мўлжалланган товар эмас, балки иш ва хизматнинг турли кўринишлари ҳисобланади: лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш, якка тартибдаги буюртмалар бўйича машина ва асбоб-ускуналар тайёрлаш, маслаҳат ва бошқа хизматларни кўрсатиш. Бунда битим қатнашчиларидан бири буюртмачи, буюртмани бажарувчи эса пудратчи ҳисобланади.

Ижара контрактларида мулкни қарзга олиш муносабатлари расмийлаштирилади, яъни бир мамлакат ижарага берувчисининг бошқа мамлакат ижарачисига маълум ҳақ ҳисобига мулкни вақтинчалик фойдаланишга бериш жараёни

тартибга солинади. Ижарага асбоб-ускуналар, машиналар, транспорт воситалари, шунингдек бутун саноат корхоналари берилиши мумкин. Амалда қисқа муддатли (рейтинг), ўрта муддатли (хайринг) ва узоқ муддатли (лизинг) ижара турлари мавжуд.

Муқобил савдо деб, маҳсулотни четга чиқарувчининг шу маҳсулотни экспорт қилинаётган товарларнинг пуллик қийматига ёки маълум бир қисмига тўғри келадиган товарларни сотиб олишдаги муқобил мажбуриятларини кўзда тутувчи ташқи савдо операцияларига айтилади. Импорт қилувчининг товарни сотиб олиш мажбуриятлари ва экспорт қилувчининг муқобил мажбуриятлари ягона ҳужжатда, яъни битим ёки контрактда қайд этилади.

3. Жаҳон хизматлар бозори.

Замонавий мамлакатлар иқтисодиётининг хусусияти шундаки, унинг тузилишида хизматлар соҳасининг ҳиссаси кўпайиб бормоқда. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан моддий ишлаб чиқаришдан номоддий ишлаб чиқаришга ва аҳолига хизмат кўрсатишга ўз фаолиятини қаратган янги тармоқлар ажралиб чиқмоқда. Бу фаолиятнинг натижалари товарлар эмас, балки буюмлашган ноёб истеъмол қийматлари - хизматлар ҳисобланади. Уларга транспорт, алоқа, меҳмонхона хўжалиги, туризм, таълим, фан, соғлиқни сақлаш, молия ва суғурта, шунингдек ахборот билан таъминлаш, маслаҳат бериш, воситачилик ва бошқа хизматлар киради. Бу хизматларнинг ҳажми ва турлари юқори суръатлар билан ўсмоқда ва улар жаҳон савдосига кенгроқ жалб этилмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда жаҳондаги хизматлар экспорти товарлар экспортининг тахминан 25 фоизини ташкил этади. Унинг тузилишида транспорт хизматларининг ҳиссаси аста-секин пасайиб, туризм, молия ва ахборот билан таъминлашнинг, экспорт қилинаётган товарларга сотилгандан сўнг хизмат кўрсатишнинг ҳиссаси кўпаймоқда.

Товарлардан фарқли равишда уларнинг савдоси ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида бевосита алоқа орқали, яъни воситачиларсиз амалга оширилиши мумкин. Хизматлар халқаро савдосининг иккинчи хусусияти шундаки, хизматлар товарлар савдосига нисбатан давлат томонидан кўпроқ тартибга солинади. Бу кўплаб мамлакатларда хизмат соҳасининг сезиларли қисми тўла ёки қисман давлат мулки ҳисобланган ёки давлат томонидан ёрдам олиш ва шу сабабли унинг назоратида иш юритиши билан боғлиқ.

Жаҳон бозорида турли мазмундаги хизматлар кўрсатилади, шунинг учун улар алоҳида бозорларга ажратилган, яъни лицензиялар, муҳандислик-маслаҳат хизмати, туризм хизматлари ва бошқалар. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишида фан-техника тараққиёти аҳамиятининг ошиб бориши билан лицензиялар савдоси ёки лицензиялар олди-сотдиси тобора кенгаймоқда. Лицензия - бу бир шахснинг кашфиёт, маҳсулотнинг янги тури, технология, товар белгисига бўлган мулкчилик ҳуқуқидан маълум шартларда фойдаланишига рухсатдир.

Кашфиётларга нисбатан патентли ва патентсиз лицензиялар мавжуд. Патентли лицензия - бу ҳужжат ҳисобланиб, унга мувофиқ патент эгаси бошқа шахсга унга тегишли кашфиётдан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Патентлар махсус давлат ташкилотлари томонидан берилади ва кашфиётга бўлган муаллифлик ва эгаллик ҳуқуқини тасдиқлайди. Патентсиз лицензиялар ёрдамида ишлаб чиқариш, молия, бошқариш соҳасида техник билимлар ва амалий тажрибаларни айирбошлаш патент билан ҳимояланмаган муносабатлар расмийлаштирилади.

Муҳандислик-маслаҳат хизматлари савдоси деганда, лойиҳалаштиришда техник-иқтисодий асослаш ва тадқиқотлар ўтказиш, чизмаларни тайёрлаш ва харажатлар сметаси, молиялаштириш дастурларини тузиш ва шу кабилар бўйича хизматлар олди-сотдиси тушунилади. Бу хизматлар лойиҳани амалга оширишда интеллектуал ҳиссани таъминлайди ва объектнинг сифати, қиймати, қурилиш муддати каби кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган.

Лицензия савдоси ва муҳандислик-маслаҳат хизматлари савдоси технологияларни беришнинг муҳим шакли ва халқаро айирбошлашнинг энг ривожланаётган кўриниши ҳисобланади. Улар товарларни олди-сотди контрактларидан ўз мазмунини жиҳатдан фарқ қилувчи лицензия шартномасида расмийлаштирилади. Бу шартнома лицензияни сотувчи ва лицензияни олувчи учун қатор шартларни ўз ичига олади. Масалан, олинган технологиядан фақат маълум чегараларда фойдаланиш ёки товар белгиси ва номини қўллаш ҳуқуқи мажбуриятлари.

Чет эл алоқаларининг кенгайиши ва аҳоли фаровонлигининг ўсиши, хорижий туризм ривожланишига олиб келди. Чет элга дам олиш, даволаниш, шунингдек спорт мусобақалари, илмий анжуманлар, семинарлар, иш бўйича музокараларда қатнашиш мақсадида ёки қариндошлар,

дўстларни кўриш учун борувчи одамларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Шунга мувофиқ, халқаро туризмнинг учта асосий кўриниши мавжуд: рекреацион, илмий ва ишчан. ҳажми ва ривожланиш йуналишларига кўра рекреацион туризм аҳамиятли ҳисобланади. Кўплаб мамлакатларда туризмнинг бу кўриниши улар валюта даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон рекреацион туризмни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Республика қадимий ёдгорликлари, чиройли ва турли-туман табиий-географик шароитлари, бой анъаналари билан кўплаб хорижий сайёҳларни ўзига жалб этади. Бироқ бу тармоқ моддий-техника базасининг етарли даражада ривожланмаганиги, юқори малакали бошқарувчи ходимларнинг етишмаслиги уни кенгайтиришни тўхтатиб турибди. Республикада чет эл инвестицияларини меҳмонхона ва сайёҳлик мажмуаларида кўришга жалб этиш, ходимларни тайёрлаш, шу жумладан хорижий туризм инфраструктурасини ривожлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга тадбиқ этилмоқда.

Асосий тушунчалар:

1. Халқаро савдо -мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари мажмуасидир.
2. Экспорт операцияси -маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқариш.
3. Импорт операцияси -маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш.
4. Рэкспорт операцияси -аввал импорт қилинган ва қайта ишлаб берилмаган маҳсулот.
5. Реимпорт операцияси - аввал экспорт қилинган ва қайта ишлаб берилмаган маҳсулотни чет элдан олиш.
6. Ташқи савдо баланси -мамлакатнинг товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти нисбатини ўзида акс эттирувчи вазият.
7. Ташқи савдо операциялари -турли мамлакатлардаги шерикларнинг маълум изчиликда амалга ошириладиган ҳаракатлари.
8. Ташқи савдо контракти -хорижий шериклар ўртасидаги тижорат муносабатлари расмийлаштириладиган ҳужжат.
9. «Оферта» -ташқи савдо битими қатнашчиларининг ўз шеригига киритадиган таклифи.
10. Эркин таклиф -сотувчини боғлиқ қилиб қўймайдиган ҳамда жавоб учун муддат белгиланмаган таклиф.

11. Қатъий таклиф - жавоб учун муддат белгиланган ва сотувчини боғлиқ қилиб қўювчи таклиф.
12. Мол етказиб беришнинг базис шартлари - сотувчи ва харидор ўртасидаги мажбуриятларни тақсимловчи шартлар.
13. Ижара контрактлари - мулкни қарзга олиш муносабатлари расмийлаштирилган ҳужжат.
14. Патентли лицензия - патент эгасининг унга тегишли кашфиётдан бошқа шахс фойдаланиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Назорат саволари:

1. Ташқи савдо вужудга келишининг объектив шарт-шароитлари қандай:
 - а) янги ерларни босиб олиш ва сиёсий таъсир соҳасини кенгайтириш;
 - б) табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлараро текис тақсимланганлиги, турли мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир хилда ривожланмаганлиги;
 - в) сиёсий ва маданий.
2. Ташқи савдо халқаро айирбошланишнинг қандай кўринишларини ўз ичига олади:
 - а) маҳсулотларни айирбошлаш;
 - б) хизматларни айирбошлаш;
 - в) янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш;
 - г) саналганларнинг барчаси.
3. Ташқи савдо операциялари қандай турларга бўлинади:
 - а) экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт;
 - б) бир марталик, муддатли, махсус;
 - в) чегаравий, узоқ муддатли, ниятлар ҳақида.
4. Реэкспорт операцияси бу:
 - а) маҳсулотни чет элга олиб чиқиб, хорижий шерикларга сотиш;
 - б) аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет эздан сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш;
 - в) аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотиш.
5. Ҳозирги даврда халқаро савдо ривожланишининг хусусиятлари қандай?
6. Ўзбекистонда ташқи савдони ривожлантириш қандай муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган?
7. Ташқи савдо контракти ўзида нимани акс эттиради?
 - а) турли мамлакатлардаги шерикларнинг тижорат муносабатлари расмийлаштириладиган ҳужжат;

- б) бир мамлакат юридик шахси бошқа мамлакат юридик шахси билан тузадиган битим;
- в) бир мамлакатдан бошқасига товарларни етказиб бериш мажбуриятларини ўз ичига олувчи ҳужжат.
8. Тижорат маълумотларининг аҳамияти ва уни олиш манбалари қандай?
9. «Оферта» нима:
- а) маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш;
- б) ташқи савдо битими қатнашчиларидан бирининг ўз шеригини аниқлагандан сўнг унга қилган таклиф;
- в) маҳсулотни чет элга олиб чиқиб, хорижий шерикларга сотиш.
10. Шерикнинг қандай таклифи қатъий деб аталади:
- а) сотувчини боғлиқ қилиб қўймайдиган ҳамда жавоб учун муддат белгиланмаган таклиф;
- б) сотувчи томонидан бир неча харидорга маҳсулотни сотиш учун бир вақтда қилинган таклиф;
- в) маҳсулотни фақат бир харидорга сотиш учун қилинган таклиф.
11. Ташқи савдо контрактлари улардаги шартларга кўра қандай турларга бўлинади?
12. Бир шаклдаги олди-сотди контрактларининг асосий бўлимлари қанақа?
13. Мол етказиб беришнинг базис шартлари деганда нима тушунилади:
- а) сотувчи ва харидор ўртасидаги маҳсулотларни ташиш, унинг ҳақини тўлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мажбуриятларнинг тақсимланиши;
- б) етказиб бериш муддати ва тўлов шартлари;
- в) маҳсулот нархи ва миқдори.
14. Пудрат контрактларининг хусусиятлари қандай?
15. Ижара контрактларида қандай муносабатлар расмийлаштирилади ва амалда қандай ижара турлари мавжуд?
16. Қандай савдо «муқобил» деб аталади?
17. Хизматлар савдосининг хусусиятлари қандай?
18. Лицензия савдоси ва муҳандислик-маслаҳат хизматлари савдосининг аҳамияти нима билан аниқланади?
19. Халқаро туризмнинг қандай кўринишларини биласиз?
20. Уларнинг қайсиларини ривожлантириш учун Ўзбекистон катта имкониятларга эга?

8-боб. Жаҳон валюта тизими

1. Жаҳон валюта тизимининг зарурияти, моҳияти ва ривожланишининг асосий босқичлари

Ҳар қандай халқаро битим ўзаро ҳисоб-китоблар билан кузатилиши сабабли биринчи навбатда уни қайси пул бирлигида амалга ошириш масаласи туради. Шунинг учун битим иштирокчиси жаҳон бозорида бирор-бир товар ёки хизматни сотар ёки сотиб олар экан, ўзининг миллий валютаси бошқа мамлакатларнинг пул birlikлари билан қандай нисбатда эканлигини, улардан қайси бири барқарорроқ ва жаҳон бозорида қай даражада талабга эга эканлигини билиши керак. Бу унга хорижда ташқи иқтисодий операциялар олиб боришга зарур бўлган валюта захирасини ўзида яратиш имконини беради.

Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар оқими кўпайган сари, пул-молия воситалари айирбошлаш ҳам тобора кўпайиб боради, ўзаро ҳисоб-китоблар мураккаблашади, натижада бундай ҳисоб-китобларни тартибга солиб туриш, тезлаштириш ва капитал ҳаракати учун кенг йўл очишга хизмат қилувчи жаҳон валюта тизими шаклланишига объектив шарт-шароит яратилади.

Жаҳон валюта тизими тарихан мамлакат ичида ва ташқарисида нормал тўловларни таъминловчи миллий валюта тизимларининг ривожланиши асосида юзага келган. XIX аср бошларида турли мамлакатлар ўртасида халқаро айирбошлашнинг кенгайиши, уларнинг миллий валюта тизимлари ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш зарурлигига олиб келди.

Дастлаб бундай ўзаро алоқа «олтин стандарт» базасида амалга оширилди, яъни олтин пулнинг асосий шакли бўлган пул тизимида олиб борилди. Олтин стандарт киритилган мамлакатларда давлат қонуний тартибда миллий валютада олтиннинг миқдорий ҳажмини ўрнатади, ички бозорда муомалага чеklangан миқдорда олтин тангаларни чиқаради, бошқа пуллар унга нисбатан бўйсунувчи рол ўйнайди ва исталган пайтда олтинга эркин айирбошланиши мумкин бўлади. Ундан ташқари давлат барча товарлар баҳосини олтин birlikларида ҳисоблайди, олтинни эркин олиб келишга ва олиб чиқишга рухсат беради. Демак, миллий валюта баҳоси олтинга боғланган экан. биринчидан, ҳар бир мамлакат ҳукумати олтин билан таъминланиши мумкин бўлган миқдорда қозғол пулларни чиқаришга ҳаракат қилади, бу эса ортиқча пул эмиссиясини ва у билан боғлиқ инфляцияни тухтатиб туради; иккинчидан,

турли миллий валюталар ўртасидаги ўзаро нисбатлар қайд этилган, нисбат доимий бўлиб, халқаро ҳисобларда барқарорликни таъминлайди. Масалан, агар 1929 йилда бир фунт стерлинг 7,32 г соф олтинни, АҚШ доллари 1,5 г соф олтинни ташкил этган бўлса, улар ўртасидаги ўзаро нисбат ёки олтин паритети (тенглиги) 1 ф. с. = 4,86 АҚШ доллари бўлган.

XIX аср ўрталаридан XX аср бошларигача олтин стандарт асосан бир гуруҳ юқори ривожланган мамлакатларни қамраб олган мукамал пул тизими ҳисобланган. 1913 йилда уч етакчи давлат- АҚШ, Буюк Британия, Франция ҳиссасига жаҳон олтин - монетар муомаласининг 62 фоизи ёки 3,5 минг тонна олтин тўғри келган.

Шу билан бирга, ўша даврлардаёқ халқаро ҳисоб-китобларда олтинга қараганда қулайроқ бўлган қоғоз пуллардан фойдаланилган. Иқтисодчиларнинг баҳолашича 1894 йилда халқаро тўлов оборотида олтин улуши бор йўғи 3,5 фоизни ташкил этган, яъни банкларо ҳисоб-китоблар асосан валюталарда амалга оширилган. Бу даврда Буюк Британия етакчи иқтисодий ва молиявий давлат бўлган ва фунт стерлинг олтин каби халқаро тўловларда эркин муомаладаги асосий валюта ҳисобланган. Шунингдек, АҚШ доллари, Франция франки ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг пул бирликларидан ҳам кенг фойдаланилган. Миллий валюталарнинг бир мамлакатдан бошқасига «ўтиб юриши» уларга бўлган талаб ва таклифга, улар ўртасидаги нисбатга таъсир қилиб турган ва натижада уларнинг бозор курси яратилган.

Миллий валюталарнинг бозор курслари олтин паритетдан олтинни тўлов учун ташиш билан боғлиқ бўлган транспорт харажатлари миқдорига фарқ қилган. Бундай фарқ унчалик сезиларли даражада бўлмай нисбатан барқарор бўлган, шунинг учун ҳам валюта курслари амалда қайд этилган ҳисобланган.

Кейинчалик барча мамлакатлар томонидан қоғоз пулларни олтинга алмаштириш тўхтатилди, унинг муомала соҳаси кескин торайиб, улгуржи ва халқаро оборотлар билан чекланди, олтин билан бўладиган операцияларни фақат марказий ва йирик хусусий банклар амалга оширадиган бўлдилар. Халқаро операцияларда етакчи ўринни кредит ва қоғоз пуллар эгаллай бошлади, уларнинг баҳоси энди олтинга боғланмаган эди. Давлатлар пул чиқаришни кўпайтира бошладилар, инфляция кучайиб борди, бу эса пул-молия ҳисоб-китобларида зарур бўлган маълумотлар чалкашлигига олиб келди. Икки жаҳон урушлари ўртасидаги даврда иқтисодий ҳамда сиёсий

вазиятнинг беқарорлиги чуқур инқирозга ва пировардида жаҳон валюта тизимининг тарқалиб кетишига олиб келди.

Уруш ва урушдан кейинги давр жаҳондаги етакчи мамлакатлар ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди ва бу ўзгаришлар халқаро иқтисодий муносабатлар, шу жумладан валюта муносабатлари характериға таъсир этди.

Бу муносабатларда АҚШ нинг мавқеи кескин ошди ва шунга мувофиқ унинг миллий валютаси -долларнинг роли ҳам ўсиб борди. Урушдан кейинги давр воқелигини ва хусусиятини ҳисобга олувчи янги жаҳон валюта тизимини шакллантириш зарурати туғилди. Янги валюта тизимининг асослари 1944 йилда, Бреттон-Вудсда (АҚШ) бўлиб ўтган валюта-молия масалалари бўйича халқаро конференцияда қўйилган. Бреттон-Вудс жаҳон валюта тизимининг хусусияти шундан иборатки, унда олтиннинг миллий валюталар қийматини ўлчаш воситаси, халқаро резервларнинг асосий шакли ва тўлов баланси тақчиллигини қоплаш воситаси сифатидаги роли қайта тикланган. Аммо бу вақтда АҚШ доллари халқаро валюта муносабатларида асосий роль ўйнагани сабабли, олтинга нисбатан эркин айирбошланди, яъни бу валюта амалда халқаро тўловларда олтиннинг тенг ҳуқуқли эквиваленти бўлиб чиқа бошлади. Давлатлар ўз валюталарининг олтин миқдорини ўрнатдилар ва шу билан уларнинг бозор курси ҳам олтинга, ҳам долларга нисбатан қайд этилди.

Бреттон-Вудс валюта тизимининг бошқа муҳим хусусияти - халқаро валюта тизимининг биринчи бор ташкилий жиҳатдан тузилганлиги эди. Махсус ташкил этилган Халқаро валюта фонди ва Умумжаҳон банки бу ташкилотларга аъзо-мамлакатлар ўртасидаги валюта-молия муносабатларини тартибга солиб туришлари лозим эди, яъни жаҳон валюта бозорида интизом қондаларини, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибларини ўрнатиш, валюта курслари ҳаракатини бошқариш, мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар. 60- йилларнинг бошларида халқаро иқтисодий муносабатларда Ғарбий Европа мамлакатлари ва Япониянинг иқтисодий имкониятлари тикланди ва роли фаоллашди, халқаро тўлов оборотини доллар билан тўлиб бориши ва АҚШ тўлов балансида тақчилликни (дефицит) кучайиб бориши шароитида етакчи миллий валюталар курсини белгиловчи, долларда мужассамлашган олтиннинг расмий баҳоси тобора ноҳаққоний бўла борди. Дастлаб Халқаро валюта фондида қатнашувчи-мамлакатлар томонидан олтиннинг бозор баҳосини барқарорлаштиришга қаратилган махсус битим қабул

қилинди. 1969 йилда халқаро пул бирлиги-СДР қабул қилинди, 1971 йилда долларни олтинга алмаштириш тўхтатилди, бунинг натижасида миллий валюталарнинг олтин билан ҳар қандай алоқаси йўқолди ва уларнинг баҳоси юқори даражада валюта бозоридаги талаб ва таклифга боғлиқ бўлиб қолди: ХВФ га аъзо-мамлакатлар аста-секин «сузиб юрувчи» курсларга ўта бошладилар. ХВФ га аъзо-мамлакатлар 1976 йилда Ямайка пойтахти Кингстонда янги халқаро валюта тизимига асос солган битимни имзоладилар.

Халқаро валюта тизими ўз ривожланишининг ҳозирги босқичида қатор хусусиятлари билан ифодаланаяди. Биринчидан: «сузиш» эркинлиги мамлакатларда давлат томонидан чекланса ҳам, «сузиб юрувчи валюта» курслари қоидаси расман тан олинган ва киритилган. («Эркин сузиб юрувчи» валюта курси маълум валютага бўлган бозор талаби ва таъсири остида ўзгариб туриши мумкин.)

Иккинчидан: АҚШ доллари ўзининг асосий валюта сифатидаги аҳамиятини йўқотмоқда ҳамда немис маркаси, Япония иенаси, ЭКЮ (ҳозирда ЕВРО) ва бошқалар тобора халқаро резервлар ва тўлов воситалари сифатида қўлланилмоқда. Учинчидан: жаҳон валюта тизимига собиқ социалистик мамлакатлар жалб қилинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги 90-йилларнинг бошларигача ХВФ фаолиятида қатнашмаган ва амалда жаҳон валюта тизимига тортилмаган эдилар.

1993 йилда 178 давлат ХВФ аъзолари саналиб, социалистик мамлакатлардан фақатгина Корея Халқ Демократик Республикаси ва Куба унинг таркибига кирмаган эди. Туртинчидан: давлатларнинг ХВФ теварагида ягона валюта тизимига бирлашиши алоҳида ҳудудий халқаро валюта тизимлари фаолият кўрсатишини инкор қилмайди, чунки улар жаҳон тизими таркибида ривожланиб бормоқда. Хусусан, 1979 йилда Европа ҳамжамияти мамлакатлари Европа валюта тизимини барпо этдилар. Унда ягона валюта (ЭКЮ) 1999 йил 1 январдан ЕВРО ҳамда валюта курсларини ўрнатиш ва валюта операцияларини амалга оширишнинг ягона механизми мавжуд.

Ҳозирги пайтда жаҳон валюта тизими халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим қисми бўлиб, ташқи савдо операциялари хорижий инвестициялар ва бошқалар бўйича халқаро пулли ҳисоб-китоблар ташкил этишнинг доимо такомиллашиб бораётган шакли ҳисобланади.

Унда қуйидаги асосий таркибий қисмларни ажратиш мумкин:

1. Халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланадиган тўлов ва кредит воситалари:

- олтин;

- юқори даражада ривожланган мамлакатлар миллий валюталари: АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Германия маркаси, Швецария франки, Япония иенаси, яъни резервдаги миллий валюталар;

- халқаро ёки мамлакатлараро ҳисоб-китоб пул бирликлари (СДР, ЭКЮ). 1999 йил 1 январдан ЕВРО

2. Валюта курсларини ўрнатиш ва сақлаб туриш механизми.

3. Валюта бозорларининг ишлаш тартиби.

4. Жисмоний ва юридик шахслар ўртасида халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиб-қоидалари.

5. Валюта муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилиш тизими, шу жумладан валюта чеклашлари, конвертирлаш шартлари.

6. Валюта муносабатларини тартибга солувчи ва жаҳон валюта тизими барқарорлигини таъминловчи халқаро муассасалар тизими (ХВФ, Умумжаҳон банки).

Биринчи элемент - халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланадиган тўлов ва кредит воситалари жаҳон валюта тизимининг асоси ҳисобланади, қолган барчаси амалда мамлакатлар ўртасида уларнинг айланишига хизмат қилишга қаратилган.

Миллий пул бирликларининг халқаро ҳисоб-китобларда қатнашиши мамлакатнинг ривожланиш даражасини, уни жаҳон айирбошлашидаги ўрнини ва ишончли тадбиркор, ишбилармон шерик сифатида ифодалайди.

Ўзбекистон 1992 йилда ХВФ ва Умумжаҳон банкининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди, жадал суръатлар билан халқаро валюта муносабатларини кенгайтирмоқда ва шунинг учун миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қувватини ошириш республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичидаги долзарб вазифа ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрел 14 сессиясида қилган маърузасида валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш, биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш 2000 йилдан бошлаб, миллий валютаимизни эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштиришни йўлга қўйиш ҳақида таъкидлаб ўтган эди.

2. Халқаро валюта-кредит воситалари

Олдинги мавзуда таъкидлаб ўтилдики, замонавий халқаро ҳисоб-китобларда ва кредитлашда уч хил тўлов воситасидан фойдаланилади: олтин, етакчи мамлакатларнинг миллий валюталари ва халқаро пул бирликлари. Ҳозирги вақтда олтин ўзининг асосий тўлов, ҳисоб-китоб воситаси хусусиятини йўқотган бўлсада, у ҳар қандай мамлакат валюта резервларининг асосий қисмини ташкил этади ва ундан айрим ҳолларда, муҳим ташқи савдо операцияларига хизмат кўрсатиш ва кредитларни кафолатлашда фойдаланилади. Жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар миллий валюталаридан халқаро ҳисоб-китобларда янада кенгроқ фойдаланилмоқда. Бундай валюталарни бошқа давлатларнинг Марказий банклари халқаро ҳисоб-китоблар учун ўзларининг резерв воситалари сифатида саклайдилар. Шунинг учун ҳам уларни резерв миллий валюталар дейилади. Кейинги йилларда резерв валюта сифатида халқаро пул бирликларидан ҳам (СДР, ЕВРО) фойдаланилмоқда. Резерв валюта жавоб бериши керак бўлган асосий талаб уни конвертирлашувидир. **Валюта конвертирлашуви** деганда унинг бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади. Конвертирлашув тушунчаси жаҳон валюта тизими ривожланиши билан ўзгариб бори. 30-йилларгача қайд этилган курс бўйича олтинга эркин айирбошланган валюта конвертирланадиган валюта деб ҳисобланган.

Ҳозирги вақтда валюталар эркин **конвертирланадиган**, қисман **конвертирланадиган** ва **конвертирланмайдиган** валюталарга ажратилади.

Эркин конвертирланадиган валюта - бу амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш жорий операциялар (ташқи савдо айирбошлаши, халқаро туризм) ҳамда кредит ва инвестиция операциялари билан боғлиқ бўлган тўловлар бўйича амалга оширилади. Эркин конвертирланадиган валюталарга АҚШ доллари, Канада доллари, Европа ҳамжамияти мамлакатлари, шунингдек Швейцария, Швеция, Япония миллий валюталарини киритиш мумкин. Улардан валюта нархларини аниқлашда фойдаланилади. Масалан, ўта муҳим маҳсулот ҳисобланган нефть ва бошқа энергия ташувчилар, бир қатор металл нархлари АҚШ долларида қайд этилади.

Қисман конвертирланадиган валюта - бу миллий валюта бўлиб, фақат баъзи бир хорижий валюталарга айирбошланади, шунда ҳам халқаро тўлов оборотининг барча турлари бўйича эмас. Масалан, фақат жорий операциялар бўйича тўловга рухсат

берилади ёки ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчилар учун хорижий валютани сотиб олишда ва сотиш ҳуқуқига чеклашлар қўйилади. Бизнинг миллий пул бирлигимиз сўмни қисман конвертирланадиган валюталар қаторига киритиш мумкин.

Конвертирланмайдиган валюта бу фақатгина ички тўлов оборотига хизмат қилади ва хорижий валюталарга айирбошланмайди. Бу миллий ва хорижий валюталарни олиб келиш ва олиб чиқишга, сотиш ва сотиб олишга тақиқлашни кўллайдиган мамлакатлар валютасидир. Улар қаторига кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг миллий валюталари киради. Ички ва ташқи конвертирланиш фарқланади. Ички конвертирланиш резидентларнинг (яъни мамлакатда доимий яшаш жойи бўлган шахсларнинг) мамлакат ичкарисида хорижий валютани сотиб олиш ва ушлаб туриш, у билан айрим операциялар олиб бориши қонулаштирилган ҳуқуқидир. Ички конвертирланиш давлат томонидан чекланган бўлиши мумкин. Мисол учун, хусусий шахслар мамлакат ичида хорижий валютани сотиб олишлари ва эгалик қилишлари мумкин, корхоналар эса ўзларининг барча экспорт тушумларини давлатга топширишга мажбурдирлар.

Ташқи конвертирланишда тўловларни чет элда амалга оширишга ва активларни ушлаб туришга рухсат берилади. Валюталарнинг конвертирланиши кўпчилик мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг муҳим мақсади ҳисобланади ва жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, кўпчилик мамлакатларда рақобатга бардошли саноат базаси ва керакли халқаро резервлар барпо этилгандан сўнг киритилган. Бунда, биринчи босқичда қисман конвертирланиш киритилган (жорий, савдо операциялари бўйича) ва фақат сўнгги босқичдагина капитал харажатлари бўйича ҳам конвертирланиш киритилган.

Масалан, Франция, Италия ҳамда Япония ўз миллий валюталари тўлиқ конвертирланишини фақат 80-йилларнинг охирида жорий этдилар. Ҳозирги вақтда халқаро ҳисоб-китобларда миллий валюталар билан бир қаторда халқаро ёки мамлакатлараро пул бирликлари (СДР, ЭКЮ, ЕВРО) тобора кенг қўлланилмоқда. Миллий валюталардан фарқли равишда, СДР, ЭКЮ банкнот кўринишидаги моддий шаклга эга эмас ва ушбу ҳисоб кредит воситаларини муомалага чиқарган ташкилотда қатнашувчи мамлакатлар Марказий банклари махсус ҳисоб ракамларига ёзиб қўйиш орқали нақдсиз тўловлар учун фойдаланилади. Лекин 1999 йил январидан бошлаб Европа иттифоқига аъзо давлатлар ҳудудида ягона валюта ЕВРО муомилага киритилди. у нақд пул кўринишига эга.

Қарзга берилувчи махсус воситалар (СДР) ХВФ томонидан барно этилган ва 1970 йилдан бошлаб унинг аъзолари ўртасида ўзаро операцияларда, вакил қилинган ушлаб турувчилар учун ва ХВФ билан, бўладиган операцияларда фойдаланиш учун тарқатилади. СДР 1993 йилдан бошлаб актив резерв ролини бажармоқда, унинг улуши ХВФ га аъзо мамлакатлар резерв суммасининг 2,1 фоизини ташкил этади (олтиндан ташқари). Бу халқаро валюта ўз моҳиятига кўра олтин ёки АҚШ долларига муқобил (альтернатив) актив ҳисобланади. СДР бирлиги қиймати ҳар куни «валюта савати» базасида АҚШ долларига ҳисоблаб чиқилади. Валюта саватини 5 етакчи давлатларнинг миллий валюталари АҚШ доллари, немис маркаси, Япония иенаси, инглиз фунт стерлинги, француз франки ташкил этади. Бу 5 валюта ичиде АҚШ доллари энг юқори улушга эга 40 фоиз, шунинг учун ҳам СДР амада доллар курси билан боғлиқ. Бундай ҳолат бу халқаро пул бирлигининг заиф томонларидан ҳисобланади. Унинг курси доллар курсининг тебраниши билан ўзгариб туради. 1994 йилнинг 15 августига СДР қиймати 1,45614 АҚШ долларини 2000 йил 9 май ҳолатига кўра 1.30926 АҚШ долларини ташкил этади.

ЭКЮ-худудий халқаро валюта бирлиги ҳисобланиб, Европа валюта тизимида қатнашувчи мамлакатларда ҳисобкитоб ва кредит функцияларини бажарувчи валюта сифатида 1979 йилдан 1999 гача фойдаланиб келинди. Бу валюта АҚШ долларининг таъсирига қарши ҳамда Европа мамлакатларининг валюта соҳасида ўзаро бирлашувлари мақсадида қабул қилинган. Нақдсиз халқаро пул бирлиги ҳисобланган ЭКЮ 1999 йил январидан бошлаб нақд пул кўринишига эга бўлган жаҳон пулига айланди. Коғоз пуллар 500, 200, 100, 50, 20, 10 ва 5 ЕВРО, тангалар эса, 2 ва 1 ЕВРО, шунингдек, 50, 20, 10, 5, 2 ва 1 центлик бўлади. 2002 йилдан Евро ягона Европа ҳамжамиятига кирувчи 15 давлат миллий пул бирликларининг ўрнини босмоқда. ЭКЮ нинг қиймати эса Европа валюта тизимида қатнашувчи мамлакатлар миллий валюталари, Англия фунт стерлинги ва Греция драхмаси асосида ҳисобланиб келинган эди. Бир ЭКЮнинг қиймати тахминан 1,3 АҚШ долларини ташкил этади ва СДРга қараганда бошқа миллий валюталарга камроқ боғлиқ бўлганлиги сабабли Европа мамлакатларидан ташқарида ҳам юқори талабга эга бўлиб кенгайди. ЭКЮ ўрнига муомалага киритилган ЕВРО жаҳон пулларининг бири вазифасини ўташмоқда. Бошқача айтганда, бу валюта дунё пули вазифасини бажармоқда.

Юқорида санаб утилган барча халқаро тўлов-кредит воситалари, узаро ҳисоб-китобларда, кредитлашда ва валюта резервларини шакллантиришда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчилар томонидан кенг фойдаланилади (эслатиб утиш лозим, СДР ва ЕВРО дан асосан халқаро миқёсда фойдаланилади). Жаҳон валюталарининг ичида АҚШ доллари айниқса актив валюта ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунёнинг энг йирик молиявий маркази бўлган Лондонда, АҚШ доллари қатнашмаган битимлар умумий оборотнинг фақат 3 фоизини ташкил этади. Умуман олганда, халқаро валюта оборотининг 90 фоизи жаҳоннинг 6 та етакчи валютаси ҳиссасига тўғри келади. Улар қаторига АҚШ доллари, немис маркаси, япон иенаси, инглиз фунт стерлинги,, француз ва Швейцария франклари киради.

3. Валютанинг алмаштириш курслари.

Турли мамлакатларнинг валюталари ҳамда халқаро пул бирликлари тузилган халқаро битимларга хизмат кўрсатиш жараёнида ўзаро алмашинадилар ва ҳар қандай айирбошлашда бўлгани каби, бу ерда ҳам уларнинг баҳосини, аниқроғи валюталар курсини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Валюта курси - бу бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирликларида ифодаланган баҳосидир. Валюта курсини ўрнатиш котировкалаш деб аталади. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, яъни миллий "валютада хорижий валютанинг бир бирлигига тўғри келадиган миқдорда кўрсатилса, тўғри котировкалаш деб аталади. Масалан, 2005 йилнинг 28 майига сўмнинг курси 1 АҚШ долларига нисбатан 125,0 сўмни, Россия рублига нисбатан 38 сўмни ташкил этади.

Ундан ташқари тесқари котировкалаш деган тушунча ҳам бор. Тесқари котировкалашда бир бирлик миллий валютанинг хорижий валюталардаги миқдори ўрнатилади, яъни бир бирлик миллий валютанинг хорижий валютадаги баҳоси кўрсатилади, масалан:

1 сўм == 0.0008 АҚШ доллари ёки

1 АҚШ доллари == 1250 сўм

ёки бошқа мисол келтирамиз:

1 сўм == 0.026 Россия рубли ёки

1 Россия рубли == 38 сўм

(2005 йил 28-май ҳолатига кўра)

Кўпчилик мамлакатларда валюталарни тўғри котировкалаш қабул қилинган, фақат Англия фунт стерлинги, Австралия доллари ва ЭКЮ нинг курси тескари котировкалаш ёрдамида ўрнатилиб келинган.

Агарда икки валюта ўртасидаги нисбат қандайдир учинчи валютага нисбатан олинган курсларида аниқланса, бундай нисбатни «кросс-курс» деб аталади.

Масалан: 1 сўм == 0.0008 АҚШ доллари ёки 1 сўм = 0.026 Россия рублига,

бу ерда 0.0008 АҚШ доллари = 0.026 Россия рублига

1 АҚШ доллари = 32,5 рубль.

Юқорида келтирилган нисбат Россия рублининг долларга нисбатан аниқланган кросс-курсидир. Ушбу шартли мисолда ўзбек сўми учинчи валюта ролини ўйнайди, жаҳон амалиётида эса асосан учинчи валюта сифатида АҚШ доллари қўлланилади, яъни барча валюталар жаҳон айирбошлашида айнан шу валютага нисбатан котировка қилинади.

Валюта курси ёки миллий валюта баҳоси ҳар қандай бошқа товар баҳоси каби эркин, бошқариладиган, ўрнатиладиган бўлиши мумкин. Шунинг учун уни эркин сузиб юривчи, чекланган даражада сузиб юривчи ва қайд этилган валюта курсларига ажратилади.

Эркин «сузиб» юривчи валюта курси маълум валютага бўлган бозор талаби ва таклифи таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, АҚШ доллари, Япония иенаси, Англия фунт стерлинги курслари. Шу боис бу валюталар жаҳон валюта айирбошлашида кенг иштирок этади.

Чекланган даражада «сузиб» юривчи валюта курсларининг ўзгариши айрим валюталар ёки бир гуруҳ валюталар (валюта савати) курси ўзгаришига боғлиқ. Мисол учун, «Учинчи дунё» нинг кўпчилик мамлакатлари ўз валюталарини АҚШ долларига, француз франкига ва бошқа хорижий валюталарга боғлайдилар. Чекланган даражада «сузиб» юривчи валюта курслари киритилган мамлакатлар ўз валюталарининг тебраниш чегарасини ҳамкорлик қилаётган шериклари билан келишиб оладилар.

Қайд этилган валюта курси - бу хорижий валютада ифодаланган миллий пул бирлигининг давлат томонидан расмий ўрнатилган баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир килмайди. Ҳозирги вақтда қайд этилган валюта курси кам ривожланган мамлакатларда ёки иқтисодиёти ташқи бозорга етарли даражада кириб бормаган мамлакатларда уларнинг молия тизимини ва миллий ишлаб

чиқаришни кучли хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилиш ва қувватлаш мақсадида қўлланилади. Масалан, Ўзбекистонда ҳам валюталарнинг сўмга нисбатан расмий курсинини ўрнатди, ammo Марказий банк валюталарни сотиш ва сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Валюта қийматини аниқлашнинг асоси бўлиб валюта паритети ҳисобланади. Унинг маъноси шуки, икки валюта ўртасидаги нисбат қонуан мустаҳкамланиб қўйилади. Олтин стандарт юритилган даврда валюта паритети тушунчаси олтин паритети маъносида тушунилган, чунки икки валюта ўртасидаги нисбат улардаги олтин миқдори билан аниқланган. Олтин-доллар стандарти юритилган даврларда барча валюталарнинг курслари олтинга ҳамда долларга нисбатан қайд этилган. 70-йилларнинг бошларида сузиб юрувчи валюта курсига ўтилиши муносабати билан ХВФ доирасида шундай валюта паритети қабул қилиндики, унда СДР халқаро пул бирлиги олтин ва доллар ролини ўйнайди. Модомики, валюта курси мамлакатлараро товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатини тартибга солувчи восита экан, унинг ўзгариб туриши экспорт ва импорт ҳажмига, бутун макроиқтисодий вазиятга таъсир қилади. Шундай ҳолатни кўриб чиқайлик. Масалан, ўзбек сўмининг курси 1 Россия рублига нисбатан 38.22 сўмдан 40 сўмгача пасайган, яъни сўм Россия рублга нисбатан арзонлашган ва аксинча Россия рубли қимматлашган. Бу ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 38,22 сўмлик қийматга эга товар Россия бозорида ҳам арзонлашиб боради ва у энди 4 минг Россия рублига сотилади. Натижада унинг рақобатга чидамлилиги ошиб, бу товарга талаб ҳам орта боради, уни экспорт қилиш рағбатлантирилади, ammo миллий валютани Россияга чиқариш Ўзбекистон учун фойдали бўлмай қолади.

Россияда ишлаб чиқарилган 4000 рубл қийматга эга бўлган товарга келсак, бу товар сўмнинг курси пасайиши ва рублнинг қимматлашуви натижасида ўзбек бозорида шунга мувофиқ кўтарилади. Энди Россияда ишлаб чиқарилган товар нархи қимматлашди, шу сабабли уни ташиб келтириш (импорт) қисқариб боради. Аксинча, ўзбек сўмининг курси ошиб боргани сари, республика учун товарларни ташиб келтириш (импорт) ва капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

Шундай қилиб, миллий валюта курсининг пасайиши билан баҳолар даражаси ҳам пасаяди ва дунё бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатга бардошлилиги орта боради, экспорт ва хорижий капитални оқиб келиши рағбатлантирилади ва аксинча миллий валюта курсининг

кўтарилиши билан мамлакат учун четдан мол олиб келиш (импорт) ва капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

Мамлакатларнинг ўз ташқи иқтисодий сиёсатларини амалга оширишда валюта курслари тебранишидан унумли фойдаланиш ҳамда халқаро ҳисоб-китоблар барқарорлигини таъминлашга интилишлари сузиб юрувчи валюта курсларини тартибга солиш зарурлигини тақозо этади. Давлат валюта бозорларига «босқинчилик» қилиш ва Марказий банк учёт ставкасини ўзгартириш ёрдамида валюта курслари ҳаракати назорат қилиниши мумкин бўлган оқимга йўналтиради.

Ташкил қилинган «босқинчилик» ёки бозорга катта миқдорда валюта ташлаш миллий валютага бўлган талаб ва таклифга, пировардида валюта курсига таъсир қилади. Учёт ставкаларининг оширилиши пулларни янада «қимматлироқ», унинг пасайтирилиши эса уларни янада «арзонроқ» қилади, ўз навбатида давлат томонидан ишланган бундай чора инвестиция, тўлов мажбуриятлари ҳаракатига таъсир қилади ва шунга мувофиқ валюта курсларининг ўзгаришига олиб келади. *ХВФ* фаол аъзоларининг келишувларига кўра 1976 йилдан бошлаб, бу мамлакатларнинг Марказий банклари хорижий валюталарни сотадилар ва сотиб оладилар, 1985 йилдан бошлаб эса, жаҳон валюталари курсларини тартибга солиш мақсадида келишилган «бирлашган босқинчилик» ва учёт ставкаларини ўзгариши чораларини қўлламоқдалар. Валюталарни алмаштирув курслари тебранишини самарали бошқаришга мисол қилиб Европа валюта уюшмаси фаолиятини келтириш мумкин. Унинг қатнашчилари ўз валюталари курсларини фақат ўрнатилган миқдор доирасида, белгиланган чегараларда ўзгартиришга йўл қўядилар.

Давлат олиб бораётган иқтисодий сиёсатнинг кучли таъсир қилувчи қуроли миллий валютани «девальвация» ёки «ревальвация» қилиш ҳисобланади. Девальвация деганда, миллий валюта баҳосини жаҳон пул стандартига нисбатан камайтиришга қаратилган тадбир тушунилади ва аксинча, унинг қийматини оширишга қаратилган тадбир ревальвация деб аталади. 70-йилларгача, олтин стандарт даврларда миллий валюталар олтинга нисбатан арзонлаштирилган (яъни уларнинг олтин миқдори расман пасайтирилган), ундан кейинги даврларда эса, эркин конвертирланадиган валюталарга нисбатан пасайтирилган, *ХВФ* га аъзо-мамлакатлар эса, ўз валюталарини *СДР* га нисбатан ҳам пасайтирганлар.

Сузиб юрувчи курслар асосида барпо этилган замонавий валюта тизимида валюталарнинг бозор девальвацияси тадбиқ қилинмоқда. Бу бозорда бир пул бирлиги баҳосини асосий

иқтисодий шериклар бўлган бир гуруҳ мамлакатларнинг валюталарига ёки биргаликда тебраниб турувчи валюталар учун расмий ўрнатилган марказий курсга нисбатан тушириб юборишни билдиради, марказий курслар қандайдир бир валютага (асосан АҚШ долларига) ёки «валюталар саватига» ёки халқаро пул бирлигига нисбатан ўрнатилади. Масалан, Европа валюта уюшмасида миллий валюталарнинг марказий курси ЭКЮга нисбатан ўрнатилади. Ушбу уюшма аъзолари учун улар пул бирликларининг марказий курс атрофида тебраниб туриш чегараси аниқланади (масалан 2,5 фоиз атрофида). Ўзгаришлар ўрнатилган чегарадан ошиб кетса, девальвация ҳисобланади. Агар валюталарнинг оддий қадрсизланиши валюта бозоридаги талаб ва таклиф таъсирида рўй берса, девальвация шу билан фарқ қиладики, бу жараёнда миллий валюта қиймати бир вақтда сезиларли даражада пасайтирилади, унинг миқдори ХВФ билан келишилган ҳолда ҳукуматлар томонидан ўрнатилади. Масалан, 1971 йилда АҚШ доллари девальвация қилинди. Жаҳон валюта тизимини тартибга солишнинг бу воситаси камдан-кам ҳолларда- пул муомаласи бутунлай издан чиққанда, миллий валютага бўлган талаб давомли тушиб борганда (ҳукумат унинг бозор курсини «валюта босқинчилиги» йўли билан ҳам тўхтатиб туролмайди), инфляция жараёни тобора кучайиб бораётганда ва мамлакат тўлов балансининг узоққа чўзилган тақчиллигида қўлланилади.

Миллий валютани девальвация қилишдан давлатлар жаҳон бозорида экспорт қилинаётган товарларнинг баҳосини пасайтириш ва ички бозорда импорт товарларининг баҳосини ошириш ҳамда шу йул билан экспорт-импорт оқимини тартибга солишда фойдаланадилар.

Барча мамлакатлар маълум муддатда ўз валюталари курслари тўғрисидаги ахоборотни эълон қилиб борадилар. Мисол учун, республикамизда 1994 йилдан буён марказий газеталарда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан расмий курси эълон қилиб келинмоқда. Бундай хабарларда гап расмий номинал валюта курслари тўғрисида боради. Лекин кучайиб бораётган инфляция шароитида жаҳон бозорида миллий маҳсулотга бўлган талабни, унинг рақобатга бардошлилигини аниқлашда миллий ва хорижий товарлар баҳолари ўртасидаги нисбатни ҳам билиш керак бўлади. Яъни миллий валютанинг реал алмаштириш курсини ҳисоблаб чиқиш керак.

Реал курс товарларнинг миллий валютадаги баҳосига ва номинал алмаштириш курсига боғлиқ бўлиб қуйидаги тенглик билан изоҳланади.

Реал валюта курси = номинал валюта курси \times

Уз мамлакатидан ич товарлар баҳоси

Хорижий ич товар баҳоси

Бу тенгликни умумий кўринишда шундай ёзиш мумкин:

Реал валюта курси = номинал валюта курси \times баҳолар даражаси нисбатлари.

Паст валюта курсида миллий товарлар нисбатан арзонроқ, хорижий товарлар эса нисбатан қимматроқ туради. Шунинг учун экспорт ўсиб боради, импорт эса қисқариб боради ва аксинча, юқори реал валюта курсида миллий товарлар нисбатан қимматроқ, хорижий товарлар эса нисбатан арзонроқ туради. Натижада импорт ўсиб, экспорт қисқариб боради.

4. Валюта бозорлари ва валюта операциялари

Валютанинг алмашиниш курси уларни олиш-сотиш жараёнида белгиланади. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари бўлган корхоналар, банклар, молия-кредит муассасалари ва жисмоний шахслар ташқи савдо ҳисоб-китобларини капитал ва ишчи кучи миграциясини амалга ошириш, валюта резервларини тўлдириш, валюта хавф-хатаридан суғурта қилиш, шунингдек, валюта курслари ўзгариши ҳисобига фойда олиш учун хорижий валютани сотиб оладилар ва сотадилар.

Хорижий валюта олди-сотдиси бўйича бўладиган бу операциялар валюта операциялари деб аталади. Валюта сотувчилари ва харидорлари ўртасида доимий бўладиган телефон, телетайп ва бошқа алоқа турлари кўринишидаги бу операциялар йиғиндиси валюта бозори деб юритилади. Шундай қилиб, валюта бозорлари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида муҳим вазифаларни бажаради. Биринчидан, улар маҳсулотлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг халқаро айланишига хизмат кўрсатади.

Иккинчидан, улар талаб ва таклиф асосида валюта курсини аниқлайди. Учинчидан, улар валюта хавф-хатаридан ҳимоялашни таъминлайди, чайқовчилик капиталидан фойдаланиш имкониятини яратади, турли мамлакатлар ўртасида молиявий ресурсларни қайта тақсимлайди.

Замонавий жаҳон валюта бозорининг хусусияти шундаки, унда савдо ва молиявий операцияларга хизмат кўрсатиш билан эмас, балки алмашадиган курслар фарқи ҳисобига фойда олиш билан боғлиқ операциялар устунликка эга. Ҳозирги вақтда бу операциялар ҳиссасига жаҳон валюта айланишининг 90 фоиздан ортиги тўғри келади. 40-50- йилларда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этган эди. Демак, жаҳон валюта бозори ҳисоб-китоб марказидан молиявий ресурсларни халқаро қайта тақсимлаш механизмига айланиб бормоқда.

Замонавий валюта бозори 50-80- йилларда яратилган эди. Бу даврда, бир томондан, бозорда қатнашувчилар сони тез кўпайди, операциялар ҳажми ўсди, иккинчи томондан, барча валюта операциялари яхлитлигини шакллантиришга имкон берувчи алоқа воситалари ва янги техника пайдо бўлди. Валюта операцияларини жуда қисқа муддатда амалга ошириш натижасида уларнинг моддий кўриниши йўқолди: миллий пул бирликлари бир мамлакатдан бошқасига асосан банкларнинг корреспондент ҳисобларидаги ёзувлар кўринишида кучса, нақд пуллар фақат пул алмаштирадиган шохобчалар, сайёҳлик фирмалари, банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатишда қўлланиладиган бўлди.

Жаҳон валюта бозорини миллий валюталари деярли чекланмаган ҳолда алмашинадиган давлатлар ташкил этади. Булар АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия Швейцария, Канада, Гонконг, Бирлашган Араб Амирликларидир. Кўплаб мамлакатларда валюта конвентирланмайдиган ёки қисман конвентирланадиган бўлгани учун жаҳон валюта бозорида фақат ваколат берилган банклар ва давлат муассасалари қатнашади. Республикамизда бундай ваколат Миллий банкка берилган. Жаҳон валюта бозорлари валюта бозорларига ва евровалюта бозорларига ёки Евробозорга ажратилади. Агар валюта ўз мамлакатига сотилса ва сотиб олинса, валюта бозори ҳисобланади, агар бу ундан ташқарида юз берса Евробозор ҳисобланади. Евробозорда савдо қилинадиган валюталар Евровалюталар деб аталади. (евродоллар, евромарка, еврофранк ва бошқалар). Масалан, агар Ўзбекистон Миллий банки АҚШ банкидан долларда кредит олса, бу операция валюта бозорида юз беради. Бироқ, худди шу кредитни долларда Лондон банкидан олса, у ҳолда бу Евровалюта бозоридаги савдо бўлади. Бу доллар евродоллар деб аталади. Долларнинг тўлов-кредит воситаси сифатида тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда евродоллар бозори кенгайиб бормоқда.

Валюта бозорларида амалга ошириладиган операциялар бўлиниди:

- нақд ёки «спот» операциялар, улар битимни тузиш вақтида ёки кейин «спот» курс деб аталувчи жорий валюта курси бўйича нақд хорижий валютани қўллашни кўзда тутди:

- муддатли операциялар, улар бўйича ҳисоб-китоблар битимни расмийлаштиригач, 2 кундан сўнг қилиниди; бу операциялар валюта курси ўзгаришидан ҳимоялаш ёки қўшимча фойда олиш мақсадида амалга оширилади. Улар банклараро (форвард) ва биржа (фьючерс) валюта операциялари бўлиши мумкин.

Банклараро ёки форвард операцияларини амалга оширишда валюта курси ва суммаси битимни тузиш вақтида қайд этилади, бироқ муддат келгунча (асосан 1-6 ой) ҳисоблар бўйича суммалар ўтказилмайди. Бу операцияларда қўлланиладиган форвард курслар мавжуд курсларга («спот» курсларга) чегирмалар ёки мукофотлар кўринишида ўрнатилади. Масалан, агар АҚШ доллари «спот» курсида 1 фунт стерлингга 1,9925 доллар бўлса ва 3 ойга 0,0325-0,0310 доллар мукофоти билан котировка қилинса, у ҳолда харидорнинг бир ойлик курси 1,9600 долларга тенг бўлади (1,9925-0,0325).

Қатъий белгиланган муддатда «форвард» курси бўйича тўловларни кўзда тутувчи оддий муддатли валюта битими «аутрайт» деб аталади. Муддатли банклараро операциялар миқдори бўйича ҳар қандай бўлиши мумкин ва нақд пул билан таъминлашни талаб этмайди.

Муддатли биржа ёки фьючерс операциялари шу билан фарқ қиладики, улар битимнинг барча шартлари, яъни суммаси, муддати, ҳисоблаш усули ва шу кабилар аниқ кўрсатилган стандарт контрактлар савдоси кўринишида ўтказилади. Бу кўринишдаги битимларни тузишда қатъи бўлмаган кафолатли депозит киритилади. Фьючерс операциялари валюта бозорларида 70- йиллардан бошлаб ўтказилади ва асосан АҚШ да кенг тарқалган.

Барча валюта операцияларининг асосий ҳиссаси нақд битимларга тўғри келади.

Шу билан бирга сузувчи курслар қондасига асосланган замонавий валюта бозори учун муддатли операциялар ҳажми ва турларининг ўсиши ҳам хосдир. Хусусан, уларнинг «опцион» билан биргаликда «лидз_энд_лэгз», «своп» каби кўринишлари ҳам ривожланиб, амалда кенг қўлланилмоқда.

«Опцион» билан операциялар томонлардан бирига контрактнинг муқобил валюта шартларини танлаш ҳуқуқи берилишини кўзда тутди. Томонлар ушбу ҳуқуқдан қачон ва

қандай шароитларда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида келишиб оладилар. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши қўшимча фойда олиш имконини беради.

«Лидз энд лэгз» операциялари корхоналар, фирмалар, корпорациялар томонидан кенг қўлланилиб, тўлов муддатлари ёки битимнинг бошқа шартларини ўзгартиришга имкон беради.

«Своп» операциялари муддатли битимни нақд битим билан қўшиб олиб боради: нақд валютани («спот») сотиш уни муддатга (форвард) сотиб олиш билан бир вақтда амалга оширилади ёки аксинча.

Муддатли валюта операцияларининг аҳамияти шундаки, улар қўшимча фойда олишнинг ёки валюта хавф-хатаридан суғурта қилишнинг (хеджирование) самарали усули ҳисобланади. Валюта хавф-хатари деганда валюта операцияларини амалга оширишда хорижий валюта курсининг миллий пул бирлигига нисбатан ўзгариши билан боғлиқ мумкин бўлган пул йўқотишлар тушунилади. Масалан дейлик, ўзбек корхонаси Покистон фирмаси билан 2 млн. долларлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида контракт тузди. Контрактни тузиш даврида доллар курси 1250 сўмни ташкил этган эди ва ўзбекистонлик экспорт қилувчи корхона контрактда берилган 2 млн. доллар ҳисобидан 2500,0 млн. сўмга эга бўларди (2 млн. доллар X 1250,0 сўм). Бироқ битим тугалланиши чоғида доллар курси пасайди ва 1200 сўмни ташкил этди, унда экспорт қилувчи 2400 млн. сўмга эга бўлади (2 млн. доллар X 1200 сўм), яъни 100 млн. сўмни валюта курси ўзгариши ҳисобига йўқотади, импорт қилувчи Покистон фирмаси эса ютади.

Шундай қилиб, контрактдаги валюта курсининг миллий валютага нисбатан пасайишида, контрактни имзолаш ва у бўйича тўловларни амалга ошириш ўртасидаги даврдаги йўқотишлар экспорт қилувчилар зиммасида бўлади. Импорт қилувчи эса контрактнинг тугалланиши чоғида валюта курси кўтарилган ҳолдагина зарар кўради.

5. Мамлакат тўлов баланси

Мамлакатнинг маълум вақтдаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам тўлов балансида ўз аксини топади. ҳар қандай ташқи иқтисодий битим валюта айирбошлаш ёки валюта операциялари орқали амалга ошириладиган олди-сотди битими ҳисобланар экан, ундай ҳолда, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолияти натижалари пировардида хорижий валюта тушумлари ва харажатларида ифодаланади. Шунинг учун ҳам тўлов

баланси - бу бир томонида четдан келадиган барча тушумлар, иккинчи томондан эса мамлакат четга чиқарадиган барча тўловлари кўрсатилган ҳужжатдир. Тушум (кредит) фақат экспорт ёрдамида таъминланиши мумкин, аксинча, хорижий маҳсулотларни сотиб олиш (ёки импорт) тўловлар ва хорижий валюта харажатлари билан боғлиқ чиқимлар (дебит) бўлади. Бунда товар деганда айирбошланадиган ҳар қандай нарса тушунилади, яъни у моддий неъмат, хизмат, ишчи кучи, капитал ва валюта бўлиши мумкин.

**Мамлакат тўлов баланснинг тахминий кўриниши
(рақамлар шартли)**

8.1. - жадвал

№.	Моддалар номи	Кредит(+) ёки экспорт ҳисобига тушумлар	Дебет (-) ёки импорт натijasи- даги харажатлар	Соф кредит ёки соф дебет
I	Жорий операциялар счёти			
1	Товарлар	+125	-205	-80
2	Ташқи савдо баланснинг қолдири			-90
3	Хизматлар	+35	-37	-2
4	Инвестициялардан даромадлар (фоизлар ва дивидентлар)	+17	-10	+7
5	Пул ўтказишлар	+1	-8	-7
6	Жорий операциялар бўйича баланснинг қолдири			-82
II	Капитал ҳаракати Счёти			
7	Инвестициялар ва бошқа ўрта ва узок, муддатли капитал	+90	-37	+53
8	Капитал ҳаракати баланснинг қолдири			+53
9	Жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг қолдири			-29
III	Расмий резервлар (олтин, СДР, ХВФ даги резервлар)	+29		+29

Тўлов баланснинг таркибий тузилиши бўйича барча ташқи иқтисодий битимлар иккита қатга гуруҳга бўлинади; жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар.

Ўз навбатида жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади, улар уртасидаги фарқ ташқи савдо балансининг қолдиги деб юритилади. Бизнинг мисолда бу баланс салбийдир, яъни мамлакат товарларни четга олиб чиқишдан кўра кўпроқ олиб келади (-80).

Жорий операцияларнинг кейинги моддаси бу хизматлар экспорти ва импортидир. Уларга транспорт, суғурта, сайёҳлик хизматлари ва бошқалар кириди. Товарлар билан операциялардаги каби хизматлар билан операцияларда ҳам мамлакат хорижий хизматларни кўпроқ олади, яъни мамлакатда яшовчилар хорижга четдан сайёҳларга нисбатан кўпроқ борадилар, шунингдек, мамлакатдаги тадбиркорларга хорижий транспорт ва суғурта хизматлари кўрсатиш ҳажми ва аксинча, хорижий тадбиркорларга мамлакатда транспорт ва суғурта компаниялари кўрсатадиган хизматлар ҳажмига караганда юқориқ. Бу операция ҳам балансининг салбий қолдигига эга. (-2)

Инвестициялардан даромадлар фоизлар ва дивидендлар бўйича тўловларни ўз ичига олади. Агар хорижга қўйилган миллий капиталга чет эликларнинг амалга оширадиган бундай тўловларидан тушумлар, мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий капиталдан бундай тўловлар миқдоридан кўн бўлса, унда соф даромад ижобий бўлади (+7).

Пул ўтказишлар шу мамлакатларнинг хорижда яшаётган фуқароларига тўланадиган нафақаларни, мухожирларнинг хориждаги ўз қариндошларига пул ўтказишлари, турли кўринишдаги ҳукумат ёрдамларини (инсонпарварлик) ўз ичига олади. Жадвалдан кўриниб турибдики, хорижга жўнатилаётган пул ўтказишлар миқдори олинаётганга нисбатан юқори, яъни бу операциялар мамлакатдаги хорижий валюта захираларини камайтиради (-7).

Жорий ҳисоблар бўйича барча операциялар йигиндиси жорий операциялар тўлов балансини ташкил этади. Бизнинг мисолда у салбий (-82), бу эса шуни англатадики, мамлакатда импорт операциялари натижасида хорижий валютага бўлган талаб унинг экспорт операциялари таъминлайдиган тақлифидан ортиқ бўлди, ёки бошқача айтганда, ушбу ҳолда мамлакат жорий операциялар бўйича тақчилликка эга. Уни қоплаш учун мамлакат ё қарз олади (узоқ ва қисқа муддатли кредитлар), ё ўз кўчмас мулкни (ер, бино) ва молиявий активларини (акция ва облигациялар) сотади. Бироқ мамлакат жорий тўлов балансининг ижобий қолдигига эга бўлиши мумкин. Агар унинг экспорт операциялари импорт операцияларидан ортиқ бўлса, шундай ҳол юз беради. Бунда мамлакатда чет элда кўчмас

мулкни сотиб олиш ёки бошқа мамлакатларга қарзга беришга йўналтирилиши мумкин бўлган хорижий валюта ортиқчилиги юзага келади. Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар тўлов балансининг кейинги бўлимида, яъни капиталлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади. Бу ерда моддий ва молиявий активларни (корхоналар, ер, уйлар, кимматбаҳо қоғозлар, акциялар, хазина мажбуриятлари ва бошқалар) олиш-сотиш билан боғлиқ капиталлар оқимини акс эттиради. Агар бу активлар сотилса ёки экспорт қилинса, унда бу хорижий валютани мамлакатга келишини, тушумини кўпайтиради (+90). Бироқ капитални олиб келиш билан бир вақтда уни олиб чиқиш билан боғлиқ операциялар ҳам амалга оширилади. Бунда мамлакат тadbиркорлари хориждан акциялар сотиб олади, хорижликларга кредитлар беради ва шу асосда, улар хорижий валюта захираларини сарфлайди. Бу операциялар дебит кўринишида акс эттирилади (-37). Капитал ҳаракати балансининг қолдиғи - бу уни олиб келиш ва олиб чиқиш ўртасидаги фарқдир (+ 53).

Аввал айтиб ўтилганидек, жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси ўзаро чамбарчас боғланган. Бизнинг мисолда биринчисининг тақчилиги (-82) капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига (+53) молиялаштирилади. Ва аксинча, агар жорий операциялар бўйича баланс активга эга бўлса, у ҳолда бир вақтда капиталлар ҳаракати баланси бўйича капиталларнинг соф келиб чиқиши амалга оширилган бўларди.

Шундай қилиб, балансининг бу икки бўлими бир-бирини тенглаштириб боради ва аслида ҳам бир-бирига тенг бўлиши керак, бироқ амалда доимо тақчиллик ёки ортиқчилик юзага келади. Шунинг учун турли мамлакатларнинг Марказий банклари расмий резервлар деб аталувчи хорижий валюта захираларига эга. Бу резервлар жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси номуносивлигини бартараф этишда қўлланилади. Бизнинг мисолда бу номуносивлик ёки қолдиқ (- 29) ни ташкил этади ва у расмий резервлардан тушумлар ҳисобига тартибга солинган. Резервлардан тушумлар кредит (+) устунисида акс эттирилган. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, «тўлов баланси тақчилиги» ёки тўлов баланси актив ифодалари жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича балансининг ижобий ёки салбий қолдиғи миқдорини билдиради. Расмий резервларнинг қисқариши (+) бу тақчиллик миқдорини ифодалайди, расмий резервларнинг ўсиши (-) эса тўлов балансининг актив қолдиғи миқдорини

кўрсатади. Пировардида унинг барча уч бўлими суммаси «0»ни ташкил этиши лозим. Бу эса хорижий валюта таклифи ва унга мамлакатда бўлган талаб бараварлигини билдиради.

Давлатлар расмий резервлар ва қарзлар ҳисобига қоплаш қобилиятига эга бўлмаган тўлов балансининг катта доимий тақчиллиги бўлган ҳолларда ўз валюталари девальвациясини амалга оширишлари мумкин. Бу импортнинг физик ҳажми қисқаришига, экспортнинг физик ҳажми кўпайишига ва оқибатда мамлакатда хорижий валюта тушумини ўсиши ҳамда тақчилликни йўқотишга олиб келади.

Очиқ иқтисодий кўплаб мамлакатлар ўз тўлов балансларини ХВФ тавсия этган тарх бўйича ишлаб чиқадилар. Бу тарх ривожланган бозор муносабатлари шароитида амалга ошириладиган барча иқтисодий операцияларни акс эттиради. Тўлов балансининг маълумотлари мунтазам чоп этилади ва давлатнинг кредит қобилияти ҳақидаги гувоҳнома сифатида халқаро таъкилотлар, бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ва тадбиркорлари томонидан кредитлаш ва молиялаштириш, молиявий, техник ва моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этишда қўлланилади.

Ўзбекистонда тулов баланси фақат республика мустақилликка эришгандан ва бозор муносабатларига ўтилишидан кейин тузила бошланди. Жаҳон бозорида тенг ҳуқуқли шерикчилик республикани халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида ифодаловчи аниқ маълумотларни талаб этади, шунинг учун республика тўлов баланси ХВФ тавсияларига жуда яқинлаштирилган тарх асосида тузилган.

Асосий тушунчалар:

Жаҳон валюта тизими - турли мамлакатлар ўртасидаги валюта-кредит муносабатларини ўзида мужассамлаштирувчи тизим.

Олтин стандарт - пулнинг асосий шакли олтин ҳисобланган ўзаро алоқалар амалиёти.

Эркин конвертирланадиган валюта - ҳар қандай хорижий валюта эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валюта.

Қисман конвертирланадиган валюта - хорижий валюталарнинг маълум бир қисмигагина айирбошланадиган, хорижий валютани сотиб олишда ва сотишда чеклашлар мавжуд бўлган валюта.

Конвертирланмайдиган валюта - хорижий валюталарга айирбошланмайдиган ва ички тўлов оборотига хизмат қиладиган валюта.

СДР (SDR) -Халқаро валюта фондининг махсус пул бирлиги.

ЭКИО - худудий халқаро валюта бирлиги. Европа Иттифоқи валюта тизимида ҳисоб-китоб ва кредит функцияларини бажаради.

Валюта курси -бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигидаги баҳоси.

Котировкалаш -валюта курсини ўрнатиш.

Тўғри котировкалаш -хорижий валюта бирлигига тўғри келадиган миллий валюта миқдорини ўрнатиш.

Тескари котировкалаш -миллий валюта бирлигига тўғри келадиган хорижий валюта миқдорини ўрнатиш.

Девальвация -миллий валюта курсининг камайтирилишига қаратилган тадбир.

Ревальвация -миллий валюта курсини оширишга қаратилган тадбир.

Номинал валюта курси -бир-бирлик миллий валютага тўғри келадиган хорижий валютанинг қиймати.

Реал валюта курси -бир-бирлик миллий товар ва хизматларга тўғри келадиган хорижий товар ва хизматлар қиймати.

Валюта операциялари -хорижий валютанинг олди-сотдиси бўйича бўладиган операциялар.

Тўлов баланси -мамлакатга чет эздан келадиган барча тушумлар ва¹ мамлакат четга чиқарадиган барча тўловлар кўрсатиладиган ҳужжат.

Назорат саволлари:

1. Олтин стандартга асосланган миллий валюта тизими хусусиятлари нимадан иборат?
2. Агарда АҚШ хазинаси олтиннинг 1 унциясини 35 долларга, Буюк Британия хазинаси эса 12,5 фунт стерлинга сотса ва сотиб олса, бу валюталарнинг олтин паритети нимага тенг бўлади?
3. Жаҳон валюта тизими шаклланишининг асосий шарт-шароитларини айтинг.
4. Бреттон-Вудс валюта тизимининг хусусиятлари нимадан иборат?
5. Ҳозирги замон жаҳон валюта тизимининг хусусиятлари қандай?
6. Жаҳон валюта тизимининг қайси белгиларини ажратиш мумкин?
7. Халқаро айирбошлашда фойдаланиладиган асосий тўлов кредит воситаларининг тавсифини беринг.

8. Қайси валюталар резерв валюта сифатида қўлланилади?
9. Валютанинг конвертирланиши нима ва у қандай кўринишларда мавжуд бўлади? Ўзбек сўми валюталарнинг қайси турига киради? Жавобингизни асосланг.
10. Валюта курси ва котировка деганда нималар тушунилади?
11. АҚШ долларининг курси ўзбек валютасига нисбатан 1250 сўм, Россия рублига нисбатан 40 рубл бўлса, ўзбек сўмини Россия рублига бўлган кросс-курсини аниқланг.
12. Қайси валюта курслари эркин сузиб юрувчи, чекланган даражада сузиб юрувчи ва қайд этилган валюта курслари деб аталади?
13. Ўзбек сўмининг Россия рублига бўлган нисбатининг доимо ўсишини фараз қилсак, бу ҳолатда ўзбек тадбиркорларига нима манфаатлироқ: ўз маҳсулотини Россияга олиб чиқишми ёки Россия товарларини олиб келишми?
14. Валюта девальвацияси нима ва у валютанинг оддий кадрсизланишидан қандай фарқланади?
15. Агарда номинал валюта курси 5, икки мамлакатдаги баҳолар даражасидаги нисбат эса 0,4 га тенг булса, реал валюта курси нимага тенг?
16. Валюта бозори деганда нима тушунилади ва у қандай функцияларни бажаради?
17. Валюта операцияларининг қандай кўринишлари мавжуд?
18. Агар ўзбек корхонаси француз фирмаси билан битим тузиб, унга жорий валюта курси бўйича кейинги ҳақ тўланса, бу операция нақд (spot) ёки муддатли ҳисобланадими?
19. Халқаро иқтисодий фаолиятнинг турлари тўлов балансида қандай акс эттирилади?
20. Жорий операциялар счёти ва капитал ҳаракати счёти бир-бири билан қандай боғланган?
21. Жорий операциялар бўйича баланс қолдиғи 60, капиал ҳаракати баланси қолдиғи эса +50. Расмий резервлардан тушумлар қандай бўлиши лозим ва у қайси қаторда акс эттирилади. Кредит (+) қаторидами ёки дебет (-) қаторидами?
22. Тўлов баланси тақчиллигини бартараф этиш мақсадида давлат қандай чора-тадбирларни амалга ошириши мумкин?

9-боб. Капиталнинг халқаро ҳаракати

1. Капитал ҳаракатининг моҳияти ва асосий шакллари.

Капитал ҳаракати ёки унинг юқорироқ фойда оли мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб юриши халқар иқтисодий муносабатларнинг тез ривожланаётган шакли ҳисобланади.

1983-1989 йилларда Халқаро валюта фондига аъ мамлакатларда товарлар экспорта 1,7 марта, капитал экспорт 3,7 марта ошди. Капитал экспортининг тезлашувига биринч навбатда иқтисодий ривожланган мамлакатларда ишла чиқаришнинг янада марказлашуви ва молия капиталинин жамғарилиши асосий туртки бўлди. Йирик корпорацияларни пайдо бўлиши ва уларни кредит-банк тизими билан бирлашуе капиталнинг мамлакатлараро кўчиб юришига шароит яратди е шу орқали товарлар сотиш бозорлари янада кенгайтирилди.

Тадбиркорлар ва ҳукумат чет эллик шерикларига креди ёки қарзлар бериши, хорижда ўз ишини ташкил этиши е хорижий банкларда ўз банкларининг корреспондеи ҳисобларини очиши, бошқа мамлакатда қимматли қоғозлар е кўчмас мулкни сотиб олиш орқали капитал олиб чиқиш амалга оширадилар. Капитални олиб чиқиш билан бир вақтд ҳар қандай мамлакат шунингдек, капитал ҳам олиб келади, яън капиталнинг халқаро ҳаракати жараёни боради. Ўз моҳияти кўра бу асосан молиявий мажбуриятларни, молияви оқимларни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтишин билдиради. яъни қарз берувчилар ёки мулкдорлар қа олувчиларга ёки компанияларнинг хориждаги корхоналари хозирда фойделаниш учун пул ёки инвестицион товарн берганда ҳамда унинг эвазига келажакда фоизлар ёки дивиден келтирувчи мажбуриятларни ёки акцияларни олган тақдирд капитал ҳаракат юз беради. Шунга мувофиқ капитални оли клиш ва олиб чиқишнинг бир неча шакллари ажратилади.

Капитал ҳаракатининг шакллари

Иқтисодий мазмунига кўра	Ким томонидан амалга оширилишига кўра	Кўриниш бўйича	Муддатига кўра
Суда капитали	Хусусий давлат	Пул кўринишида	Қисқа муддатли
Тадбиркорлик капитали	Халқаро ташкилоглар капитали	Товар кўринишида	Узоқ муддатли

Суда капиталини олиб чиқиш бу бир мамлакатдаги қа олувчининг бошқа мамлакатдаги қарз олувчига маълу

муддатда қайтариб бериш ва фоизларни тўлаш шарти билан кредит беришидир.

Агар капитал фоизлар шаклида фойда олиш мақсадида берилмасдан, балки хориждаги корхоналарни, шу жумладан қўшма корхоналарни яратишга сарфланса, у ҳолда бу тадбиркорлик капиталини олиб чиқиш ёки хорижга инвестиция чиқариш деб аталади.

Чет эл инвестициялари инвесторга хорижий корхоналар устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берса, улар тўғри инвестициялар ҳисобланади, корхоналар эса асосий компаниянинг чет эллардаги ишлаб чиқариши бўлиб қолади. Хорижий инвестор томонидан назорат қилиш ҳуқуқини аниқловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталнинг ҳиссаси ишлатилади. АҚШда бу 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда у 49 фоиз даражасида аниқланган.

Агар хорижий инвесторларнинг компания активларидаги ҳиссаси ушбу мамлакатда ўрнатилган даражадан паст бўлса, у ҳолда чет эл инвестори корхонани бевосита бошқаришда қатнаша олмайди ва фақат акциялардан дивидендлар олиб туради. Инвестицияларнинг бундай шакли портфель инвестициялари деб юритилади.

Капитал ҳаракати

Ссуда капитал	Қарзлар ва кредитлар Банк депозитлари ва бошқа молиявий институтлар ҳисобидаги маблағлар
Тадбиркорлик капитал	Бевосита (тўғридан тўғри) инвестициялар Портфель инвестициялар

Капитал хорижга хусусий бизнес, давлат компаниялари ва ҳукумат, халқаро ташкилотлар томонидан қарзга берилиши ёки инвестиция қилиниши мумкин. Шу сабабли ҳам капитал ҳаракати хусусий ва давлат капитал, шунингдек халқаро ташкилотлар капитал шаклида амалга оширилади.

Капитални машина ва асбоб-ускуналар, патентлар ва «ноу-хау» лар, хорижий фирма устав капиталига қўйилмалар товар кредитлари кўринишида олиб келиниши ва олиб чиқирилиши мумкинлиги учун унинг ҳаракати пул ва товар шаклига ажратилади. Муддати бўйича капитал ҳаракати қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Қисқа муддатли капиталга банк депозитлари ва турли молиявий институтлар ҳисобларидаги маблағлар, қисқа муддатли қарзлар киредади.

Узоқ муддатли капитални олиб келиш ва олиб чиқиш деганда тўғри инвестициялар, портфель инвестициялар, узоқ муддатли қарзлар тушунилади.

Капитал ҳаракатининг барча шакллари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва уларни ажратиш шартлидир. Масалан, капитал қўйилмалар кўринишидаги хорижий портфель инвестициялар халқаро кредитга ҳам киритилиши мумкин.

2. Замоनावий босқичда капитал ҳаракатининг хусусиятлари.

Замоनावий босқичда капитал ҳаракати қатор ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, ривожланган мамлакатларда капитал жамғаришнинг катта миқдордаги ва нисбатан ортиқчалиги туфайли капитал ҳаракатининг кескин ўсиши. Сўнгги 20 йил давомида капитал экспортининг жаҳон товар айланишидаги ҳиссаси икки марта кўпайди ва ҳозирги вақтда 15 фоиздан ортиғини ташкил этади. 1970 йиллардан бошлаб халқаро айирбошлаш тарихида биринчи бор ривожланган мамлакатларнинг хорижий корхоналаридаги ишлаб чиқариш ҳажми уларнинг товар экспортидан ортиқ бўлди, яъни бу мамлакатлар ўзларининг хорижда амал қилаётган иккинчи иқтисодиётларини ярата бошладилар. Масалан, АҚШ «иккинчи иқтисодиёти»нинг кўлами Фарбий Германия, Англия, Францияниқидан икки марта кўпроқдир.

Илғор : Фарбий Европа мамлакатлари хорижий корпорацияларининг ишлаб чиқариш ҳажми улар ялпи маҳсулотининг 30 фоизга яқинини ташкил этади.

Капитал ҳаракатининг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, замоनावий шароитларда унинг йўналишлари сезиларли ўзгарди. Агар дастлаб, у энг ривожланган мамлакатлардан кам ривожланган мамлакатларга устун равишда ссуда шаклида берилган бўлса, ҳозирга келиб хорижий капитал асосан ривожланган мамлакатлар ўртасида инвестициялар кўринишида берилади ва олинади. 90- йилларнинг бошларида бу мамлакатлар ҳиссасига хорижий капитал экспортининг 97 фоизи ва импортнинг 75 фоиздан ортиғи тўғри келди. Бу ўзаро инвестициялаш жараёнининг кучайиши билан боғлиқдир. Яъни турли мамлакатлар иқтисодиётнинг бир тармоғига мансуб корхоналарни ривожлантириш учун биргаликдаги маблағларни жалб этадилар.

Масалан, Германиядаги кимё концерни АҚШ га, Америка корпорацияси эса Германия кимё саноатига қўяди.

Капиталларни байналминаллаштириш жараёни айниқса, илмий тадқиқотлар ва улардан фойдаланиш соҳасида яққол намоён бўлмоқда, 80- йилларнинг охирларида саноатда олиб борилган илмий тадқиқот ишларида хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси умумий харажатларда Канадада 26,3 фоизни, Буюк Британияда 16,9 фоизни, Францияда 10,3 фоизни ташкил этди. Саноатнинг ахборотлар технологияси, биотехнология ва янги материаллар каби илғор тармоқларида АҚШ, Япония ва Европа корпорациялари хорижий фирмалар билан ўз миллий фирмаларига нисбатан кўпроқ битим туздилар.

Капитал ҳаракати жараёнини таҳлил қилиб қуйидагини таъкидлаш мумкин.

Капитал олиб чиқишда баъзи жаҳон марказларининг роли сезиларли ўзгарди. Бунда аввало капитал экспортида АҚШ ҳиссасининг пасайганини таъкидлаш лозим. 1988 йилдан бошлаб бу мамлакат жаҳондаги йирик қарз берувчидан қарздорга айланди. Шу вақтда Япония жаҳоннинг етакчи инвестори ўрнини эгаллади: унинг хорижий инвестициялари 1986-1990 йилларда 1981-1985 йилларга нисбатан деярли беш марта кўпайди.

Европа мамлакатларининг ягона ҳамжамиятга бирлашуви капиталнинг марказлашувига олиб келди ва уларни бошқа давлатларга олиб чиқишга имкоиятлар яратди. Чунончи, 1988 йилда Европа ҳамжамияти ва унинг баъзи аъзолари ривожланаётган мамлакатларга кўрсатилаётган ёрдамнинг 47 фоизини берган бўлса, АҚШ ва Япониянинг кўрсатилаётган ёрдамдаги ҳиссалари 20 фоиздан ошмади.

Капитал ҳаракати географиясидаги ўзгаришларга, шунингдек, янги саноатлашган мамлакатлар ҳам ўз ҳиссаларини кўшдилар. Уларнинг бир маромда ривожланиши хорижий капитални ўзига жалб этибгина қолмай, балки ўз капиталини экспорт қилишга ҳам имкон берди. 1990 йиллардан бошлаб солиқ социалистик мамлакатлар ҳам жаҳон капитал айирбошлаш жараёнига фаол қўшилдилар. Бу мамлакатларда туб структуравий ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган ички жамғармаларнинг етишмаслиги ташқи қарзлар ва чет эл инвестицияларига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Халқаро айирбошлашнинг таркибий қисми ҳисобланган капитални олиб келиш, олиб чиқиш мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг бошқа шакллари, жаҳон хўжалиги тараққиётининг барча жараёнлари билан ўзаро ҳамбарчас боғланган.

Етакчи давлатлардаги ёки мамлакатлар гуруҳидаги иқтисодий пасайишлар ва ўсишлар, сиёсий инқирозлар ва ҳарбий ихтилофлар капитал миграциясининг кўлами ва ривожланишида бевосита акс этади.

Бу жараёнлар билан бир вақтда, капитал ҳаракатининг ўзи ҳам жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади ва халқаро муносабатларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

3. Халқаро кредитнинг асосий турлари.

Капитал ҳаракатининг муҳим шакли ссуда капиталининг халқаро кредит кўринишида олиб келиниши ва олиб чиқилишн ҳисобланади. Қорхоналар, аҳоли ва давлатда бўш пул жамғармаларининг пайдо бўлиши, уларнинг банклар, сурурта ва инвестиция компанияларида тўпланиши, шунингдек, трансмилий компаниялар, банклар, халқаро молия-кредит муассасаларининг пайдо бўлиши ссуда капитали жаҳон бозорини шаклланишига олиб келади. Бу бозорда турли мамлакатлардаги қарз берувчилар ва қарз олувчилар кредит бериш шартлари ва кредит миқдорини белгиловчи шартномалар тузадилар.

Турли белгиларига кўра халқаро кредитнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Капиталнинг халқаро ҳаракати каби кредит ҳам қарз берувчи ва муддати бўйича алоҳида турларга бўлинади.

Кредитлар ким томонидан берилишига қараб хусусий, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар кредитларига ажратилади.

Хусусий кредитлар хусусий фирмалар ва банклар томонидан берилади ҳамда фирма ва банк кредитларига бўлинади.

Фирма ёки тижорат кредити бир фирма томонидан бошқасига тўлов муддатини чўзиш шarti билан товарларни сотиш кўринишида берилади. Ушбу ҳолда кредит олиш-сотиш битимига хизмат қилади ва товарни ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига ҳаракатлантиради. Кредитнинг бу тури вексель шаклида ёки очиқ ҳисоб бўйича берилади. Вексель шаклидаги кредитда импорт қилувчи товар ҳужжатларни олиб экспорт қилувчи томонидан ўтказиладиган вексель (траттани) тўлашга розилик билдиради (акцепт) ёки оддий векселни расмийлаштиради.

Очиқ ҳисоб бўйича кредитда экспорт қилувчи импорт қилувчининг қарз мажбуриятларини олмайди, балки қарздор томонидан вақти-вақти билан қопланадиган (ҳар 1-2 ойда) қарздорлик ҳисобини очади.

Фирма ёки тижорат кредити халқаро савдода кенг қўлланилади, чунки у маҳсулотни сотиш ва фойда олиш жараёнини жадаллаштиради. Бироқ фирмалар молиявий имкониятлари чегараланганлигини ҳисобга олган ҳолда, у инвестиция товарларини етказиб беришда ишлатилмайди. Бундай ҳолларда экспорт қилувчилар тижорат кредитини банк муассасалари ёрдамида қайта молиялаштиради.

Банк кредити кенг тарқалган кредит турларидан ҳисобланиб, тижорат кредитдан фарқи равишда кредит битимларининг йўналиши, муддати билан чегараланмаган. Унинг қўлланиш соҳаси кенгроқ бўлиб, у фақат товарлар айланишига эмас, балки капитал жамғарилишига ҳам хизмат кўрсатади. Шунинг учун банк кредити икки томонлама хусусиятга эга. Биринчи ҳолда у пуллар ссудаси сифатида, яъни қарз мажбуриятларини қоплаш учун зарур бўлган тўлов маблағлари сифатида қатнашиши мумкин. Қарз олувчи товар, вексель, қимматбаҳо қоғозлорни гаровга қўйиб, ўзи учун таъминланган кредит олади. Бу кредит кўшимча капитал ҳисобланмайди. Иккинчи ҳолда, қарз олувчи таъминланмаган кредит олади ва уни амалдаги капитални кўпайтиришда қўллайди. Бунда банк кредити капитал ссудаси шаклида қатнашади. Банк кредитининг ўзига хос шакллари бўлиб фор-фейтинг, факторинг ва харидор кредити ҳисобланади.

Фор-фейтинг бу импорт қилувчи томонидан тўлашга розилик билдирилган векселларни экспорт қилувчидан сотиб олиш шаклидаги ташқи иқтисодий операцияларни кредитлашдир.

Бунда тўлов мажбуриятлари бўйича барча хавф-хатарлар ҳам векселларни сотиб олувчисига (фор-фейтерга) ўтади. Шунинг учун харидор импорт қилаётган мамлакат банкининг кафолат беришини талаб қилади. Кредитнинг бу шакли ўрта муддатлидир, яъни етти йилгача, унинг асосида кредит берувчи экспортёр, импортёрга бўлган талабларини бошқаларга ўтказиб, ўзининг молиявий балансини яхлитлашга имкон яратади.

Вексель - бу қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти бўлиб, унинг эгасига муддат тугаши билан (расман 1 йил, ҳақиқатда 1-3 ой) қарздордан кўрсатилган пул миқдорини тўлашни талаб этиш ҳуқуқини беради.

Оддий ва ўтказиладиган векселлар ажратилади. Оддий вексель қарздор томонидан берилади ва имзоланади. Ўтказиладиган вексель (трасса) кредит берувчи томонидан (трасса) берилади ва имзоланади ва ўзида кўрсатилган муддатда

белгиланган миқдорнинг учинчи шахсга (реамитентга) тўлаш ҳақидаги қарздорга (трасса) буйруқни акс эттиради.

Ўтказиладиган вексель бўйича розилик бериш (акцепт)-бу тўловчи томонидан векселда кўрсатилган муддат келиши билан уни тўлаш мажбуриятини олишдир. Бу векселнинг олд томонида тўловчи қўйган оддий имзо бўлиши мумкин. Вексель ҳам чеклар, банкнотлар каби кредит пуллари деб аталади. Бироқ агар банк вексели товар битими билан мустаҳкамланмаган бўлса, унда вексель қимматбаҳо қоғоз, яъни акция ва облигация каби қўлланиши мумкин.

Облигация-бу қарз бериш ҳақидаги гувоҳнома бўлиб, унинг эгаси ҳар йиллик белгиланган даромадни олиш ҳуқуқига эга, яъни у қатъий фоиз келтиради. Акциядан фарқли равишда у бошқаришда овоз бериш ҳуқуқини бермайди, фақат белгиланган даромад келтиради ва маълум муддат ўтгандан сўнг сотиб олиниши лозим бўлади.

Факторинг - бу воситачи компания томонидан қарздорнинг тўлов мажбуриятларини тўловга қабул қилиб уни тезда ёки ўрнатилган муддатларда мол эгасига тўлаш. Кредитлашнинг бу шакли устунлиги шундаки, факторинг компаниясига (воситачига) ҳисоб-китоб ҳамда бозорга чиқишнинг молия натижаларини таҳлил қилиш функцияларининг маълум қисми ҳам ўтади. Кредитнинг бу шаклидан истеъмол молларини ишлаб чиқаришга ихтисосланган, экспорт обороти катта бўлмаган фирмалар кўпроқ фойдаланади.

Факторинг компаниялари тижорат банклари фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлиб, улардан кредит ёрдами ва харидорларнинг кредит қобилияти ҳақидаги маълумотларни олади. Шунингдек факторинг компаниялари ўзаро халқаро гуруҳларни, ассоциацияларни ташкил этадилар. Бу компаниялар экспорт қилувчиларни кредит хавф-хатарларидан ва кредитни суғурга қилиш ҳаражатларидан озод қилади.

Харидор кредити экспорт қилувчи банки томонидан бевосита импорт қилувчига ёки унга хизмат кўрсатувчи банкка берилади. У контракт баҳосининг 80-85 фоизигача қамраб олади, қолганини импорт қилувчи қўшимча манбалар ҳисобига молиялаштиради. Келишилган миқдор чегарасида у кредит берувчи мамлакат, баъзан эса бошқа мамлакатларнинг ҳам ҳар қандай фирмасига мол етказиб бериш ҳақини тўлаши мумкин. Бу фирмаларни танлашда кредит бераётган банк аҳамиятли роль ўйнайди. Экспорт қилувчилар учун бундай кредитлар доирасида мол етказиб бериш нақд тўловларни билдиради.

Капитал ўсишини таъминловчи банк кредити ёки банк инвестициялари - бу банк ресурсларини фоизлар ёки дивидендлар кўринишида фойда олиш мақсадида узоқ муддатга қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларига, асосан саноатга қўйишдир.

Ҳукумат кредитлари ёки ҳукуматлараро ва давлат заёмлари ҳукумат кредит муассасалари томонидан берилади. Масалан, АҚШ, Япониянинг экспорт-импорт банклари томонидан, Франциянинг ташқи савдо банки ва экспортни узоқ муддатга кредитлаш, қайта молиялаштириш, хусусий банкларнинг суғурга кредитларини кафолатлаш билан шугулланаётган бошқа банклари томонидан берилади. Бу кредитларнинг хусусияти уларнинг имтиёзлилиги ва мақсадлилигидир.

Халқаро ташкилотларнинг кредитлари асосан Халқаро валюта фонди, Умумжаҳон банки, Европа ҳамжамиятининг кредитлари, шунингдек, қатор ҳудудий кредит банклари томонидан берилади.

Кредитлашнинг объектга қараб молиявий ва боғлиқ кредитлар ажратилади.

Молиявий кредит деганда молиялаштириш объектини келишмаган ҳолда, яъни кредитлаш мақсадларини аниқламасдан туриб, пул-валюта кўринишида маблағлар бериш тушунилади. Бу қарзларни тўлаш ҳам, инвестициялар бериш ҳам бўлиши мумкин. Молиявий кредитнинг энг тарқалган шакли облигация ҳисобланади. Улар хорижий қарз оловчилар томонидан банклар ёрдамида ссуда капиталининг халқаро ва миллий бозорларида жойлаштирилади.

Молиявий кредитлар кредит бераётган мамлакатлар валютасида, шунингдек, учинчи валюталарда ёки, агар қарз бир неча мамлакатларда жойлашган бўлса, бир неча валюталарда берилиши мумкин. Облигациялар ҳиссасига ссуда капиталлари халқаро бозорларидаги барча ўзлаштирилган маблағларнинг 61 фоизи тўғри келса, қолган 39 фоизи банк кредитларига тўғри келади. Кредитлар маълум мақсадлар учун берилади. Бу аниқ ташқи савдо операциялари (тижорат кредити), ёки маълум инвестиция, ёки бошқа лойиҳалар бўлиши мумкин.

Халқаро кредитнинг барча кўринишлари ва шакллари бир-бири билан ўзаро боғланган, баъзи ҳолларда бир-бирига мос келади. Масалан, фирма, тижорат ва боғлиқ кредитлар еки қисқа муддатли ва тижорат кредитлари, узоқ муддатли ва молиявий кредитлар ва ҳ.к.

Халқаро кредит миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Биринчидан, у бўш пул маблағларини айрим мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлайди, уларни жаҳон хўжалиги самарадорлигининг ўсишини таъминловчи соҳаларига йўналтиради.

Иккинчидан, капитални айланиш вақтини қисқартиради, ҳисобларни жадаллаштиради ва шу билан муомала харажатларини камайтиради.

Учинчидан, миллий иктисодиётга таъсир этувчи муҳим восита ҳисобланиб, халқаро кредит давлатга иктисодий ўсиш самарадорлигини тартибга солиш имконини беради.

4. Халқаро ссуда капитали бозори.

Қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида воситачи бўлиб ссуда капитали бозори қатнашади. Халқаро ссуда капитали бозори - бу бўш турган пул капиталларининг тўпланиши ва мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлаш бўйича муносабатлар мажмуасидир. Унинг асоси евро-бозор ҳисобланади. Унда операциялар устун равишда долларда, шунингдек еврода, иенада ва бошқа конвертирланадиган валюталарда, улар келиб чиққан мамлакатлар ташқарисида амалга оширилади. Бу бозорнинг асосий иштирокчилари йирик фирмалар ва банклар, молия, суғурта, инвестиция, ҳолдинг компаниялари, нафақа фондалари, ҳукумат ташкилотлари ва халқаро валюта-кредит муассасалари ҳисобланади.

Пул бозори ва капитал бозори. Халқаро ссуда капитали бозори ўз ичига пул ва капиталлар бозорларини олади.

Пул бозори - бу халқаро савдода хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қисқа муддатли операциялар (бир неча соатдан бир йилгача) бозоридир. Унинг муҳим қисми банклараро бозор ёки қисқа муддатли таъминланмаган банклараро ссудалар (депозитлар) бозоридир. Бу ерда ссуда капитали харид ва тўлов маблағи сифатида амал қилади ва юқори ликвидлик ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради.

Капиталлар бозори узоқ муддатли операциялар бозори ҳисобланади. Унда ссуда капитали ўз-ўзидан ўсиб борувчи қиймат сифатида қатнашади, яъни шаклига кўра у ўз навбатида кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларига бўлинади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори капиталлар бозорининг асосий бугини ҳисобланади. Унда облигациялар, акцияларни чиқариш ва уларни иккиламчи жойлаштириш амалга оширилади. Дастлаб у фонд биржалари сифатида пайдо бўлди, бироқ ҳозирги вақтда унинг биржа бўлмаган тури кенгаймоқда.

Пул ва капиталлар бозорлари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган ва бу айниқса, қисқа муддатли ресурсларнинг ўрта ва узоқ муддатли кредитларга айланиш жараёнида яққол намоён бўлади.

Жаҳон ссуда капитали бозори географик жиҳатдан жаҳон савдоси ва капитал миграциясига хизмат кўрсатувчи кўп сонли кредит-молия муассасалари тўпланган йирик халқаро молиявий марказлар мажмуаси сифатида акс эттирилиши мумкин.

Облигация, акциялар чиқариш ва қимматбаҳо қоғозлар савдоси кенг тарқалган Нью-Йорк халқаро валюта, депозит ва кредит операцияларида етакчи мавқега эга бўлган Лондон, Цюрихларни шулар жумласига киритиш мумкин. Сўнгги йилларда жаҳон савдо ва молия марказлари қатори Сингапур, Гонконг, Бахрейн ва бошқалар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Ссуда бозорида капиталлар ҳаракатини асосий тартибга солувчиси бўлиб кредит қиймати ҳисобланади. У учта таркибий қисмдан иборат:

- фоиз ставкаси;
- комисион ва бошқа тўловлар;
- суғурта мукофотлари.

Бевосита қарз берувчига тўланадиган асосий қисми фоиз ставкаси ҳисобланади. Унинг даражаси жаҳон миллий пул бозорларининг аҳволига, шунингдек, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги келишувларга боғлиқ.

Фоиз ставкалари қайд этилган ва сузиб юривчи ставкаларга бўлинади. Қайд этилган фоиз ставкалари кредитнинг барча муддатига белгиланади.

Сузиб юривчи фоиз ставкаси қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида келишилган муддат ўртасида (асосан 3 ва 6 ойдан кейин) капитал бозоридаги аҳволга қараб қайта кўриб турилади.

Сузиб юривчи фоиз ставкаси икки қисмдан таркиб топади:

1. Асос қилиб олинган ставка. Бундай ставка сифатида АҚШ банкларининг биринчи даражали қарз олувчилари учун ставкалари, шунингдек, Лондон банкларн томонидан шу тоифадаги мижозларга қисқа муддатли ссудаларни беришда ишлатиладиган ўрта фоиз ставкалари (либор) қўлланилади. Расмий жиҳатдан либорнинг ўрнатилган даражаси мавжуд эмас. Ҳар бир йирик Лондон банки бу ставкани валюта бозоридаги талаб ва таклифга қараб аниқлайди. Либор валюта турлари ва муддатига қараб (1, 3, 6 ва 12 ой) табақалаштирилган.

2. Устамалар ёки маржа. Унинг миқдорн қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасидаги келишув бўйича аниқланади.

Кредит қийматининг иккинчи қисми - комиссияон тўловларидир. У қарз берувчи банкка белгиланган муддат мобайнида зарур кредит ресурсларини қарз олувчи ихтиёрига бериш ва резервда сақлаш мажбурияти учун тўланади. Шунингдек, комиссияон тўловлар агар кредит алоҳида банклар томонидан эмас, балки банклар уюшмаси томонидан берилса, кредит операцияларини ўтказишни бошқариш учун ҳам тўланади. Сўнги ҳолда етакчи банк ёки уюшма ишини ташкил этувчи менежер кредитлашда қатнашиш ҳиссасини ҳамда қарзни узишдан, фоизларни тўлашдан тушадиган маблағларни уюшма аъзолари ўртасида тақсимлайди. Бунинг учун қарз олувчидан бошқариш учун бир марталик тартибда комиссияон тўловлар олинади.

Кредит қийматининг сўнги қисми суғурта мукофоти бўлиб, махсус суғурта муассасаларига тўланади. Чунки улар юз бериши мумкин бўлган йўқотишларни суғурта қилувчи билан келишилган миқдор доирасида қоплаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Ҳозирги вақтда экспорт кредитлари суғурта қилиш эҳтимоли бўлган йўқотишларнинг 80-90 фоизини ташкил этади, баъзида эса ҳатто 100 фоизни.

Кредит қиймати ссуда капитали бозоридаги талаб ва таклиф асосида аниқланади. Кредитларнинг барча турлари, яъни хусусий, ҳукумат ва халқаро ташкилотларнинг кредитлари устун равишда бозор қиймати бўйича берилади, бироқ баъзи ҳолларда қарз олувчи томонидан маълум шартлар сақланганда ҳукумат кредитлари ва халқаро ташкилотларнинг кредитлари бозор қийматидан паст бўлган имтиёзли нарҳда берилиши мумкин. Белгиланган муддат тугагандан сўнг қарз олувчи асосий қарз ва фоизлар бўйича қарзларни тўлаши лозим. Биринчи асосий қарз - бу фойдаланилган ва маълум вақтгача ҳали қопланмаган кредит миқдоридир. Иккинчиси, бу узилмаган асосий қарз бўйича ҳисобланган ва маълум муддатгача ҳали тўланмаган фоизлар миқдоридир.

Асосий узилмаган қарзга тўловлар ва у бўйича ҳисобланган фоизларга тўловлар ўзида ташқи қарзга хизмат кўрсатиш бўйича ҳаражатларни акс эттиради.

Кредит муддати: фойдаланиш муддати, имтиёзли давр ва узиш муддати ҳар бир қарз олувчи қарздан ўз вақтида қутилиш имкониятига эга бўлиши учун олинган қарздан энг кўп даражада самарали фойдаланишга ҳаракат қилиши лозим. Бунда кредит муддати муҳим аҳамиятга эга. Кредитнинг тўла ва ўрта муддатлари фарқланади. Кредитнинг тўла муддати

фойдаланиш муддатини, имтиёзли даврни ва узиш муддатини ўз ичига олади.

Банк кредитидан фойдаланиш муддати бу қарз олувчи ўз мажбуриятларини тўлаш учун банк ссудасидан фойдаланиш муддатидир. Фирма кредити бўйича эса товарни етказиб бериш ва харидор томонидан экспорт қилувчига ўз розилигини билдириш йўли билан қарздорлигини тан олиш муддатидир.

Имтиёзли давр - бу кредитдан фойдаланиш муддатидан кредитни узиш бошланишигача бўлган даврдир. Бу даврнинг миқдори инвестиция товарларини етказиб беришни кредитлашда катта аҳамиятга эга. Чунки у кредитни қоплашнинг бошланиши олинган ускуналарни ишга туширишга яқинлаштиради ва шу асосда капитал қўйилмаларни қоплаш муддатини қисқартиришга имкон беради.

Узиш муддати - бу кредитлар бўйича асосий қарзни, ҳисобланган фоизлар ва комиссия туловларини тўла тўлаш юз берадиган вақтдир.

Фойдаланиш, узиш муддатлари ва имтиёзли даврни кредитлашнинг турли вариантларида турлича бўлганлиги сабабли, кўплаб ҳисоб-китобларни амалга оширишда кредитнинг ўртacha муддати қўлланилади. Агар кредитдан фойдаланиш ва уни узиш тенг меъёрада амалга оширилса, у ҳолда унинг ўртacha муддати қуйидагига тенг фойдаланиш муддатининг ярми имтиёзли давр узиш муддатининг ярми.

5. Чет эл инвестициялари тушунчалари.

Тадбиркорлик капитали ҳаракати капитални олиб келиш ва олиб чиқишнинг янги, бироқ жадал ривожланаётган шакли ҳисобланади. Халқаро кредит каби, у ҳам хўжалик алоқалари байналмилаллашувига ёрдам беради, чет эл инвестициялари кўринишида ишлаб чиқариш соҳасининг янгилиниши ва кенгайишида бевосита қатнашади.

Чет эл инвестициялари деганда миллий иқтисодиётга хорижий мамлакатларнинг валютатадаги пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, шунингдек, кредитлар кўринишидаги капитал қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади.

Бу қўшма корхоналарда ўз ҳиссаси билан қатнашиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, чет элик шахслар томонидан корхоналар, кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар, шунингдек, заёмлар ва кредитларни сотиб олиш бўлиши мумкин.

Шундай қилиб кенг маънода инвестицияларнинг уч хили фарқланади:

- ҳақиқий, яъни моддий ишлаб чиқариш тармоқларига узок муддатли маблағлар қуйиш;
- молиявий ёки халқаро кредит-молия фаолияти, бунга қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ҳам киради;
- интеллектуал - бу мутахассисларни тайёрлаш, тажриба, лицензия ва «ноу-хау» бериш, биргаликдаги илмий ишланмалар ва бошқалар.

Чет эл инвестициялари тушунчаси халқаро кредит тушунчаси билан баъзан бир-бирига мос келади. Бу аввало молиявий инвестицияларга тегишлидир. Унинг таркибий қисми бўлиб портфель инвестициялар ҳисобланади. Кўпинча чет эл инвестицияларининг тор маънодаги тушунчаси қўлланилади. Бунда чет эл инвестициялари деганда инвесторга корхона фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқини берувчи тўғридан-тўғри қўйилмалар тушунилади. Тўғридан-тўғри инвестиция қилишнинг бу хусусияти капитал кетаётган ва уни қабул қилиб олаётган мамлакатларнинг иккиёқлама муносабатларини асослайди.

Капитал чиқараётган мамлакатлар учун капиталнинг «оқиб кетиши», бир томондан, имкониятли ишчи жойларининг ва капиталнинг йўқолишини, бошқа томондан, ўзининг жаҳон бозорида қатнашувини кенгайтириш ва юқори фойда олишини билдиради. Қабул қилиб олаётган мамлакатлар учун чет эл инвестициялари, бир томондан, иқтисодиётнинг алоҳида бўғинлари устидан назорат йўқолишига олиб келса, иккинчи томондан эса янги технологиялар, бошқариш усулларига бўлган кенг қизиқишни акс эттиради.

Бу шароитлар тўғридан-тўғри инвестициялар жараёнининг кўтарилиши ва пасайишини, унинг йўналиши ва хусусиятлари ўзгаришини тушунтиради.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг жаҳон бўйича олиб чиқиш ва олиб келиш хажмлари бир-бирига тенг бўлиши керак, аммо бирон амалиётда улар барабар бўлмайди, чунки уларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳисоб-китоб қилишда қатор фарқлар мавжуд.

Ҳозирги босқичда бу жараённинг хусусияти биринчидан, саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида тўғридан-тўғри инвестицияларни ўзаро айирбошлашдир. Авваллари улар устун равишда ривожланаётган давлатларга йўналтирилган эди. Иккинчидан, уларни қазиб олувчи тармоқларда эмас, балки қайта ишловчи саноат тармоқларида, хусусан иқтисодиётнинг юқори технологияли бўғинларида тўплаш.

Асосий тушунчалар:

1.Капиталнинг халқаро ҳаракати -капиталнинг юқорироқ фойда олиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчишидир.

2.Ссуда капитали - қайтариб бериш ва фондларни тўлаш шарти бўйича бериладиган капитал.

3.Тадбиркорлик капитали -хорижда корхоналарни яратиш мақсадида бериладиган капитал.

4.Бевосита (тўғри) инвестициялар -инвесторга хорижий корхоналар устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи инвестициялар.

5.Портфелли инвестициялар -инвестор хорижий корхонани бевосита бошқаришда қатнаша олмайдиган ва фақат акциялардан дивидендлар олиб туришга йўналтирилган инвестициялар.

6.Фирма ёки тижорат кредити -бир фирма томонидан бошқасига тўлов муддатини чўзиш шарти билан товарларни сотиш кўринишида бериладиган кредит.

7.Банк кредити -кредит битимларининг йўналиши, муддати билан чегараланмаган кредит тури.

8.Форфейтинг -импорт қилувчи томонидан тўлашга розилик билдирилган векселларни экспорт қилувчидан сотиб олиш шаклидаги кредитлаш.

9.Факторинг -воситачи компания томонидан қарздорнинг тўлов мажбуриятларини тўловга қабул қилиб, уни тезда ёки ўрнатилган муддатларда мол эгасига тўлаш.

10.Молиявий кредит -кредитлаш мақсадлари аниқланмасдан, пул-валюта кўринишида маблағларни бериш.

11.Боғлиқ кредитлар -маълум мақсадлар учун бериладиган кредит.

12.Халқаро ссуда капитали бозори -бўш турган пул капиталарининг тўпланиши ва мамлакатлар ўртасида қайта тақсимланиши бўйича муносабатлар мажмуаси.

13.Пул бозори -халқаро савдода хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қисқа муддатли операциялар бозори.

14.Капиталлар бозори-узоқ муддатли операциялар бозори.

Назорат саволлари:

1. Капитал ҳаракатининг моҳияти нимадан иборат?
2. Ссуда капитали ва тадбиркорлик капитали ўртасидаги фарқни айтинг.
3. Тўғри ва портфель инвестициялар деганда нимани тушунилади?

4. Халқаро иқтисодий муносабатларда капитал ҳаракати аҳамиятининг ўсишини нима билдиради?
5. Замонавий шароитларда капитал ҳаракати йўналишларининг ўзгариши қандай?
6. Фирма кредити нима ва у қайси ҳолларда ишлатилади?
7. Банк кредитининг хусусиятлари ва ўзига хос шакллари нимадан иборат?
8. Молиявий кредит боғлиқ кредитдан қайси хусусиятлари билан ажралиб туради?
9. Халқаро кредит миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги ривожланишида қандай роль ўйнайди?
10. Халқаро ссуда капитали бозори деганда нима тушунилади? У ўз ичига қайси бозорларни олади?
11. Кредит қийматининг қандай таркибий қисмлари мавжуд?
12. Кредитнинг тўла ва ўрта муддатлари ўз ичига нималарни олади?
13. Чет эл инвестицияларининг миллий иқтисодиётдаги роли қандай?
14. Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қандай шароитлар яратилган?

10-боб. Халқаро меҳнат бозори

1. Ишчи кучининг халқаро миграцияси ва унга таъсир этувчи омиллар

Ишчи кучининг халқаро миграцияси, яъни меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш қидириб бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга кўчиб юриши ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Инсоният тарихи одамларнинг катта-катта гуруҳларининг у ёки бу мамлакатга кўчишлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга бой: Фарбий Европа мамлакатлари томонидан Шимолий Американинг ўзлаштирилиши, Британия оролларида чикқанларнинг Австралия қитъасини эгаллашлари, Хитойдан Жанубий Осиё мамлакатларига оммавий кўчишлар, Шимолий ва Жанубий Америкага Африкадан қора танли кулларнинг ташиб келтирилиши бир қатор ҳозирги ривожланган давлатларнинг вужудга келиши ва юксалишига сабаб бўлган (АҚШ, Канада, Австралия, янги саноатланган мамлакатлар ва бошқалар). Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг барча босқичларида ишчи кучи миграцияси жараёни юз бериб келди, айниқса, у иккинчи жаҳон урушидан сўнг янада кучайди.

Ҳозирги пайтда статистик маълумотларга қараганда дунёда ҳар ўн оиладан бири кўчиб юради, уларнинг тўртдан уч қисми ишчи кучи миграциясига тўғри келади. Дунё бўйича бундай ишчи кучларининг умумий сони 25 млн. кишига яқин.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг ҳозирги даражаси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларида ишчи кучининг ўрни ва аҳамиятини тубдан ўзгартириб юборди, давлатлараро алоқалар маданиятини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди.

Халқаро меҳнат бозори бу ишчи кучи истеъмолчилари ва уларни етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи механизм ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига қўшилиши унинг жаҳон меҳнат бозорида ҳам фаол қатнашишини тақозо этади. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки йилларидаги ўзгаришлар, демографик вазиятнинг мураккаблиги Ўзбекистонни ишчи кучини экспорт қилувчи давлатга айлантириши мумкин. Шу билан бирга бошқа хорижий мамлакатлардан юқори малакали ишчи кучини жалб қилиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 79 давлати билан халқаро меҳнат бозори муносабатларига киришган. Кейинги 5 йил ичида кўплаб ёшларимиз Жанубий Корея, АҚШ, Малайзия давлатларида касб ва малака олиб қайтдилар. Хусусий шартномалар орқали ҳам кўплаб фуқароларимиз хорижда ишламоқдалар. Келгусида Япония, Саудия Арабистони қатори Европа Ҳамжамияти мамлакатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун пойдевор яратилган.

Собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари каби Ўзбекистонда ҳам аҳолининг ташқи миграцияси икки оқимда рўй бермоқда:

- меҳнат миграцияси, яъни қайтиб келиш ва фуқароликни сақлаш шarti билан;
- этник миграция, яъни қайтиб келмаслик ва фуқаролик сақланмаслиги шarti билан.

Ҳозирда Ўзбекистонда халқаро меҳнат бозорида фаол қатнашишни таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий асослар шаклланимоқда ва бу соҳадаги давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз миграция сиёсатининг асосий мақсади миграция оқимларини Ўзбекистоннинг мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилиш нуқтаи назаридан бўлиб, у асосан хорижий мамлакатлардаги ривожланган тармоқлар ва корхоналарда касб-малакага эга бўлиш билан боғлиқ.

Маълумки, халқаро меҳнат бозоридаги вазият бошқа барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида аниқланади ҳамда бир қатор омиллар билан белгиланади. Бу омиллар ўзаро боғланган бўлиб, шартли равишда иқтисодий, демографик ва сиёсий омилларга бўлинади. Булардан иқтисодий омиллар энг муҳими саналади, чунки қолган барча омиллар пировардида иқтисодий муаммоларга айланади ёки иқтисодий оқибатларга олиб келади. Масалан, мамлакатдаги ишчи ўринларига нисбатан аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши ва бошқалар.

Иқтисодий омиллар ҳар бир мамлакат иқтисодий тизимининг мустақамлиги, унинг ўсиш даражаси ва ривожланиш кўламини белгилайди. Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий имкониятлар, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи ўртасида юзага келган сезиларли фарқ, ишчи кучларининг мамлакатлараро кўчиб юришига сабаб бўлувчи муҳим омил ҳисобланади. Масалан, АҚШ ва Мексикадаги даромадларининг тахминан 10 мартагача фарқ қилиши, мексикалик ишчиларни АҚШ га иш қидириб кўчиб ўтишларининг асосий сабаби ҳисобланади. 80-йилларнинг

бошида Европа Ҳамжамияти мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот жами ҳамжамиятга аъзо бўлмаган мамлакатларникидан 4,7 марта ортиқ бўлган. Шундай қилиб Ер юзида ривожланган бой мамлакатларнинг ва ривожланмаган камбағал мамлакатларнинг мавжудлиги халқаро меҳнат бозори амал қилишини белгилловчи асосий омил ҳисобланади.

Жаҳон меҳнат бозорининг аҳволи у ёки бу давлатларнинг иқтисодий ривожланиш суръатларининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Жумладан, бундай боғлиқлик даврий пасайишлар ва кўтарилишлар пайтида, жаҳон бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифда бевосита акс этади ҳамда мамлакат қанчалик йирик бўлса, унинг таъсири ҳам шунчалик кучли бўлади. Масалан, 1991-1992 йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида даврий пасайиш рўй берди. Бунинг натижасида, 1992 йилнинг ўрталарига келиб расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 30 млн. дан ошиб кетди, ишсизлик даражаси 1974 йилдаги 5,2 фоиздан 6,0 фоизга кутарилди. Шу билан бирга бундай ҳолат ўз навбатида ривожланган мамлакатларда хорижий ишчи кучига бўлган талабнинг пасайишига олиб келди.

Аҳолининг ўсиш суръати, аҳоли сонининг кўпайиши ёки қисқариши билан боғлиқ бўлган омиллар демографик омиллар бўлиб синалади. Жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши, бу мамлакатларнинг шундай ҳам оғир иқтисодий аҳволини янада мураккаблаштириб, ташқи миграцияга шарт-шароит яратади ҳамда уларни жаҳон бозорига асосан ишчи кучи етказиб берувчи давлатларга айлантиради. Ва аксинча ишчи кучининг асосий истеъмолчиси иқтисодий ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан юқори бўлган ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Масалан, 90- йилларнинг бошларида Иқтисодий ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатларида иқтисодий фаол аҳоли йилига уртача 0,8 фоиз кўпайди, ички миллий маҳсулот ҳажми эса 3 фоизга ошди.

Аҳолишунос мутахассисларнинг тахминларига кўра асримизнинг сўнгги йилларида вужудга келган, ер юзи аҳолисининг ўсиш тенденцияси ХХI асрнинг бошларида ҳам сақланиб қолади. Жаҳон аҳолиси 2025 йилгача 3.26 млрд кишига кўпайиши кутилмоқда. Бу асосан «учинчи дунё» мамлакатлари ҳисобига бўлади. Яъни «учинчи дунё» мамлакатларининг Европа мамлакатларига ва АҚШга «демографик тазйиғи» 2010 йилларнинг ўрталаригача сақланиб қолиши мумкин.

Жаҳон мамлакатларидаги меҳнат тақлифи

Мамлакатлар	Меҳнат ресурслари, 1995 и.			
	15-64 ёшдаги ишчилар, минг киши		Уртача йиллик ўсиш, фоиз	
	Эркак	Аёл	1965-1993	1995-2025
Жануби-Шарқин				
Осиё:				
Вьетнам	19299	16996	2,53	2,05
Индонезия	52766	24161	2,48	1,50
Хитон	406660	316623	2,60	0,41
Малайзия	5365	3004	349	2,01
Мьянма	12529	6983	2,33	1,90
Таиланд	16542	13084	2,66	0,63
Филиппин	17426	7644	2,85	1,91
Европа ва Марказий				
Осиё:				
Озарбайжон	1670	1278	2,23	
Арманистон	387	754	2,71	
Беларусь	2671	2551	1,42	
Болгария	2225	2007	0,00	-0,07
Венгрия	2878	2398	0,34	-0,15
Грузия	1381	1179	1,13	
Козогистон	4192	3608	2,30	
Латвия	962	827	2,41	
Киргизистон	660	631	0,62	0,02
Литва	953	888	0,87	0,20
Молдова	1081	1025	1,13	
Польша	10583	36613	0,88	0,34
Россия	39212	9081	1,04	
Руминия	6112	5373	0,43	0,42
Тожикистон	1082	792	2,70	
Туркменистон	816	663	2,95	
Туркия	17067	8856	2,36	1,65
Ўзбекистон	4240	3644	2,83	
Украина	13060	12496	0,66	
Эстония	394	372	0,76	
Латин Америкаси:				
Аргентина	8472	3442	1,25	1,28
Бразилия	41470	16551	2,90	1,31
Колумбия	8788	2553	2,72	1,52
Мексика	23132	8937	3,58	1,83
Венесуэла	5351	2154	3,73	1,75
Яқин Шарқ ва Шимолӣ				
Африка:				
Жазоир	5926	676	3,06	3,32
Миср	14430	1687	2,70	2,35
Эрон	15765	3737	3,86	3,74
Марокаш	7100	1893	3,39	2,52
Сурия	2911	634	3,69	4,46

ИХТТ га аъзо				
Мамлакатлар:				
Буюк Британия	17290	10941	0,45	-0,04
Германия	24381	15493	0,52	-0,31
Испания	10741	3527	0,84	0,08
Италия	15653	7469	0,45	-0,41
Канада	8353	5607	2,24	0,65
АҚШ	73443	52242	1,70	0,44
Франция	15641	10721	0,95	-0,07
Япония	36799	23025	0,83	0,35
Жанубий Осиё:				
Бангладеш	31458	2723	2,57	2,75
Хиндистон	260802	83502	2,09	1,61
Покистон	34008	5344	0,29	3,21
Африка:				
Зоир	5530	5128	2,45	3,54
Нигерия	26686	13993	2,73	3,19
Судан	6630	2045	2,87	3,42
Эфиопия	13425	7777	2,17	2,86
ЖАР	9275	5250	2,56	2,40

Айрим мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги уларнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир этиб мамлакат ишчи кучининг четга оқимини кескин кучайтиради. Масалан, сиёсий омил собиқ социалистик мамлакатларда рўй берган кенг кўламли аҳоли миграциясини аниқловчи сабаблардан бири бўлди. Агарда бу мамлакатларда аҳоли миграцияси 90-йилларнинг бошларигача маъмурий чоратadbирлар натижасида тўхтатиб турилган бўлса, ислохотларнинг бошланиши ва барча маъмурий тўсиқлар олиб ташланиши билан муҳожирлар оқими кескин ортди, оқибатда бу жараён жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятга, айниқса, унинг Европа қисмига сезиларли таъсир кўрсатди. Дастлаб Югославия, сўнгра Венгрия, Польша йирик миқдорда ишчи кучини экспорт қилувчи давлатларга айландилар. Кейинги пайтда бу мамлакатларга собиқ Иттифоқ республикалари ҳам қўшилдилар.

Мутахассисларнинг тахминларига кўра, яқин йиллар ичида собиқ Иттифоқдан 250 мингга яқин киши, гарб мутахассисларининг ҳисоблари бўйича эса 500 мингга яқин киши Европа мамлакатларига ишлаш ва яшаш учун кўчиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий, демографик ва сиёсий омилларнинг умум таъсири жаҳон меҳнат бозоридаги аҳволни, унинг миқёсини, таркибини ва ривожланиш суръатларини белгилаб беради.

2. Иқтисодий назариялар ва меҳнат миграциясининг самарадорлиги

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий муносабатларининг муҳим шакли ҳисобланган ишчи кучи миграцияси узоқ йиллар давомида иқтисодий ташвиқотлар объекти бўлиб келмоқда. Ишчи кучини четдан олиб келувчилар учун ҳам, уни четга чиқарувчилар учун ҳам ташқи меҳнат миграциясининг ижобий ва салбий оқибатларини таҳлили асосида, ишчи кучлари ҳаракатининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга оид қатор иқтисодий назариялар ишлаб чиқилган. Булар ичидан кўпроқ маълум бўлгани ишчи кучи халқаро миграциясининг «Баланс» ва «Ассимметрия» назариялари бўлиб, уларнинг ҳар бири ишчи кучининг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юришини турлича тушунтиради. «Баланс» ёки неоклассик назария миграцияни тор маънода, яъни асосан меҳнатга ҳақ тўлаш, ишчи кучи билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши нуктаи назаридан кўриб чиқади ёки ишчи кучи миграциясини товарлар ва капитал оқими сингари яна бир ишлаб чиқариш омилининг ҳаракати сифатида тушунтиради. Ушбу назарияга биноан, миграция меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги тафовутлар кўпайиб бориши билан ўсиб боради. Иш ҳақи даражаси ишчи кучини жўнатувчи мамлакатларда кўтарилиб борса ва аксинча уларни қабул қилувчи мамлакатларда пасайиб боради ёки ишчи кучи баҳоси турли мамлакатларда тенглашиб борса, мавжуд меҳнат ресурсларининг кўчиб юришига зарурат қолмайди.

Аммо, бу назария ҳозирги пайтда турли давлатларнинг амалдаги нотекис ривожланишини назарда тутиб, ташқи меҳнат миграциясини ишчи кучини экспорт қилувчи учун ҳам, уни импорт қилувчилар учун ҳам, қолаверса, бутун жаҳон хўжалиги учун ҳам ижобий оқибатларга эга деб эътироф этади.

Ташқи меҳнат миграциясидан ишчи кучини экспорт қилувчи ёки жўнатувчи мамлакатларнинг оладиган фойдаси шундан иборатки, унинг ёрдамида мамлакат аҳолисини етарли даражада иш билан банд бўлмаганлиги туфайли вужудга келадиган иқтисодий ва ижтимоий харажатлардан қутилади ҳамда хорижда ишлаётганларнинг юбораётган пул жўнатмаларига, қайтиб келаётган ишчиларнинг касб ва тил кўникмаларига эга бўладилар.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари, хусусан, Миср, Покистон, Туркия, Югославия, Сальвадор, Никарагуа ва бошқа мамлакатлар учун ишчи кучларини четга чиқаришдан олинадиган даромад экспорт тушумларининг муҳим манбаи

ҳисобланади. Масалан, 1978-1988 йиллар мобайнида туркиялик хорижда ишловчиларнинг йиллик жўнатмаларининг ҳажми 893-2490 млн АҚШ долларини ташкил қилган ёки Туркия ташқи савдо баланси тақчиллигининг 45-100 фоизини қоплаган. Агарда 1989 йилда Туркия, Португалия ва Марокашда хорижда ишловчиларнинг пул жўнатмалари миқдори шу мамлакатлар экспорти ҳажмининг 25-40 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Мисрда 90 фоизни, Покистонда 80 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Никарагуа ва Сальвадорда эса пул жўнатмалари миқдори уларнинг экспорт тушумларидан ҳам ошиб кетган.

Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг ташқи меҳнат миграциясидан оладиган фойдаси шундан иборатки, хориждан арзон ишчи кучи жалб қилиш мамлакат ичкарисида иш ҳақи ўсиб боришининг олдини олади ва натижада инфляция хавфи бартараф этилади. Умумжаҳон хўжалиги учун меҳнат ресурсларининг эркин кўчиб юриши иқтисодий самарадорликни янада ошириш имконини беради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра жаҳон ялли миллий маҳсулоти ҳажмини шу жараён ҳисобига 15-16 триллион АҚШ долларигача кўпайтириш мумкин.

Шу билан бирга ишчи кучи ташқи миграциясининг «Баланс» назарияси реал ҳаётнинг аксарият жиҳатларини, чунончи, иммиграция қабул қилувчи мамлакатларда аҳолининг ёш таркибига, умумий фаровонлигининг ўсишига, уй-жой шароитига, жамоат тартибининг барқарорлигига, жамият маданий-диний бир хиллигини бузилишига ва бошқаларга бўлган таъсирини ҳисобга олмайди.

Аксинча, «Асимметрия» назарияси ишчи кучи миграцияси натижасида юзага келадиган турли хил оқибатларни баҳолашга кенгроқ ёндошади ва бунда унинг устунликлари сезиларли даражада камайтиради, баъзида устунлик ҳолати бутунлай юз бермайди.

Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар бу жараёнда аҳолисининг айна меҳнатга яроқли (24-40 ёш) қисmini йўқотади. Уларнинг пул жўнатмалари аксарият ҳолларда инвестициялар шаклида эмас, балки кундалик истеъмол учун ишлатилади. Натижада чет элларда ишлаётганларнинг даромадларидан миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун фойдаланиш имкони бўлмайди. Ундан ташқари ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар учун бу жараён интеллектуал йўқотишлар билан ҳам боғлиқ. Жумладан, хорижий экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра юқори малакали

мутахассисларнинг собиқ Иттифоқдан эмиграцияси натижаси-даги йўқотишлар йилига 60-70 млн. АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда. Бу назария тарафдорларининг таъкидлашларича, ишчи кучи миграцияси туфайли ривожланган мамлакатлар билан «учинчи дунё» мамлакатлари ўртасида иқтисодий ривожланишдаги фарқ камаймайди.

Шундай қилиб, жаҳон миграция жараёнларига турли хил ёндошишлар ва баҳолаш мезонлари мавжуд бўлиб, улар алоҳида мамлакатлар давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

Шу билан бирга иқтисодий назариялар ишчи кучининг мамлакатлараро кўчиб юришининг объектив зарурлигини ва кучайиши қонуниятларини инкор этмайди.

3. Халқаро меҳнат бозори

Ишчи кучининг халқаро миграцияси сўнги ўн йилликларда кучая бориб, дунё бўйлаб кенг ёйилмоқда ҳамда жаҳон хўжалиги тараққиётига, меҳнат ресурслари билан айирбошлашга фаол тортилган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, демографик, сиёсий ва маданий-диний вазиятига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда. Расмий маълумотларга қараганда 1990 йилда Фарбий Европа мамлакатларида 15,2 млн.га яқин чет эллик истикомат қилган, шу жумладан Европа ҳамжамияти мамлакатларида 13,4 млн. киши ёки тўб аҳолининг 5 фоизи. Европанинг айрим мамлакатларида уларнинг салмоги янада юқори. Хусусан, Швецияда 16,5 фоиз, Белгияда-9,1 фоиз, Германияда-8,4 фоиз. Мутахассислар улуши эса 10 фоизга етади.

Ўз навбатида, Европа мамлакатларидан ҳам ҳар йили миллионлаб одамлар яхши ҳаёт қидириб турли давлатларга кўчиб боришади. Масалан, хорижий ишчилар сони АҚШ да 5,65 млн., Латин Америкасида 3,5-4 млн., Яқин Шарқ ва Шимолий Америка мамлакатларида 2,8 млн., Фарбий Африкада 1,3 млн. кишини ташқил этади.

Ҳозирги пайтда миграция оқимининг географик йўналишлари бўйича ишчи кучи жаҳон бозорининг 4 та йирик маркази шаклланган. **Биринчи марказ** 60-70-йилларда Яқин Шарқ мамлакатларида нефть қазиб чиқариш саноатининг тараққий этиши, унга боғлиқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожланиши билан таркиб топган.

Бу мамлакатларда ишчи кучига бўлган талабнинг кескин ошиши асосан чет эл фуқароларини жалб қилиш ҳисобига қондирилиши мумкин эди, холос. Шу даврдан бошлаб бу минтақада жадал миграция жараёнлари бошланди. Ишчи

кучларининг сониди хорижий ишчи кучининг улуши (Покистон, Хиндистон, Корея, Филиппин ва бошқа мамлакатлардан) Бирлашган Араб Амирликларида 90 фоизга яқин, Қатарда -80 фоиздан юқори, Қувайтда -70 фоизга яқин, Саудия Арабистони ва Бахрайнда 40 фоизга яқинни ташкил этди.

Иккинчи марказ - ривожланган Ғарбий Европа мамлакатлари бўлиб, миграция омили бу мамлакатларнинг урушдан кейинги даврда ўз иқтисодиётларини тиклашда асосий роль ўйнади. Ҳозирги пайтда ҳам хорижий ишчи кучи паст малакали ва нуфузли бўлмаган тармоқларда кенг қўлланади. Бу тармоқларда (автомобилларни йиғиш, тоғ-кон ва металлургия саноати ва бошқалар) хорижликлар 70 фоизни ташкил этади.

Европанинг 15 мамлакати доирасида ягона меҳнат бозорининг барпо этилиши, бу минтақанинг аҳамиятини кучайтирди ва уни хорижий ишчи кучи учун жозибали қилиб қўйди.

Жаҳон меҳнат бозорининг **учинчи йирик маркази** АҚШ ва Канада. Бу ерга нафақат Латин Америкасидан паст малакага эга бўлган ишчилар, балки юқори малакали мутахассислар ҳам интиладилар. Шу сабабли, АҚШ ўзининг замонавий фан-техникага асосланган тармоқларини, юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини кадрлар тайёрлашга катта харажатлар килмасдан таъминлади.

Халқаро меҳнат бозорининг **тўртинчи маркази** Аргентина бўлиб, ҳозирда бу ерда юзага келган қулай иқтисодий вазият қўшни мамлакатлардан арзон ишчи кучини ўзига жалб қилмоқда.

Кейинги йилларда жаҳон меҳнат бозори географик шаклланиши билан бир қаторда, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги структуравий силжишлар, собиқ социалистик мамлакатлардаги туб ислохотлар, бошқача айтганда, жаҳон бўйлаб ўрнатилаётган янги иқтисодий-сиёсий тартиблар билан боғлиқ бўлган чуқур сифат ўзгаришларига ҳам эга бўлмоқда.

Бундай ўзгаришлар асосан қуйидагилардан иборат бўлиб, биринчидан, Шарқий Европа мамлакатларини жаҳон хўжалиги алоқаларига фаол жалб қилиш жараёни бошланди, шу жумладан ишчи кучини айирбошлаш соҳасида ҳам; иккинчидан, бир қатор Жанубий Осиё ва араб мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши, миллий иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиши натижасида шу мамлакатлар аҳолиси ҳисобига бўладиган миграция оқими қисқармоқда;

учинчидан, ялпи миграция оқимида юқори малакали ишчи кучининг ва тадбиркорларнинг улуши ошиб бормоқда.

Жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятнинг истиқболга таҳлили шундан далолат бермоқдаки, демографик, иқтисодий сабабларга кўра ишчи кучини импорт қилувчи асосий мамлакатларнинг талаби юқори даражада сақланиб қолади.

Масалан, Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатларда 25 ёшгача бўлган аҳоли сони 2000 йилда 1990 йилдаги 27,8 млн. кишидан 22,1 млн. кишигача қисқаради.

АҚШ ва Канадада ҳам юқоридагидек «аҳолининг кексайиши» жараёни кечмоқда. Шундан мураккаб демографик вазиятга қарамасдан, ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши ва ишсизлик даражасининг пасайиши кутилмоқда. Бундай ҳолат хориждан ёш мутахассисларни жалб қилиш, ушбу давлатлар илмий, иқтисодий ва демографик сиёсатининг муҳим қисми бўлиб қолишидан дарак беради.

4. Ташки меҳнат миграциясининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Меҳнат бозори ҳам ҳар қандай бошқа бозорлар каби айирбошланишнинг маълум тартиб-қоидаларини ўрнатишга, унга амал қилишга ва назоратга эҳтиёж сезади ёки бошқарилиб туришни тақозо этади. Бу одатда давлат зиммасига юклатилади. Давлатнинг миграция жараёнларида иштироки тарихдан маълум: чунончи XIII- XIX асрлардаёқ ишчи кучининг эркин кўчиб юришини чегаралайдиган тўсиқлар мавжуд бўлган. Ҳозирда ишчи кучининг эркин ҳаракати қатор ҳуқуқий, маъмурий, маданий, тил, ижтимоий ва бошқа йул воситалари билан бошқарилиб турилади.

Шулардан фақат ҳуқуқий ва маъмурий тўсиқларни давлатнинг ўзи ўрнатиши ёки уларни бартараф этиши мумкин. Агарда XX асрнинг ўрталаригача ишчи кучи ҳаракатини мамлакатлараро тартибга солиш асосан манфаатдор давлатларнинг икки томонлама шартномалари асосида амалга оширилган бўлса, кейинчалик, меҳнат соҳасида мамлакатлараро алоқаларнинг мураккаблашуви, жаҳон меҳнат бозорида фаолият кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Жумладан, 1953 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти мамлакатлари, 1957 йилда эса Европа Ҳамжамиятига кирувчи давлатлар ҳам ишчи кучининг эркин кўчиб юришини қувватлаб чиқдилар.

Ташки меҳнат миграциясини ташкил этишда, тажрибалар ва ахборотлар билан айирбошланишда, бу жараёни тартибли ва режали амалга оширишни таъминлашда миграция бўйича халқаро ташкилотнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу

ташкilot аъзо мамлакатлардаги (35 та аъзо) ўз бўлимлари орқали бўлажак муҳожирлар учун тил ўрганиш курсларини ташкил этади. Ушбу йуналишда Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳам ўз иштини фаоллаштириб Халқаро Меҳнат меъёрлари бўйича 1919-1993 йиллар давомида 174 та Конвенция ва 181 та тавсиялар қабул қилди. Уларда ишчи кучини мамлакатлараро кўчиб юришини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан 1949 йилда қабул қилинган муҳожир-меҳнаткашлар тўғрисидаги Конвенцияда ХМТга аъзо бўлган давлатларга муҳожирларни ишга қабул қилишда, иш хақи тўлашда ва уларнинг камситилишларига йул кўймаслик мажбуриятларини юқловчи қатор қоидалар ўрин олган.

- ХМТ нинг 1958 йилда қабул қилинган ижтимоий меҳнат ва бандлик соҳасида ҳуқуқларини чеклашга қарши Конвенцияси;

- ХМТ нинг 1962 йилда қабул қилинган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисидаги битим. Бу битимда ХМТга аъзо бўлган давлатларда муҳожир-меҳнаткашлар манфаатлари талаб қилинадиган қоидалар қайд этилган, яъни муҳожирлар ҳам туб аҳоли қатори мавжуд ижтимоий муҳофаза имтиёзларидан фойдаланишлари, уларнинг оилалари эса иш ҳақидан пул жўнатмаларини олиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгилаб қўйилган.

- ХМТнинг 1975 йилда қабул қилинган муҳожир-меҳнаткашлар тўғрисидаги Конвенцияси. Бу ҳужжат миграция соҳасида суистеъмолликларни, муҳожирларни яширин йулар билан олиб келиш ва қонунсиз ишга ёллашни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб беради ҳамда муҳожирларни меҳнат, бандлик, ижтимоий таъминот, касаба уюшмаларига бирлашиш ва маданий ҳуқуқлари соҳасида ҳимоя қилишнинг баъзи чораларини кўзда тутди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо бўлган ва унинг асосий ҳужжатларига имзо чеккан мамлакатлар, қайд этилган ҳужжатларда қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилишлари ва ўзларининг меҳнат қонунчиликларини уларга мувофиқ ўзгартиришлари лозим.

Ҳозирги пайтда Халқаро Меҳнат Ташкилотига 170 давлат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо бўлиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ушбу ташкилот қабул қилган ҳужжатларга амал қилмоқда. Хусусан, республикамизда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ўз касби бўйича

шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишга жойлаштиришни тартибга солиш ва бу жарасени мувофиқлаштириш борасида давлатнинг жавобгарлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон фуқароларининг хорижий мамлакатлардаги ва хорижий мамлакатлар фуқароларининг республикадаги касбий фаолият тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомга кўра Ўзбекистон фуқароларининг чет эллардаги касбий фаолияти ва хорижий ишчи кучларини мамлакатимизга жалб қилиш тартиблари белгиланган, ҳамда шу Низомлар асосида Ўзбекистон ташқи меҳнат миграцияси амалга оширилмоқда. Шунингдек Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги сиёсатини ташкилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Меҳнат вазирлиги қошида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июл қарори билан Меҳнатқаш-Муҳожирлар Раёлатхонаси таъсис этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси республикамиз фуқароларининг хорижда касб ўрганишлари ва малака оширишлари бўйича иш олиб боришдир. Бу ташкилот вазирликнинг қарорига биноан ишчи кучини экспорт қилиш учун хорижий шериклар билан битимлар ва контрактлар тузади, чет элларда ишлаш учун мутахассисларни танлайди, уларнинг жўнаб кетишларини ташкил қилади, контракт шартларини бажарилишини назорат қилиб боради ва ҳоказолар

Ўзбекистонда амал қилувчи тартибига кўра иш берувчиларга хорижий ишчи кучларидан фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар 1 йил мuddатга берилди.

Рухсатнома (лицензия) олиш тартиби, уни узайтириш ҳудудий меҳнат органлари томонидан амалга оширилди. Умуман республикада ишчи кучи ташқи миграцисни оқимларини назорат қилиш ва тартибга солишда асосан учта ижрочи давлат идорасининг (Меҳнат вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги) мувофиқлаштирувчи фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар ўз йўналишлари бўйича соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширадилар

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қабул қилинган ҳуқуқий, ташкилий иқтисодий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатининг асосий вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган, яъни миллий меҳнат бозорида ишчи кучи касб-малака таркибини мувозанатга келтирилга, хорижда ишлаётган фуқароларнинг ижтимоий

муҳофазасини таъминлашга, яширин ташқи меҳнат миграциясининг олдини олишга ва бошқаларга қаратилган.

Асосий тушунчалар:

1. Ишчи кучи - 16 ёш ва ундан катта ёшдаги ишлаётган ёки ишсиз шахсларнинг умумий сони. Махсус давлат муассасаларида ақли заифлар ва ахлоқ гузатиш муассасаларида бўлганлар бундан мустасно.
2. Халқаро ишчи кучи миграцияси - меҳнатга лаёқатли аҳолини бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши.
3. Халқаро меҳнат бозори - миллий ва ҳудудий ишчи кучи бозорларни ўзида бирлаштириб, миллий чегараларни кесиб ўтувчи меҳнат ресурсларининг турли йўналишлардаги оқимларини қамраб олади.
4. Турмуш тарзи яшаш даражаси - мамлакатнинг иқтисодий ривожланишдаги эришган даражасига мос келувчи мамлакат аҳолиси турмуш шароитларининг умумийлиги бўлиб, халқаро ишчи кучи миграциясида асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.
5. Ишчи кучи импорти - хориждан мамлакатга ишчи кучи келишидир.
6. Ишчи кучи экспорти мамлакатдаги ишчи кучининг хорижга чиқишидир.
7. Ишчи кучи экспорти ва импортининг афзалликлари - экспорт ва импорт қилувчи мамлакатларнинг оладиган фойдаларидир.
8. Жаҳон меҳнат бозорининг маркази - ишчи кучини жалб этувчи ҳудуд ёки жойдир.
9. Ноклассик назария - ишчи кучи миграциясини тор маънода тушунтиришга асосланган назариядир.
10. Ассиметрия назарияси - ишчи кучи миграцияси натижасида юзага келадиган оқибатларни кенгрок баҳолашга асосланган назариядир.
11. Халқаро меҳнат ташкилоти - халқаро доирада ишчи кучи миграциясини тартибга солувчи ташкилотдир.

Назорат саволари:

1. Ишчи кучининг халқаро миграцияси деганда нималарни тушунасиз?
2. Халқаро меҳнат бозори нима?
3. Нима сабабдан Ўзбекистонни ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар қаторига қўйиш мумкин?

4. Жаҳон меҳнат бозорининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни санаб ўтинг.
5. 80-90 йилларда бутун дунё ва айрим минтақаларда ишчи кучининг ўсиши қандай бўлган?
6. Ишчи кучи халқаро миграциясининг «баланс» ва «ассимметрия» назариясини тушунтириб беринг.
7. Ишчи кучи экспортдан давлатлар қандай манфаат кўрадилар?
8. Ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлар ундан қандай самара оладилар?
9. Жаҳоннинг айрим мамлакатларидаги хорижий ишчи кучининг салмоғи тўғрисида қисқача ахборот беринг.
10. Ишчи кучи жаҳон бозорининг тўрт йирик марказини тарифлаб беринг.
11. Ишчи кучининг жаҳон бўйлаб эркин ҳаракатига қандай тўсиқлар ҳалақит беради ва улардан қайси бири давлат назоратида ўрнатилади ва бартараф этилади?
12. Халқаро Меҳнат ташкилоти ва унинг ишчи кучи миграциясини тартибга солишдаги роли.
13. Ўзбекистонда ишчи кучини четга чиқариш ва четдан олиб келиш тартиби қандай ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади?
14. Ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатининг асосий вазифалари нималардан иборат?

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва ривожланишининг асосий хусусиятлари.

Ҳозирги даврда жаҳон хўжалигининг ривожлантиришнинг муҳим омилларида бири иқтисодий интеграция жараёнлари ҳисобланади. Иқтисодий интеграция миллий хўжаликлар ўртасида чуқур, барқарор ўзаро алоқалар ва меҳнат тақсимоти, уларнинг турли босқич ва ҳар хил шаклдаги такрорий ишлаб чиқариш тузилмаларининг ўзаро алоқалари асосида мамлакатнинг хўжалик, сиёсий жиҳатдан бирлашуви жараёнидир. Бунда маълум бир давлатлар ёки давлатлар гуруҳлари бошқа мамлакатларга кенг таъсир кўрсата бошлайди ва улар интеграция жараёнларининг марказига айланади. Иқтисодий интеграция бу жараёнларда иштирок этаётган мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминиллашувини жадаллаштириш учун шарт-шароитлар яратади.

Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий интеграцияга 2 та омил сезиларли таъсир кўрсатади:

1. Фан-техника тараққиёти.
2. Трансмилий корпорациялар фаолияти.

Бозор муносабатларига асосланган халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида бу муносабатларнинг юқорироқ босқичи бўлган халқаро интеграцияга ўтишнинг қатор объектив шарт-шароитлари юзага келди. Бу шарт-шароитлар фақат корхоналар, фирмалар даражасида эмас, балки шунингдек давлат, ҳудуд ва мамлакатлар гуруҳи даражасида ҳам шаклланади. Бозор муносабатлари шароитида корхона ва фирмаларнинг фаолияти натижаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг салбий омиллари, яъни миллий тўсиқлар, божхона ва валюта тўсиқларини жалб этиш билан боғлиқдир.

Бу мумаммоларни ҳал этишда объектив равишда икки йўл юзага келади:

- кўплаб қийинчиликларни четлаб ўтишга имкон берувчи трансмилий фирмаларни яратиш ва ривожлантириш;
- Жаҳоннинг йирик ҳудудларида жаҳон хўжалигининг бозор муносабатларига асосланган маконини шакллантиришга йўналтирилган давлатлараро келишилган чора-тадбирлар.

Ушбу икки йўналишни мувофиқлаштириш жаҳон хўжалиги муносабатларининг юқорироқ, самаралироқ ва

келажаги мавжуд бўлган даражаси, яъни халқаро иқтисодий интеграцияга ўтишни таъминлайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан, халқаро иқтисодий интеграциянинг объектив омили чекланган ресурсларни қуллашнинг энг яхши шароитларини таъминлашдан иборат. Бунда устивор бўлган ресурс омиллари вазиятга қараб ўзгариб туриши мумкин. Масалан, дастлаб иккинчи жаҳон урушидан кейин ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш вазифаси қўйилган бўлса, hozirgi вақтга келиб бундай вазифа сифатида ахборот - муҳандислик хизматлари фаолияти қўйилмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг объекти бўлиб халқаро ишлаб чиқариш ва фан-техника ҳамкорлиги ҳамда айирбошлашнинг предмети ҳисобланган товарлар, хизматлар, моддий пул ресурслари ва меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг субъекти халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий ҳамкорликни, товар ва хизматларни айирбошлашни амалга оширувчи томонлар (фирмалар, мамлакатлар, ҳудудлар) ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий интеграция механизми деганда халқаро иқтисодий интеграцияни амалга оширишни таъминловчи иқтисодий усуллар, ташкилий чора-тадбирлар ва институтларнинг тизими тушунилади.

Халқаро иқтисодий интеграция ўз ривожланишида миқдорий ва сифат кўрсаткичлари билан асосланган қатор босқичларни босиб ўтади.

Иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи савдо ҳудудини ташкил этишдир. Бунда мамлакатлар эркин савдо ҳудуди доирасида иштирокчи ўзаро савдо тўсиқларини бекор қилади, лекин уларнинг ҳар иккаласи учинчи мамлакатларга нисбатан савдо тўсиқларни бузмайди. Бундай мақолада қатнашувчи мамлакатлар чегараларидаги божхона назорати сақлаб қолиниши керак. Унинг мақсади қўшни қатнашчи мамлакатнинг сустроқ божхона тўсиғи орқали учинчи мамлакатлардан ҳудудга кириб келиши мумкин бўлган импорт моллар учун солиқ ундириш ёки уни тақиқлашдан иборат. Бу қоида учинчи мамлакатларга мол экспорт қилишга ҳам тааллуқдир.

Бунга 1960 йилда ташкил топган Европа эркин савдо уюшмаси мисол бўла олади.

Иқтисодий интеграциянинг иккинчи босқичи савдода, меҳнат ва капитал ҳаракатида ягона тарифларни ўрнатиш орқали божхона Иттифоқини яратишдир. Бу босқичда

қатнашчи мамлакатлар ўзаро савдода барча чеклашларни бартараф этибгина қолмай, ташқи савдо тўсиқларининг ягона тизимини таъсис этадилар. Бу билан ички чегараларда божхона хизматини сақлаш заруратини соқит қиладилар. Божхона Иттифоқи эркин савдо ҳудудларига нисбатан такомиллашган интеграция тузилмани ўзида акс эттиради. Божхона Иттифоқи доирасидан қатнашчи мамлакатларнинг ишлаб чиқариши ва истеъмоли тузилишида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Божхона тарифларига нисбатан ягона ташқи савдо сиёсатини ўтказиш, протекционизм ва шу қабиларни қўллаш орқали мамлакатлар ташқи тариф даражасини ҳисобга олган ҳолда товар оқимларни тартибга солади. Бу эса ўз навбатида ресурсларни қайта тақсимлашда, истеъмол ва ишлаб чиқаришда муҳим туртки бўлади.

Божхона Иттифоқининг ташқарисида қандайдир товарларга белгиланадиган тарифлар ушбу интеграцион тузилма вужудга келгунга қадар мавжуд бўлган ўртача тарифдан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Агар ташқи тариф юқори бўлса, у ҳолда божхона Иттифоқига аъзо мамлакатлар анча арзон бўлган ташқи ресурслардан воз кечиб, қимматроқ бўлган иттифоқ ичидаги ресурслардан фойдаланишларга тўғри келади.

Агар ташқи тариф божхона Иттифоқига аъзо мамлакатлардаги ўртача тарифлардан паст ўрнатилса, у ҳолда ушбу мамлакатлар ташқи савдоси учинчи мамлакатлар бозорига йўналтирилади. Бундай тадбирлар ички ва ташқи ишлаб чиқарувчилар рақобатини кучайтириш учун қўлланилиши мумкин.

Сифат нуқтаи назардан иқтисодий интеграциянинг юқорироқ босқичи ягона бозор ҳисобланади. Умумий бозор доирасида қатнашчилар савдодан ташқари ишлаб чиқариш омилларининг барчасини бемалол кўчириш эркинлигига ҳам эга бўдилар.

Божхона Иттифоқидан ягона бозорга ўтиш иқтисодий омиллар каби, сиёсий омиллар билан ҳам асосланади. Халқаро айрибошлашдан тариф тўсиқлари йўқолишига қарамай, нотариф тўсиқлар мавжуддир ва улар қийинчиликларни юзага келтиради. Уларга техник меъёрларнинг турли-туманлиги, товарларнинг миллий белгиларини қонуний ҳимоялаш ва шу қабиларни мисол келтириш мумкин. Божхона иттифоқи доирасида амалга ошириш мумкин бўлмаган йирик вазифаларни ҳал этиш орқали ягона бозорни яратиш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, божхона Иттифоқи аъзо давлатлар

ўртасида божхона божларини қисқартириш ва учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо сиёсатини ишлаб чиқиш орқали ягона бозорга ўтиш шарт - шароитларини яратади.

Бироқ ягона бозорни яратиш учун яна қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- иқтисодиётнинг, алоҳида тармоқлари ва бўғинларини ривожлантиришнинг умумий сиёсатини ишлаб чиқиш;

- товарларнинг тўсиқларсиз кўчишини тўлдирувчи хизматлар, ахборот, капитал, ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши учун шароитларни яратиш;

- интеграция жараёнларининг афзалликларини ҳақиқатда ҳис этишга имкон берувчи ижтимоий ва ҳудудий тараққиётга кўмаклашувчи умумий фондларни (жамғармаларни) шакллантириш;

Ягона бозорни яратиш ягона иқтисодий, ҳуқуқий ва ахборот маконини ташкил этиш билан тугалланади. Бу иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги босқичи тўла иқтисодий иттифоққа ўтиш учун туртки бўлади.

Тўла иқтисодий иттифоқда қатнашувчи мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини, шу жумладан пул, солиқ ва ижтимоий сиёсатни, шунингдек, савдога ҳамда ишчи кучи ва сармоя оқимига тааллуқли сиёсатларини бирхиллаштирадilar.

2. Ғарбий Европа Иқтисодий интеграцияси ривожланишининг хусусиятлари.

Халқаро иқтисодий интеграция ўзининг энг тўлиқ тараққиётига Ғарбий Европада эришди. Ғарбий Европа интеграциянинг бошланғич нуқтаси бўлиб 1951 йил ҳисобланади. Ушбу йилда Ғарбий Европанинг олти мамлакати Франция, Германия, Италия, Белгия, Нидерландия, Люксембург, Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси ҳақидаги шартномани имзоладилар. 1957 йилда эса худди шу мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамияти ва атом энергияси бўйича Европа ҳамжамиятини яратиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бу иқтисодий интеграцияни янада ривожлантирди. Бу ҳамжамиятга асосан ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирди ва иқтисодий интеграцион гуруҳнинг кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини белгилаб берди.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграция ривожланиш жараёнини шартли равишда қуйидаги тўрт босқичга ажратиш мумкин:

- **Биринчи босқич** - (50 -йилларнинг охири 70 -йилларнинг ўрталари) ҳамжамият ҳаётидаги «олтин давр» ҳисобланади. Бу босқичда муддатидан олдин божхона иттифоқи яратилди, ягона аграр бозор нисбатан муваффақиятли шаклланди. Интеграцияга Буюк Британия, Дания, Ирландия каби мамлакатлар аъзо бўлди.

Ушбу ҳамжамиятни яратишнинг аниқ мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- қатнашчи мамлакатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни босқичма босқич йўқотиш;
- учинчи мамлакатлар билан савдода умумий божхона тарифларни ўрнатиш;
- ишчи кучи, капитал, хизматлар эркин ҳаракатланиши учун чеклашларни йўқотиш;
- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- валюта Иттифоқини яратиш;
- солиқ тизимини биржиллаштириш;
- қонуниятчиликни яқинлаштириш;
- иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш

Ушбу мақсадларга эришиш учун бошқариш тузилмалари мажмуаси яратилди. Ушбу мажмуага Европа иқтисодий ҳамжамияти Вазирлар Кенгаши, Европа ҳамжамияти Комиссияси, Европа Кенгаши, Европа суди, Европа парламенти киради.

Европа Иқтисодий ҳамжамияти ўзининг биринчи мақсади сифатида иштирокчи мамлакатларнинг товарлар, капитал, хизмат ва ишчи кучи умумий бозорини яратиш вазифасини хал этишни қўйди. Шу сабабдан ҳам Божхона Иттифоқи тузилди. Божхона Иттифоқи доирасида иштирокчи мамлакатлар ўзаро савдосида савдо чеклашлари йўқотилди, учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифи ўрнатилди, капитал, кредит ва пул ўтказишларнинг эркин ҳаракатига эришилди, ишчи кучининг эркин кўчиши ва ишлаш жойини танлаш эркинлиги таъминланди.

Иккинчи босқич - (70 -йилларнинг ўрталари 80 -йилларнинг ўрталари) Европа Иттифоқи тарихига турфунлик даври сифатида кирди. Ушбу босқичда Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлари Европа валюта ҳамкорлиги дастурини қабул қилдилар. Ушбу даврда Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларнинг ривожланиш даражалари ўртасидаги фарқ кўпайди.

Учинчи босқич - (80 - йилларнинг иккинчи ярми, 90 - йилларнинг бошлари) Европа Иттифоқи таркибини кенгайтириш босқичи бўлди. 1981 йилда Греция, 1986 йилда Испания ва Португалия Европа Иттифоқи таркибига кирди. Бу иккинчи босқичда мавжуд бўлган мамлакатлар ўртасидаги номуганосибликни янада кучайтирди. Чунки ушбу мамлакатлар иқтисодиёти Европа Иттифоқининг бошқа аъзо мамлакатлари иқтисодиётидан анча паст даражада эди. Шунга қарамай ушбу босқичда Фарбий Европа иқтисодий интеграцияси тараққиётининг янги йўналишлари билан характерланади. Ушбу босқичда ягона Европа Акти қабул қилинди.

Ягона Европа Акти билан ягона бозорни бунёд этишга тааллуқли барча муаммолар бўйича (икки соҳа солиқ солиш ва одамларнинг эркин кўчиб юришидан бошқа соҳалар) кўпчилик овоз билан қарор қабул қилишга рухсат этилади. Тўлдириш қоидасининг киритилиши ягона Европа Актининг муҳим жиҳатидир. Унинг моҳияти шундаки, бу қоида қуйи даражадаги омилар билан муваффақиятли бажариб қолинадиган бўлса, юқори даражада қарор қабул қилишига ҳожат қолмайди ёки, аксинча, бу тамойилга мувофиқ қарорлар жамоа томонидан қабул қилиниши талаб этиладиган соҳаларда жамиятнинг роли кучайтирилиши лозим, қатнашувчи мамлакатлар ихтиёрида бошқарувнинг миллий ва минтақа даражасида қоида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифаларигина қолиши керак. Ягона Европа Актининг қабул қилиниши билан ҳамжамиятга аъзо мамлакатларнинг микро ва макро иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология, ҳудудий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграцияси жараёнлари кучайди. 90 - йилларнинг бошларида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ягона бозор асосларини яратишни деярли тугаладилар ва валюта -иқтисодий ҳамда сиёсий иттифоқни шакллантиришга яқинлашдилар.

Тўртинчи босқич - (90-йилларнинг ўрталари XXI-аср бошлариши). Ушбу босқичда Европа Иттифоқи таркиби Австрия, Финляндия, Швеция мамлакатларининг қўшилиши ҳисобига кенгайди. Ушбу босқичнинг бошланишида Европа Иттифоқининг 12 мамлакати давлат ва ҳукумат бошлиқлари Голландиянинг Маастрихт шаҳрида Европа кенгашининг навбатдаги мажлисида интеграцияни янада чуқурлаштириш ва унга барқарор тус бериш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйдилар. Бунда ҳамкорликнинг янги шакллари билан тўлдирилган Европа Иттифоқини тузишга қарор қилдилар. Шу сабабдан ҳозирги вақтда ушбу интеграцион гуруҳ мамлакатлари ўртасидаги

муносабатлар Европа Иттифоқи туғрисидаги шартномага асосланмоқда. Янги шартномага мувофиқ қуйидагилар таъсис этилди.

Ягона умумий Европа фуқаролиги қатнашчи мамлакатларнинг барча фуқаролари ўз-ўзидан Европа Иттифоқи фуқаролигини олади.

Иқтисодий ва валюта Иттифоқига қатнашчи мамлакатлар ва умуман ҳамжамият иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинади, у шунингдек ҳар бир мамлакат ва умуман ҳамжамият иқтисодий ривожланиш жараёни қандай бораётганлигини кузатиб туради, қатнашчи мамлакатлар давлат бюджетига ортиқча тақчиллик бўлишига йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар.

Сиёсий иттифок, У қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- ташқи ишлар ва хавфсизлик соҳаларида ягона сиёсат;
- Европа парламенти моҳиятини кучайтириш;
- ҳамжамият ваколатларини кенгайтириш;

Ички ишлар ва одил судлов соҳаларида хусусан бошпана бериш, иммиграция ва виза тартиби масалаларида ягона сиёсат юритиш.

Хулоса қилиб айтганда, Европа Иқтисодий интеграцияси жаҳон амалиётидаги муваффақиятли тажриба бўлиб ўзида аввало ўзаро бир-бирига боғлиқликни ва ҳамкорликни тақозо қилувчи иқтисодий асос, ҳуқуқий қоидалар тантанаси, келишувлар ва ёнберишларга асосланган қарорлар қабул қилиш халқаро иқтисодий муносабатларнинг янада демократлашувини билдиради.

3. Ҳудудий иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва унинг асосий хусусиятлари.

Ҳудудий интеграция икки хил даражада, яъни алоҳида компаниялар даражасида ва давлатлараро даражада бўлади. Биринчи ҳолатда компаниялар ўз хўжалик фаолиятида интеграция жараёнларига қўшиладилар. Ҳудудий иқтисодий интеграция асосан иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичини босиб ўтмоқда. Ҳудудий интеграция гуруҳлари фаолиятини кўриб чиқиш учун қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Ғарбий Европа интеграциясининг муваффақиятларини ҳрганган ҳолда Марказий Европа мамлакатлари Венгрия, Польша, Словакия ва Чехия 90- йилларнинг бошларида ташқи

савдони эркинлаштириш жараёнларига фаол қўшиқдилар ва ўзаро битим имзоладилар. Шунга мувофиқ иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи-эркин савдо зоналарини яратишга асос солинди. 1992 йилда ушбу тўрт мамлакат эркин савдо ҳақидаги Марказий Европа битимини имзоладилар. 1996 йилда ушбу битимга Словения ҳам қўшилди. Ушбу битим божхона божлари ва бошқа нотариф усулларни ўзаро аста-секин йўқотиш йўли билан бир неча йиллар давомида саноат товарлари билан эркин савдо қилиш ҳудудларини яратишни кўзда тутди.

Ушбу битим тамойилларига мувофиқ шериклар божхона божларини бир томонлама тартибда кўтариши ёки янги савдо тўсиқларини киритиш мумкин эмас. Шу билан бир вақтда битимда томонлар божхона божлари ставкаларини ошириши ёки махсус ҳимоя тадбирларини қўллаш кўзда тутилган, қатор ҳолатларни ҳам кўзда тутган ҳимоя тадбирларининг шартлари, амал қилиш муддати, қўлланилиш соҳалари, божларнинг энг кўп миқдори ва уларни эркинлаштириш суръатлари каби битим билан аниқ тартибга солинади. Ушбу битимни бажаришнинг ижобий натижаси барқарорлик ва олдиндан кўра билишлик характери ҳисобланади. Шунга кўра Марказий Европа ҳудудидаги мамлакатларнинг савдо сиёсати ушбу характерларга эга бўлди. Ушбу битимда кўзда тутилган божхона божларини бир томонлама оширишни таъқиқлаш миллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий инвесторларга Марказий Европа мамлакатларининг миллий бозорларида фаолият кўрсатиш шароитларини кафолатлайди.

Ушбу битим Марказий Европа мамлакатлари экспортини ривожлантириш учун қулай савдо иқтисодий шароитларинигина яратди, бироқ таъқиқ иқтисодий соҳани эркинлаштириш экспортни ривожлантириш, саноат товарлари рақобат қобилиятини ошириш, иқтисодий тузилишни ўзгартириш муоамаларни ҳал этиш учун етарли бўлмайди. Битим яратиб берган имкониятлардан тўла фойдаланиш охириги йилларда аҳамияти ортиб бораётган ички қийинчиликлар билан тўхтаб қолмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг яна бир мисоли Шимолий Америка эркин савдо асоциацияси (НАФТА) ҳисобланади. АҚШ, Канада ва Мексика ўртасида имзоланган Шимолий Америка эркин савдо асоциацияси ҳақидаги битим 1994 йил 1 январдан кучга кирди. Ушбу интеграцион гуруҳ кучли иқтисодий имкониятларга эга эди. Бу мамлакатларда товар ва хизматларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 7 трл.

долларни ташкил этади. Улар ҳиссасига жаҳон савдо ҳажмининг 20 фоизга яқини туғри келади.

Ушбу битимнинг асосий қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади;

АҚШ, Канада ва Мексика ўзаро савдо қиладиган товарларга божхона божларини бекор қилиш.

Шимолий Америка бозорларини Осиё ва Европа компанияларининг бостириб киришидан ҳимоялаш. Ушбу компаниялар Америка божларидан қутулиш учун ўз товарларини Мексика орқали АҚШ га реэкспорт қилар эдилар. Америка ва Канада компанияларининг Мексикада банк ва суғурта ишлари соҳасидаги капитал қўйилмалари ҳамда рақобатига белгиланган чеклашларни олиб ташлаш;

Атроф -муҳитни ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун уч томонлама гуруҳни яратиш.

АҚШ 5 йил мобайнида Мексикадан импорт қилинаётган маҳсулот турларининг 2ФЗ қисмига нисбатан тарифларни бекор қилади.

Ушбу битимдан кўпроқ фойдани савдо блокига кирувчи мамлакатлардаги истеъмолчилар олиши кўзда тутилган, чунки рақобатнинг кучайиши ва тарифларнинг пасайиши натижасида кўплаб товарлар нархи пасайди. Америка саноати ҳам арзон ишни кучининг оқиб келиши ҳисобига ривожланиши мумкин. Бунда Америка иқтисодиётининг электроника, компьютер таъминоти, қурилиш материаллари, автомобил эҳтиёт қисмлари ва бошқа ишлаб чиқариш каби соҳаларида даромадларнинг кафолатли ўсиши кутилади. Шу билан бир қаторда Америкадаги қанд ва қишки сабзавотлар ишлаб чиқарувчи фермерлар зарар кўради. Мексикага келсак НАФТАга қўшилиши натижасида ўз ялпи ички маҳсулотни йилига 1,6 -2,6 фоизга қўшимча ўстириш ҳисобига иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштиришни режалаштирган. Мексикада капитал ҳаракатини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди, уни оқиб келиши бошланди, хорижий инвестициялар ҳажми усди.

Канада иқтисодиёти Америка иқтисодиёти билан чамбарчас боғланган. АҚШ нинг Канада ташқи савдо оборотидаги ҳиссаси 70 % га яқин, Канаданинг ҳиссаси эса 20 % ни ташкил этади. Бу жуда ҳам юқори кўрсаткич. Канада ҳукумати Канаданинг НАФТАдаги иштироки илм кўп талаб қиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кириб боришига, фойдани кўпайтиришига имкон беради деб ҳисоблайди, чунки Канадада меҳнатга ҳақ тўлаш АҚШ ва Мексикадагига нисбатан юқори.

Ҳозирги вақтда НАФТА фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш қийин, чунки унинг фаолият кўрсатаётганлигига ҳам кўп вақт бўлмади. Интеграция жараёнлари Жанубий Америкада ҳам фаоллашди. Ушбу ҳудудда дастлаб 60 йилларнинг бошларида эркин савдо ҳудудини яратиш, кейинчалик Марказий Америка умумий бозорини ташкил этиш режалаштирилган эди. Бироқ сиёсий ва иқтисодий тангликлар бу режаларни амалга оширишга имкон бермади.

Ушбу ҳудудда интеграциянинг жадаллашувини олиб келган сабаблар қуйидагилардир.

- Бир томондан савдога кучайиб бораётган рақобат, иккинчи томондан янги технологиялар ва инвестицияларни қўллашдан даромадларнинг ўсиши, йирик ва очиқ бозорларни яратишга туртки бўлди.

-80-йилларнинг охирларида Жанубий Америка мамлакатлари томонидан ташқи савдони эркинлаштириш.

- ҳудудда интеграция механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш.

Ушбу сабабларни ҳисобга олган ҳолда, 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай ўртасида тузилган «МЕРКОСУР» ҳисобланади, ҳозирги вақтда Латин Америкасидаги энг йирик интеграцион бозор ҳисобланади. Унда ушбу минтақа аҳолисининг 45 фоизи жойлашган, ЯИМ нинг 50 фоизи, бевосита хорижий инвестицияларнинг 40 фоизи, товароборот ялпи ҳажмининг 60 фоизидан ортиғи, ташқи савдо ҳажмининг 33 фоизи тўғри келади. МЕРКОСУРни яратиш тўғрисидаги шартномада ушбу тўрт мамлакат ўртасидаги ўзаро савдода барча божларни ва тариф чеклашларни бекор қилиш кўзда тутилган эди. Ўтиш даврида интеграция жараёнларига раҳбарлик қилиш учун 1994 йил охирларида умумий бозор кенгаши тузилди, (Ташқи ишлар вазирлиги таркибида) ижрочи ташкилот умумий бозор гуруҳи ҳисобланди.

Асосий тушунчалар:

1. Иқтисодий интеграция -ягона хўжалик механизмини яратишга қаратилган икки ва ундан ортиқ мамлакатлар миллий хўжаликларининг яқинлашуви ва ўзаро бирлашувидир.
2. Фан техника революцияси иқтисодий интеграцияга таъсир этувчи муҳим омил.

3. Эркин савдо хуудлари иқтисодий интеграцияни яратиш ва ривожлантиришнинг биринчи босқичида таърифлар ва бошқа чеклашлар бекор қилинади.
4. Божхона Иттифоқи - савдо ва меҳнат ҳамда капитал ҳаракатида ягона тарифларни ўрнатиш бўйича иттифоқ. Иқтисодий интеграциянинг иккинчи босқичи.
5. Иқтисодий Иттифоқ-қатнашувчи мамлакатларнинг ўз иқтисодий сиёсатлари келишилган ҳолда тузган иттифоқи, иқтисодий интеграциянинг 3 босқичи.
6. Тўлиқ интеграция - ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва миллий хўжаликларни тартибга солиш органлари бўлган интеграциядир ва у иқтисодий интеграциянинг тўртинчи босқичи.
7. Европа Иттифоқи - Ғарбий Европадаги 15 давлатнинг интеграцияси гуруҳи.
8. Эркин савдо Европа ассоциацияси-Ғарбий Европадаги қатор мамлакатларнинг савдо иқтисодий гуруҳи Буюк Британия, Исландия, Лхтенштейн, Швейцария.
9. НАФТА -Шимолий Америка мамлакатлари савдо иқтисодий гуруҳи. АҚШ, Канада, Мексика.
10. МЕРКОСУР -Лотин Америкасидаги давлатларнинг савдо иқтисодий гуруҳи. Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай.
11. АСЕАН -Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларининг савдо иқтисодий гуруҳи.
12. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) -Осиё давлатларининг интеграцион гуруҳи. Покистон, Эрон, Афғонистон, Туркия, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон.

Назорат саволлари:

1. Халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ) тушунчаси ва унинг заруриятини назария қандай ифодалайди?
2. Нима учун ХИИ регионал даражада ривожланмоқда?
3. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ХИИ нинг ўрни қандай?
4. Халқаро муносабатлар глобаллашувининг моҳияти ва бу жараёнда ХИИнинг ўрни?
5. ХИИ нинг ривожланиш босқичларини айтиб беринг.
6. МДҲ давлатларида интеграция жараёнларининг асосий йўналишлари ва муаммолари қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Законодательства Республики Узбекистан о внешне-экономической деятельности.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. «Ўзбекистон», 1993 й.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент. «Ўзбекистон», 1994 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон», 1995 й.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997 й.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: 1994 й.
7. Андриянов В.Д. Новые промышленные страны. М. Наука. 1990 г.
8. Хасбулатов Р.И. Международные экономические отношения. М.: Новости. 1991
9. Пейро М. Международные экономические валютно-финансовые отношения. М. Прогресс-Университет. 1994
10. Международное экономические отношения (Учебное пособие) М. 1994
11. Носкова И.Я. Международное валютно-кредитное отношения. М., ЮНИТИ, 1995
12. Авдокушин. Международное экономические отношения. М., ИВЦ. «Маркетинг», 1996
13. Даниелс. Международный бизнес Москва, 1998
14. Додобоев Ю.Т. Рахимов Г.А. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув кўланма. Фарғона, 2001
15. Нухович Э.С. Смитенко Б.М. Эскиндеров М.А. Жаҳон иқтисодиёти XX-XXI асрлар бўсағасида. Ўқув кўланма. Т.: 1998
16. Хайдаров М. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Т.: Фан нашриёти. 2003
17. Фуломов С. Абдуллаев А. Сотволдиев А. Иқтисодиёт илми асослари. Т.: Молия, 2002
18. Чжен. Бозор очик иқтисодиёт. 4-том. Тошкент, 1996
19. Ҳамидов, Алимов. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т. 2001
20. Ишмухаммедов А.Э., Суннатов М.Н. Шибаршова Л.И. Жаҳон иқтисодиётига интеграция. Тошкент. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиётжамғармаси нашриёти, 2004

21. Пардаев М.Қ. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Самарқанд, 2004
22. Назарова Г.Г. Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Тошкент ТДИУ, 2005
23. А. Ҳазратқулов. «Жаҳон мамлакатлари». Т.: «Шарқ», 2006.
24. Каримова З. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш Ўзбекистоннинг БСТ га интеграциялашуви негизи. «Бозор пул ва кредит» журналі, 2005 йил 2-сон.
25. Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш йўллари. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журналі, 2005 йил 3-4 сон.

МУҲДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Жаҳон хўжалиги тўғрисида тушунча ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг аҳамияти.	
1. Жаҳон хўжалиги тўғрисида тушунча ва унинг ривожланиш босқичлари.	4
2. Халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари	7
3. Жаҳон хўжалиги иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати	10
4. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети.	14
2-боб. Жаҳон иқтисодиётида инсон ресурслари.	
1. Жаҳон аҳолисининг сони ва кўпайиши.	17
2. Аҳолининг ёш, жинсий, этник, диний ва ҳудудий таркиблари.	22
3. Урбанизация жараёни ва шаҳарларнинг ривожланиши.	28
4. Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар.	30
3-боб. Халқаро хўжалик алоқаларининг назарий асослари.	
1. Халқаро айирбошлашнинг мутлақ афзаллик назарияси.	33
2. Халқаро айирбошлашнинг нисбий афзаллик назарияси.	36
3. Халқаро айирбошлашнинг Хекшер-Олин назарияси.	38
4. Майкл Портернинг рақобат назарияси.	39
4-боб. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият хусусиятлари.	
1. Ташқи иқтисодий фаолият шарт-шароитлари.	43
2. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатнинг ривожланиши.	48
3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий ва ҳуқуқий базаси.	52
4. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари.	55
5-боб. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуллари.	
1. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг зарурияти ва унинг асосий усуллари.	58
2. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари.	60
3. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бевосита маъмурий усуллари.	65

6-боб. Халқаро иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги аҳамияти.	
1. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ХИМда тутган ўрни ва аҳамияти.	74
2. БМТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлар тизими.	75
3. Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти.	81
4. Бази ҳудудий иқтисодий ташкилот.	82
7-боб. Халқаро савдо.	
1. Халқаро савдо ривожланишининг зарурияти ва ташқи савдо операциялари.	84
2. Ташқи савдо кантрактлари.	88
3. Жаҳон хизматлар бозори.	92
8-боб. Халқаро валюта тизими.	
1. Халқаро валюта тизимининг зарурияти, моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари.	97
2. Халқаро валюта-кредит воситалари.	102
3. Валютанинг алмаштириш курслари.	105
4. Валюта бозорлари ва валюта операциялари.	110
5. Мамлакат тўлов баланси.	113
9-боб. Капиталнинг халқаро ҳаракати.	
1. Капитал ҳаракатининг моҳияти ва асосий шакллари.	120
2. Замонавий босқичда капитал ҳаракатининг хусусиятлари.	122
3. Халқаро кредитнинг асосий турлари.	124
4. Халқаро ссуда капитали бозори.	128
5. Чет эл инвестицияси тушунчаси.	131
10-боб. Халқаро меҳнат бозори.	
1. Ишчи кучининг халқаро миграцияси ва унга таъсир қилувчи омиллар.	135
2. Иқтисодий назариялар ва меҳнат миграциясининг самарадорлиги.	140
3. Халқаро меҳнат бозори.	142
4. Ташқи меҳнат миграциясининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.	144
11-боб. Халқаро иқтисодий интеграция.	
1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг (ХИИ) моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари.	149
2. Фарбий Европа иқтисодий интеграцияси.	152
3. Ҳудудий иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва асосий хусусиятлари.	155
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	160

Илмий – услубий нашр

ХУРРАМОВА З., ТОШАЛИЕВА С., ТУРОПОВ Ж.

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР**
(Ўқув қўлланма)

Ўзбек тилида

Муҳаррир: А.Ғофуров
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов
Мусахҳиҳ: А.Ғаффоров

ИБ 1101

Теришга 14.06.2007 йилда берилди. Босишга 21.06.2007 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табоғи 9,76. Шартли бўёк отг. 9,89. Нашр босма табоғи 10.07. 36 – 2007 – шартнома. 34 – бўлортма. 500 нусха. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
22 – уй.

«Куро – Принт» МЧЖ босмахонасида босилди. Тошкент, Халқлар
Дўстлиги шоҳкўчаси, 28.